

# Ғалаба қозонувчи Жамоат

3 қисмдан иборат  
Қўлланма

Originally published in English as *The Triumphant Church*  
© 1999 by *The Voice of the Martyrs*.


©2011 for the Uzbek edition.  
Translated by permission.  
All rights reserved.




# 1

## **Яширин тарзда хизмат қилишга тайёргарлик**

Ричард Вурмбранд








## Кириш


«Яширин жамоат» деб аталадиган, масихийларнинг яширин жамиятини ташкил қилиш бўйича қисқача қўлланманинг ўзи нима экан, — деб ўйлашингиз мумкин. Аммо бу чўпонлик хизмати, қамоқдаги пайти ва воизхонлик фаолияти, коммунистик атеизм хавф—хатарларидан дунёни огоҳ қилишга хизмат қилиши мумкин бўлган, бир одамнинг очикча фикри. Ричард Вурмбранднинг иши алоҳида изоҳ талаб қилмайди. Бу асар рўйи —рост ва чуқур маънога эга, у тингловчини бефарқ қолдирмайди. У деярли таҳрир қилинмаган. У одамнинг усули худди яҳудий каби ўйлайдиган, тилшуносга ўхшаб ўқийдиган, хаворийга ўхшаб ибодат қиладиган ва пайғамбарга ўхшаб ёзадиган одамларга хос. Унинг маъносини тушуниш жуда ҳам осон:

агар айрим масихий хизматкорлар айтаётган нарсалари тўғри бўлса, Жамоат эртами ёки кечми ушбу танлов билан дуч келади: ёки масихийларга қарши кучлар билан ижтимоий—сиёсий мурасага боради, ёки сиёсатчилар томонидан назорат қилинувчи диний иерархиянинг ғазабини ўзида ҳис қилади. Агар шундай бўлса, Вурмбранд ҳақ ва бунга тайёрланиш керак.

Дунёнинг айрим жойларида бу танловни аллақачон қилишга тўғри келган ва бу бизларгача етиб келмайди, деб ҳисоблаш учун асос йўқ. Келинглр, биз масихийлар ҳам ўзимиз бунга тайёргарлик кўрайлик ва керак бўлса, болаларимиз ҳам бунга тайёр бўлиши учун қўлимиздан келган ҳамма нарсани қилайлик.

*Нашириёт*





## **Яширин тарзда хизмат қилиш учун ҳозирдан тайёргарлик кўринг.**

«Ҳанания жавоб берди: – Ё Раббий, бу одам Қуддусда Сенинг азизларингга қанча ёмонлик қилгани ҳақида кўп одамлардан эшитдим. Раббимиз Исо унга шундай деди: – Сен боравер, мана бу одам Менинг исмимни турли халқлар, подшоҳлар ва Исроил ўғиллари олдида улуғлаш учун танланган қуролимдир. Менинг исмим учун у қанчалар азоб чекиши керак эканини Ўзим унга кўрсатаман» (Ҳав 9:13,15–16)

Менга маълум бўлишича, дунёда Яширин жамоат ҳақидаги фандан дарс берадиган на бир семинария, на бир муқаддас китоб мактаби, на бир университет мавжуд. Семинарияларда савелий ва апполинарий таълимотлари ҳақида айтилади ва талаба семинарияни тугатиш билан уни эсидан чиқаради. У бутун умр савелий ва апполинарий таълимотидаги кишиларни учратмасдан ўтиш мумкин.

Биз ҳеч қачон дуч келмайдиган, копт жамоати ва бошқа кўплаб секталар ҳақида ўрганамиз. Яширин жамоат эса ер юзининг учдан бир қисмидан фаолият кўрсатмоқда ва унинг кўплаб аъзолари ҳеч қачон Яширин жамоатда бўлиши ҳақида ўйлашмаган. Америка Уотергейт масаласи билан банд бўлган бир пайтда, коммунизм 15 та мамлакатни босиб олган. Ҳозир эса Ислом ва гуманизм янада кўпроқ таъсирга эга бўлиб бормоқда.

Масихий чўпонлар яширин жамоат нима эканлигини билишлари керак. Бир марта биз яширин жамоат иши ҳақида битта британиялик чўпон билан бир соат гаплашганимиздан кейин, у менга: «Мен айнан жамоат тузилиши билан қизиқаётган эдим. Айтингчи, яширин жамоатнинг қурилишида готик усул ишлатиладими?» Агар бу нозирнинг фамилиясини сизга айтсам, сиз шундай одам мана шундай савол бериши мумкинми деб хайратдан ёқа ушлаган бўлардингиз.

Яширин жамоат ҳақида биз деярли ҳеч нарса билмаймиз. У ёнимизда, аммо биз унга қўшилишга тайёр эмасмиз ва у учун тайёргарликдан ўтмаганмиз.

Ҳозир масихий чўпоннинг суруви – бу бутун дунё ва биз шуни тушунишимиз керакки, ҳар биттамыз кулфатли ҳолатга тушиб қолишимиз мумкин. Ҳатто бу нарса юз бермаса ҳам, биз бундай шароитга тушганларга ёрдам беришимиз ва насихат қилишимиз шарт. Ислол мамлакатларида, коммунистик Хитойда кўплаб имонлилар азоб чекдилар. Кўплари қамокқа олинди, кўплари вафот этди. Ва бу билан мақтаниш керак эмас: яхшиси яширин тарзда хизмат қилишга ўргатилган бўлиш ва қўлга тушмаслик яхшироқ.

Уруш пайтида ҳаётини ватани учун берган одамлар – душмандан жонини олган одамлардан кўра кичикроқ қаҳрамондир. Урушда ватан учун мен ўлишим керак эмас – у ўзининг ватани учун ўла қолсин. Мен қўлга тушмасдан ишлашга қодир бўлганлар билан фахрланаман. Биз буни қандай қилишни билишимиз керак.

## **Қийинчиликларга тайёргарлик кўриш**

Яширин жамоатда қандай хавфсизлик чоралари кўрилмасин, қийинчиликлардан қочиб бўлмайди, аммо уларни иложи борича қамайтириш керак. Яширин тарздаги хизматга қисқа вақт ичида





тайёрлаб бўлмайди ва мен сизларга ўз деноминациянгизни шундай тайёргарлик кўришга чақиришингизни маслаҳат бераман.

Зулмкор режим қандай ўрнатилади? Айрим пайтларда босқинчилик худди, Мозамбик ва Комбоджига ўхшаб бирданга бошланади. Айрим пайтларда диний эркинлик сақланиб қолинади. Бошқа пайтда эса бу режим ҳақиқий кучга эга бўлмайди ва халқ уни қўллаб-қувватламайди. У шаклланган армия ва полицияга эга бўлмайди. Мисол учун, Россияда коммунистлар бошида православларни йўқ қилиш учун, протестантларга эркинлик беришди, кейин эса православларни бир ёқли қилишганидан кейин, протестантларни йўқ қилишга киришдилар.

Ўтиш жараёни узоқ давом этмайди. Улар жамоат ичига кириб борадилар ва ўз раҳбарларини қўядилар. Хизматчиларнинг ожиз томонларини топишади: кимдир шуҳратпараст, кимдир пулни яхши кўради. Кимдадир яширин гуноҳи бўлиши мумкин ва бу гуноҳ орқали уни қўрқитиш мумкин. Ва шу тарзда назоратни ўз қўлига оладилар.

Қандайдир бир пайт келганидан кейин кенг кўламда қувғин қилиниш бошланади. Руминияда бу бир кунда бошланди. Барча католик нозирлар, кўплаб руҳонийлар, монах эркак ва аёллар қамоқхонага жўнатилади. Бундан кейин кўплаб протестант чўпонлар қўлга олинди. Кўплари қамоқхонада вафот этишди.

Раббимиз Исо Масих Хананияни Павлус билан таништириб, шундай деган: «бу одам Менинг исмимни ... улуғлаш учун танланган куролимдир». Павлус бунини яширин тарзда қилиши керак эди. Исо уни тезкорлик билан яширин хизматга тайёрлаши мана шундай бошаланган: «Менинг исмим учун у қанчалар азоб чекиши керак эканини Ўзим унга кўрсатаман».

Яширин хизматга тайёргарлик мартирологияни ўрганишдан бошланади. Солженицын ўзининг «Архипелаг Гулаг» китобида

«қўлга олиш билими» ва «қамоқ фанига кириш»\* ҳақида ва нима учун «азоб чекиш фани» термини мавжуд бўлмаслиги кераклиги ҳақида гапиради.

Биз ҳали яширин равишда ишлашнинг техник қирралари ҳақида кўриб чиқамиз, аммо бошида маълум бир рухий тайёргарлик зарур. Эркин мамлакатда жамоатнинг аъзоси бўлиш учун имон келтириш ва сувга чўмдиришни ўзи етарли. Яширин жамоатда эса унинг аъзоси бўлиш етарли эмас. Имон келтириш ва сувга чўмдирилиш мумкин, лекин азоб чекишга қодир бўлмасдан туриб, Яширин жамоатнинг аъзоси бўла олмайди. Энг кучли имонга эга бўлиш мумкин, аммо сизни ҳибсга оладилар, сиз эса бир неча зарба оласиз. Ўшанда агар сиз азоб чекишга тайёр бўлмасангиз ҳам, нима бўлишидан қатъий назар бўйнингизга оласиз. Шунинг учун яширин равишдаги хизматга тайёргарлик кўришнинг муҳим қисми – бу азоб чекишга тайёрланиш.

Қамоққа тушганида масиҳий саросимага тушиб қолмайди. Қамоқ у учун – Масиҳ ҳақида гувоҳлик бериш мумкин бўлган яна битта жой.

Чўпон учун қамоқ – бу янги жамоат. Бу жамоатда унга ойлик тўламайди, аммо ишлаш учун жуда катта имкониёт берилади. Бу ҳақида мен ўзимнинг «With God In Solitary Confinement»\*\* номли китобимда гапираман. Бошқа китобларимда мен яширин хизматга тайёргарликнинг бир қисми сифатида Морзе алифбоси ҳақида гапирганман. Сиз биласизми, бу

\* «... Тунги қўлга олишларнинг афзалликлар, яъни бир кечада қанча одамни олиб кетганини на қўшни уйлар, на шаҳар кўчалари билишади...Улар худди юз бермаган ҳодисадек...Аммо кимлар учундир ҳибсга олинганларнинг даҳшати тақрорланадиган ва жонга тегадиган, хизмати эса фақат ҳибсга олишдан иборат бўлган, қўлга олувчиларда ҳибсга олиш операцияси маъноси анчаин кенг. Уларда – катта территория бор, уни соддалик билан худди мавжуд эмасдек ўйлаш керак эмас. «Қўлга олиш билими» – бу «қамоқ фанига кириш» курсининг муҳим бўлими ҳисобланади ва унинг асосида жамоатчиликнинг илмий принциплари келтирилган». А. Солженицын. Архипелаг Гулаг (I–II). Кичик асарлар тўплами. М. Инком. НВ.1991.Т.5 С.16

\*\* «Худо билан якка қамоқда»

маълумот узатиш усулларида бири. Шу тарзда Хушхабарни девор орқасида ўтирган одамга етказиш мумкин. Махбусларнинг таркиби ўзгариб туради, бирларининг ўрнига бошқалари келади. Умумий сақлаш камераларида менинг мана шундай бир нечта жамоатларим бор эди. Қамокдаги кўплаб масиҳийларга Худо Морзе алифбоси ёрдамида юзларини кўрмасдан (улар айримлари билан кейинроқ танишдилар), одамларни Масиҳга олиб келишга имкон берди.

Эркинликдаги жамоатларни хизматга таклиф қилиш мумкин. Ким хоҳласа келади, ким хоҳламаса келмайди. Агар одамга сизнинг ваъзингиз ёқмаса, кейинги якшанбада у уйда қолиши ва жамоатга бормаслиги мумкин. Агар ёмғир ёғаётган бўлса, жамоатга келмаслиги мумкин. Аммо сизнинг жамоатингиз қамокда бўлса, у ҳолда сизнинг жамоат аъзоларингиз ҳар доим жамоатга келади. Эркинликда жамоат йиғилишида ўтирган ҳолда соатга қараб: «Ваъз бир ярим соатдан буён давом этмоқда. Унинг ўзи яқунлаш нияти борми?» дейиш мумкин. Қамокда соат йўқ ва сизнинг тингловчиларингиз бутун ҳафта мобайнида, эрталабдан кечгача сиз билан бирга бўлади. Уларда танлов йўқ. Руминия ва Россия жамоати тарихида энг катта имонга келишлар айнан қамокхонада бўлган. Қамокхонадан кўрқманглар. У ерга тушиб қолсангиз, худди Худодан олган янги топшириқдек қаранг. Мени иккинчи марта қўлга олишганини эслайман. Полиция ходими билан кетишимдан олдин, хотинимни қучоқладим ва у менга: «Ричард сен нима деб ёзилганини эслайсанми: «Мен туфайли сизларни ҳокимлар ва подшоҳлар ҳузурида турғизиб қўядилар, сизлар эса Менинг гувоҳларим бўласизлар» Бунга чидаш мумкин. Агар махбусни азобласаларчи? Азобларга чидаш мумкинми? Агар мен чидай олмасам, у ҳолда яна менинг танишларимдан элликта ёки олтимишта одам қамокқа тушади. Менга азоб берувчиларга айнан мана шу нарса, яъни мен ўз яқинларимни сотиб беришим керак. Шунинг учун азоб чекишларга ҳозирданок тайёрланиш керак, чунки қамокқа тушганингизда тайёрланиш жуда қийин. Мен Руминияда юз берган битта воқеани эслайман, ўшанда собиқ 20 йил чўпон бўлган одам, аёл киши билан гуноҳ қилган.

Бошқа чўпонлар унинг қилган ишини муҳокама қилишганида: «унинг гуноҳи ўша куни кечкурун васвасага қарши тура олмай, шароит шундай бўлиб қолган пайтда қилган ишида эмас, балки йигирма йил мобайнидаги васваса бўлмаган пайтда, у ўзига «Мен чўпон бўлганимда, мен билан ҳар хил воқеа юз бериши мумкин, уларнинг ичида зино қилиш васвасаси ҳам бўлади. Ва бу гуноҳни мен қилмайман» – деб ўзига айтмаганида.

Биз ўзимизни олдиндан ҳар хил шароитларга тайёрлашимиз керак. Азоб чекиш учун ҳам ўзимизни тайёрлашимиз керак.

### **Ҳақиқат ҳақидаги ҳақиқат**

Чидай олишимиз мумкин бўлган азобнинг чегараси, азоб чекаётган нарсанинг биз учун қанчалик қимматбаҳо ва муҳим эканлигига боғлиқ. Ва мана шу маънода коммунистик мамлакатларда жуда кутилмаган нарсалар юз берарди. Воизхонлар ва масиҳий китоб муаллифлари сотқинларга айланди. Румин жамоатининг энг яхши гимнларини яратган одам, энг яхши коммунистик гимнларнинг муаллифига айланди. Муҳими биз уларда сўзларни ёки Худонинг борлигини кўришимизда.

Худо ҳақиқатдир. Муқаддас Китоб ҳақиқат ҳақидаги ҳақиқат. Илоҳиётшунослик – эса бу Ҳақиқат ҳақидаги ҳақиқат ҳақидаги ҳақиқат. Бу ҳақиқатнинг ўзи эмас. Олий Ҳақиқат – бу Худо. Бу ҳақиқатни сўзлар, илоҳий тушунчалар ва талқинлар қуршаб олган. Буларнинг ҳаммаси оғир дамларда фойдасиздир. Ёрдам – эса фақат Олий Ҳақиқатнинг Ким эканлигида. Ваъзлар, илоҳиёт ҳақидаги китоблар ва бошқа «сўзлар» орқали Уни тушуниб етишимиз ва борлиқнинг ўзи билан бирлашимиз керак. Қандай қилиб масиҳийларни тўрт кун мобайнида ерга ётқизилган хочга боғлаб қўйгани, қолган махбусларни эса қийнаб, табиий ҳожатларини уларнинг юзига тўқишга мажбурлагани ҳақида Ғарбагиларга айтиб берганман. Мендан: «Бундай шароитларда мустаҳкам бўлишингиз учун қайси оят ёрдам берган» – деб сўрашганларида, мен: «Ҳеч бир Муқаддас Китобдаги оят ёрдам бермаган» – деб жавоб бераман. Фақатгина муғомбирлик ва иккиюзламачилик:

«Менга мана шундай Муқаддас Китоб ояти ёрдам беради ва мустаҳкамлайди» – деб айтади.

Биз Забур 22 ни биламиз: «Эгам Менинг чўпонимдир. Муҳтожлик кўрмасман... Ҳатто зулмат водийсида юрсам ҳам» Азоблардан ўтиб, биз тушунамизки, Худо бу забур бизларга далда беришини назарда тутмаган. Бизга У бу ишни қилиши ҳақида ёзилган забур эмас, балки Раббимизнинг Ўзи далда беради. Забурнинг ўзи камлик қилади. Забур гапираётган Зотнинг Ўзига муҳтожмиз. Бизга шунингдек «Сенга берган иноятим етар» (2 Кор 12:9) деган сўзлар ҳам маълум эди. Аммо оятнинг ўзи етарли эмас. Оят эмас, иноят етарли. Ҳаддан зиёд ғайратли бўлган гувоҳлар, сўзларга керагидан ортиқ баҳо бериб юборадилар. Муқаддас сўзлар – улар ифодалайдиган ҳақиқатга эришиш воситаси, холос. Агар сиз Борлик билан, Қудратли Худованд билан бир бўлсангиз, ёвузлик сизнинг устингиздан кучини йўқотади – у Қудратли Раббимиз олдида ожиздир. Агар сизда фақатгина Раббимизнинг сўзи бўлса, ёвузлик сизни энгиши мумкин.

## Рухий машқлар

Яширин равишда ишлаш учун руҳий тайёргарлик зарур. Бир бош пиёзни ишлатишдан олдин, уни тозалашамизга ўхшаб, Худо ҳам биз имонгача етиб бора олишимиз учун, аввало бизни сўзнинг қобигидан, диний ҳис-туйғулардан «тозалаш» керак. Исо бизга «Агар ким Менга эргашишни истаса, ўзидан кечсин ва ўз хочини кўтариб, орқамдан юрсин» (Мат 16:24) – деб айтган. Унинг Ўзи бизга бу хочнинг қанчалик оғир бўлишини кўрсатиб берган. Биз ҳам бунга тайёр бўлишимиз керак. Порнографик журналлар ёки рекламалар тасаввурингизни уйғотиб юборади. Худди шундай тарзда биз тасаввуримизни руҳий борлик ёрдамида уйғотишимиз керак. Рухий машқлар қилиш керак. Афсуски, протестантлар руҳий машқлардан анча йироқдалар.

Яширин жамоатда биз уларни қайтадан ривожлантиришимиз керак. Католиклар эҳтимол руҳий машқларни суистеъмол

қилишгандир. Реформация кириб келди. Маятник қонуни бўйича, агар битта қирра мавжуд бўлса, у холда албатта иккинчи қирра ҳам мавжуд.

Айримлар рухий машқларга ортиқча берилиб кетган бўлса, демак бошқалар уни умуман қилмайдилар.

Овоз чиқариб ибодат қилишдан ташқари, биз фикрлаш учун ҳам вақт ажратишимиз керак. Ибронийларга мактуби 11 бобда арралашган, ёқишган, ёввойи ҳайвонларга ем қилишганлар ҳақида ўқиймиз... аммо биз ўзимизни уларнинг ўрнида тасаввур қилишимиз керак: мана мен шерларнинг олдидаман, мана мени урушмоқда, мана мени ёқишмоқчи. Мен ўзимни қандай тутаман?

Мен ўзимнинг Руминиядан кетишимдан олдин охириги яқшанба мактабдаги дарсимни эслайман. Ўн ёки ўн бешта болалар билан мен жамоатга эмас, балки зоопаркга бордим. Биз шерларнинг қафаси олдида тўхтадик ва мен уларга қарата: «Сиздан олдинги имондошларингизни ёввойи ҳайвонларга ташлаганлар. Билингларки, сизлар ҳам имонингиз учун азоб чекасизлар. Сизларни шерларга ейиш учун ташламайдилар, аммо сизлар шерлардан ҳам баттар бўлган одамлардан азоб чекасиз. Сиз ўзингизнинг Масихга содиқ эканлигингиз ҳақида Масихга сўз бериш учун ҳозир қарор қилинглар» Ва болалар «ҳа» – деб жавоб бердилар. Уларнинг кўзларида ёш бор эди.

Биз ҳозир, бизни қамоққа жўнатишларидан олдин тайёргарлик кўришимиз керак. Қамоқхонада одам ҳамма нарсасини йўқотади. Ундан ўзининг кийимини тортиб оладилар ва махбуснинг кийимини беришади. У қулай уй жиҳозларидан, гиламлардан ва пардалардан маҳрум бўлади. Унинг ёнида рафиқаси ва болалари йўқ. Унда китоблар йўқ ва у гулларни ҳам кўрмайди. Унда ҳаётни ёқимли қиладиган ҳеч бир нарса йўқ. Олдинги ҳаётнинг эҳсонларидан воз кечган ҳолдагина тура олиш мумкин. Колосаликларга ёзилган мактубда «ерга хос эхтиросларни ўлдириш» ҳақида гапирилади. Нодон ва жонбоз католиклар ирим-сиримларга хос бўлган жазолар билан ўзларини қийнашни эп кўрадилар. Протестантлар эса танани ўлдиришдан умуман воз

кечишган. Аммо масиҳийликда танани ўлдириш, яъни ерга хос хурсандчиликлардан воз кечиш керак. Ҳозир тайёргарлик кўрган масиҳий қамоққа тушганидан қийналмайди. Ерга хос бўлган эҳсонлардан, уларга боғланиб қолмасдан фойдаланинг.

Мисол учун мен шундай машқ қиламан. Мен Америка Қўшма Штатларида яшайман. Сиз америка супермаркети қандайлигини, кўз олдингизга келтира оласизми? У ерда жуда кўп миқдорда ширин нарсалар бор. Аммо мен ўзимга айтаман: «Мен буларсиз ҳам яшай оламан. Мен бусиз ва усиз яшай оламан». Мен бўлимлар бўйича юраман ва ҳеч нарса сотиб олмайман. Мени мўл қўлчилик хурсанд қилади, аммо буларнинг барисиз яшай олишим мумкинлигини ҳис қилиш каттарок хурсандчилик беради.

Бизнинг илоҳиётчиларимиз орасида либерал–модернистлар бўлган. Уларнинг ҳеч бири азоб–уқубатлар олдида бардош бера олмаган. «Нима учун мен қарама–қаршиликлар кўп бўлган Муқаддас Китоб ва ўлик Худо учун ўлишим керак экан? Агар Одам Ато ва Момо Ҳавонинг тарихи –ҳақиқат бўлмаса, Ёшуа куёшни тўхтатмаган бўлса, пайғамбарчиликлар бажо бўлгандан кейин ёзилган бўлса, агар Исо бокира қиздан туғилмаган ва ўликлар ичидан қайта тирилмаган бўлса, у ҳолда Муқаддас Китобнинг советларнинг «Ҳақиқат» газетасидан фарқи қолмайди. Нима учун мен ўз ҳаётимни ўша шубҳали нарса учун қурбон қилишим керак экан?».

## **Шубҳа сотқинлик қилишга олиб келади**

Мен яҳудийман. Иброний тилида, яъни Исонинг тилида ва биринчи ваҳйда – «иккиланиш» деган сўз йўқ. Инсон учун худди тўрт оёқлаб юриш нотўғри бўлганидек, шубҳаланиш ҳам нотўғридир. Инсон тўғри юради. У хайвон эмас. Шубҳаланиш – унга хос эмас.

Шубҳа бизнинг ҳар биримизга келади, аммо Муқаддас Китобдаги асосий ҳолатларга шубҳаланишга, яъни Худонинг борлиғи, Исо Масиҳнинг қайта тирилиши, абадий ҳаёт тўғрисидаги шубҳалар сизнинг онгизгизга ўрнашиб олишига

йўл қўймаслик керак. Бундай илоҳиётга оид ва фалсафий шубҳаланишлар инсонни сотқинга айлантириш кучига эга. Тўйиб овқатлангандан кейин, қулай иш хонангизда, сиз ваъз тайёрлаётган пайтда ёки китоб ёзаётган пайтингизда, шубҳалар ва энг қўпол фикрлар келишига йўл қўйиб беришингиз мумкин. Сизни қийнаётганларида ва ҳаёт момот масаласи турганида, бундай фикрлар келиши сотқинликни англатади. Яширин хизматга рухий тайёргарлик кўришда асосийси – бу ўз шубҳаларингизга ечим топишдир. Математикада, агар сиз тўғри ечим топа олмасангиз, бу сизнинг олдинроқ қаердадир хатога йўл қўйганингизни англатади ва сиз унга ечим топгунча кидираверасиз. Шубҳаларни ечимсиз қолдирманг, уларга жавоб топинг.

## **Қийноқ билан синаш**

Энди қийноқларнинг ўзига келсак. Бу жуда оғриқли бўлиши мумкин. Қиздирилган темирни ишлатишлари мумкин. Ёки фақат дўппослашлари мумкин. Ҳаммамизга ёшлигимизда шаполоқ беришган ва дўппослаш – бу шаполоқнинг бир тури. Оддий дўппослашларга осонлик билан чидаш мумкин. Исо бизлар худди болалардек бўлишимиз кераклиги ҳақида айтган (яъни шапалоқларга тайёр бўлишимиз!). Қачонлардир менинг олдимга битта аёл, врач келди ва мenden шундай сўради: «Мен нима қилишим керак? Мен ўзимни ўлдиришга тайёрман. Мени қайта ва қайта чақираяптилар ва уларга Яширин жамоат ҳақида айтиб беришимни хоҳляяптилар. Агар мен рози бўлмасам, улар мени дўппослашадилар. Мен нима қилай? Бу даҳшатли, мен дўппослашларга чидай олмайман. Мен ёки маълумот етказувчи бўлишим, ёки ойнадан ўзимни ташлашим керак.

Мен унга: «Яна битта йўл бор. Ўз эрингизга тайёк беринг – яхшиси у сизни урсин ва сиз унга чидай олишингиз мумкинлигини кўрасиз» – дедим.

Дўппослашлардан кўрқманг. Аммо гап шундаки, коммунистлар бизга нисбатан нафақат калтаклашларни қўллашган. Улар



жуда ўткир қийноқларни ҳам қўллашар эдилар. Қийноқлар эса сиз биласизки, ҳар хил таъсир кўрсатиши мумкин. Улар полицияга ҳеч нарса айтмаслик учун қарор қилишда чиниқтириши ва мустаҳкамлаши мумкин. Айрим жиноятчилар ҳамма нарсага чидайдилар ва ўз шерикларини сотмайдилар. Уларни қанчалик кучли калтаклашса, улар шунчалик қайсар бўлиб бораверадилар.

Бироқ қийноқлар иродани синдириши ҳам мумкин. Мен сизларга социализм пайтида чехия газетасида босиб чиқарилган битта мақолани айтиб бераман.

Сиз биласизки, Дубчек пайтида талабчанлик бироз сусайган. Бу ҳикоя ўшанда босмадан чиқарилган. Дубчекдан олдин ишлаган, диктатор Новотны, Коммунистик партиянинг Марказий комитет аъзоси, ўта кетган коммунист, ўзининг яқин ўртоғини қўлга олди. (Коммунистлар нафақат масихийларни, яҳудийларни ва ватанпарварларни, балки ўзлариникиларни ҳам қўлга олишганлар ва худди бошқаларга ўхшаб, уларнинг устидан ҳам кулишган.) Ва шундай қилиб бу коммунистик раҳбарни қўлга олишдилар ва алоҳида (ёки бир кишилик) камерага қамаб қўйишди. Камерага одамнинг миясига таъсир кўрсатувчи электромагнит тўлқин юборилди. Радиокарнай орқали бир кунда 24 соат мобайнида ёзиб олинган овоз янграрди: «Сенинг исминг Иосифми ёки Иосиф эмасми? (Унинг исми Иосиф эмас эди). Ўйлаб кўр. Сен Иосифмисан ёки Иосиф эмасмисан? Америкадаги энг хавфли жиноятчи — бу Диллингер\*, аммо сен ундан ҳам баттарсан. Сенинг исминг ким? Иосифми ёки Иосиф эмасми? Сен революцияга қарши айғоқчисан. Сен Иосифмисан ёки Иосиф эмасмисан?». Уни ақлидан жудо қилишмоқчи эдилар. Бу суткалар мобайнида давом этди. У ақлини йўқотиши мумкинлигини сизди. Қандайдир вақтда у тушуниб етди: «Мен концентрацион ёвузлик билан боғланиб қолдим. Агар коммунистлар масихийни қийнашса, бу унча ёвузлик эмас, чунки

\* Жон Герберт Диллингер (1903–1934), 30–йилларда 20 тадан ортиқ банкларни ўмарган ва бир нечта полициячи ўлдирган??? жиноятчи. Икки марта қамоқдан қочган.

улар ерда жаннат қуришмоқчи, аммо масиҳийлар бунга халақит бераяптилар. Шунинг учун масиҳийларни қийнаш тўғри. Аммо коммунистлар коммунистни қийнасалар, бу оддий қийноқ учун қийнашдир. Буни оқлаб бўлмайди. Аммо ҳар битта танганинг иккита томон бор, магнитда эса – иккита қутб бор. Демак агар бирон нарсага қаратилган ёвузлик бўлса, у холда бирон нарсага қаратилган яхшилик ҳам бўлиши керак. Бу Худо ва улар Худо билан курашмоқдалар».

Уни терговга чақиришганида, у кулимсираб туриб, радиокарнайни ўчиришингиз мумкин, чунки мақсадга эришдингиз: «Мен масиҳий бўлдим», деб айтган. Зобит ундан бу қандай юз берди, – деб сўраган ва у ҳаммасини айтиб берган. Бу зобит ҳамма хизматдошларини чақирган ва ҳикояни яна бир марта ўртоқларига айтиб беришини сўраган. Уни эшитиб, улардан биттаси бошқасига: «Бу усул таъсир қилмайди, – деб айтган эдимку. Сизлар ошириб юбордингизлар».

Шайтон Худога ўхшаб қудратли ва ҳар жойда мавжуд эмас. У хатолар қилади ва ёвузлик яхши ҳосил келтириши ҳам мумкин.

## **Энг нозик пайт**

Қийноқда портлаш пайти бўлади ва азоб берувчилар айнан мана шу бурилиш пайтини кутишадилар.

Шубҳаларни енгишни ва олдиндан ўйлашни ўрганинглари. Энг нозик пайтда сиз яширин хизматдаги сафдошларингизни тутиб беришга, босмахона жойлашган жойни кўрсатишга ва бошқа нарсалар қилиб қўйишга яқин турасиз. Сизни шунчалик қийнашдики, қолган нарсалар энди аҳамиятга эга эмас – ҳатто сизга азоб беришдан тўхташ ёки тўхтамасликлари ҳам аҳамиятга эга эмас. Бундай хулосага келсангиз, сиз биласизки, инқирозни енгиб ўтдингиз ва бу сизга жуда катта ички хурсандчилик олиб келади. Мана шу ҳал қилувчи онда Масиҳ сиз билан бирга эканини ҳис қиласиз. Бугунги қамоқхона назоратчилари – булар ўргатилган одамлар. Улар одамнинг синиш пайти ҳақида биладилар ва мана шундай пайтда сиздан ҳеч

нарса ололмасалар, улар сизни қийнашдан тўхтайдилар, чунки давом этиш фойдасиз эканини билишадилар.

Ёшлик пайтимдан мени ҳар куни ўқиш керак деб ўргатишган, мен буни ҳар куни қилардим ва айнан мана шунга ўғлим Михайни ҳам ўргатдим. Биз Муқаддас Китобдан ва Фоксинг «Азоб чекувчилар китобидан» бир варақдан ўқир эдик\*. Бу китобни ўз болаларингизга ўқиб беринг. Яхшиси улар ҳам қандай қилиб шаҳидлар инқирозли пайтни енгиб ўтгани ҳақида билишсинлар.

Шунингдек Исо айтганини ҳам тушуниб етиш муҳим: «Бинобарин, эртанги кун ҳақида ташвиш тортманглар. Эртанинг ташвиши эртанинг ўзига тегишлидир» (Мат 6:34).

Мен 14 йил қамокда бўлдим. Биродар Храпов – 26 йил. Вонг Мин Дао – 28 йил. Кўп йиллик қамокқа чидаш мумкин эмасдек туюлади. Ва ҳаммасини бирданига чидаш ҳам талаб қилинмайди. Ҳатто бир кунни ҳам бирданига чидаш керак эмас – ҳар бир соатга чидаш керак. Бир соатлик қийноққа чидаш мумкин. Ҳар бир одам дахшатли тиш оғриғига ёки мисол учун, йўл ҳалокатига учраганда чидаган. Оғриққа айнан мана шу пайтда чидаш керак.

Оғриқ сизни анчадан бери қийнашаётгани, эртага ва индинга ҳам қийнашда давом этиши ҳақидаги фикрни кучайтиради. Аммо кечаги қийноқлар тугади, эртангиси эса ҳали бошланмади. Эртага сиз бўлмаслигингиз мумкин, балким улар бўлмасликлари мумкин. Эҳтимол эртага худди Руминияда бўлгани каби, кўтарилиш юз бериши мумкин.

Мен – қийноқлар масаласида катта мутахассисман. Қийноқнинг бошланиши – бу изтироб чекиш ва дахшатли оғриқ. Аммо бу узоқ давом этмайди. Кардинал Миндсетига\*\* 29 сутка мобайнида ухлашга беришмаган. Бундан кейин, у ундан

\* Жон Фокс (1517 –1587), Айникса Англияда Мария I («Қонхўр») хукмронлик қилган пайтда протестантларнинг азобли ўлимлари ҳақида ҳикоя қилган, англиялик мартиролог.

\*\* Йозеф Миндсенти, ҳақиқий исми Йозеф Пехм (1892–1975) – Рим—Католик жамоати кардинали, 1956 йилдаги Венгер инқилобининг фаол иштирокчиси.

талаб қилинган ҳамма нарсани айтиб берган. Нима бўлди? Бир неча уйқусиз кундан кейин ёки бир неча кунлик азобдан кейин, ҳеч нарса аҳамиятга эга бўлмайдиган пайт келади. Сиз рафиқангиз ва болаларингиз, ўзингиз ва Худо олдидаги бурчингизни унутиб қўясиз. Сиз ҳамма нарсага бефарқ бўлиб қоласиз. Бу жуда нозик пайт, бу пайтда нафас олишнинг ўзи ҳаётингиз учун жуда муҳим бўлиб қолади. Тўғри нафас олишни ўрганинг.

Индуизм ва буддизмдаги йогалар нафас олишни тажриба қилишга катта эътибор қаратадилар. Муқаддас Китоб нафас олиш ҳақида нима дейишига қарайлик. Исо уларнинг устига «пуфлади» ва шогирдлари Муқаддас Рухни қабул қилдилар (Юҳ 20:22). Демак, маълум бир нафас Муқаддас Рухни олиб келади. Православ жамоатида сувга чўндириш пайтида руҳоний ва тутинган оталар боланинг устига уч марта пуфлайдилар. Исо нафас олганида, Муқаддас Рух билан нафас олган. Шоул «қатлу қирғин таҳдидлари билан нафас олиб юрар эди» (Ҳав 9:1). Жиноят билан нафас олиб юрадиган қотиллар бор. Муқаддас Китобда зинокорнинг нафас олиши ҳақида шундай айтилган, у отга ўхшаб «ҳар бири қўшнисининг хотинига кишнар эди» (Еремиё 5:8). Кучли туйғуни ҳис қилиб, маълум бир тарзда нафас олинг. Хотиржам ва чуқур нафас олиб, ким биландир жанжаллашишга ҳаракат қилиб кўринг ва сиз бунинг имконсиз эканини кўрасиз.

Тўғри нафас олиш – қийноққа чидашнинг усулларида биттаси.

Сотқинлик – бу бутун Жамоат билан ажралишдир. Сиз Худо ва кўплаб одамлар суянаётган масиҳийсиз. Сизга яширин жамоатнинг сирлари ишониб топширилган.

Сотқинлик ҳис—туйғуларни кузатиб боради. Худди бир маромда ва чуқур нафас олиб, ҳеч ким билан жанжаллашиб бўлмаганидек, хотиржам нафас олганда сотқинлик ҳам қилиб бўлмайди. Сизни қийнашганида, худди сотқин одам нафас ололмайдиган тарзда нафас олинг. Танангизнинг қарши тура олиш кучини оширган ҳолда, чуқур нафас олиш, сизга вазминлик, ўзингизни тута билишлик ва барқарорлик ато қилади.

Яширин хизматчи ҳар доим ўзига, Масиҳнинг Танасига

тегишли эканини эслатиб туриши керак. Икки минг йилдан буён азоб чекаётган Танага тегишли эканини эслатиб туриши керак. У нафақат Гўлготада, балки рим императорлари қувгин қилган пайтда, герман фашистлари ва коммунистлар пайтида ҳам калтакланган. Имонга келган пайтимда, тушуниб туриб, дўппосладиган, устидан кулишадиган, устидан тупиришадиган, бошига тиканли тож кийдиришадиган, қўл ва оёқларига мих қоқишадиган тананинг аъзоси бўлдим. Буни мен ўзимнинг келажак имкониятим сифатида қабул қилдим. Мен учун Исонинг хочга михланиши – бу қачонлардир 2 минг йил олдин юз берган нимадир эмас. Исонинг Ўз Танасида азоб чекиши – мен учун ҳақиқий борлиқдир.

### **Энг улуғ севги**

Муқаддас Китобда қабул қилиш учун қийин бўлган сўзлар бор: «Ота ёки онасини Мендан ортиқ севган Менга лойиқ эмас. Ўғли ёки қизини Мендан ортиқ севган Менга лойиқ эмас» (Мат 10:37). Эркин мамлакатда бу сўзларни тушуниш қийин.

«Voice of the Martyrs»<sup>\*</sup> номли босиб чиқарилган китобдан, эҳтимол сиз биласизки, Совет Иттифоқида минглаб болаларни ота—оналаридан тортиб олишган, чунки улар болаларига Масих ҳақида айтишган. Сиз Масихни оилангиздан кўпроқ севишингиз керак. Тасаввур қилинг—а, агар сиз суд олдида туриб қолсангиз ва суд ҳаками сизга агар Масихдан воз кечсангиз, болаларингизни сизга қолдиришади, – деб айтса. Агар йўқ бўлса, сиз ҳеч қачон уларни кўрмайсиз. Сизнинг юрагингиз ёрилиб кетиши мумкин, аммо сиз «Мен Худони яхши кўраман» – деб жавоб беришингиз керак.

Надя Слободани 4 йилга қамоққа жўнатишди. Унинг болаларини олиб қўйишди, аммо уни уйдан олиб кетаётганида, у кўшиқ айтиб кетган. Юк машинасида олиб кетилаётган унинг болалар, онасига қараб: «Биз учун кўрқма. Бизни қаёққа жўнатишмасин, биз имондан воз кечмаймиз». Ва улар воз

<sup>\*</sup> «Азоб чекканлар овози».

кечмадилар. Исони хочга михлашганида, У нафақат жисмоний қийналган. У онасининг ҳам қийналаётганини кўрган. Онаси эса, Унинг қандай қийналаётганини кўрган. Улар бир—бирларини яхши кўришган, аммо гап Худонинг улуғланиши ҳақида кетаётган эди. Демак инсон ҳиссиёти иккинчи ўринда туради. Агар биз мана шундай муносабатда бўлсакгина, яширин хизматга тайёр бўламиз. Фақат Масих, Азоб чеккан Масих бизда яшаши керак. Масихийларни тергов қилаётган коммунистлар, ўзларининг резина таёқларини улоқтириб ташлаб, шундай дейишган пайтлари бўлган: «Бошинг атрофидаги чарақлаётган нур нима? Бу қандай бўлади? Мен сени бошқа ура олмайман». Стефан ҳақида шундай айтилган: «унинг юзи бир фариштанинг юзига ўхшаб колганини кўришди» (Ҳав 6:15). Коммунист маҳбусга: «мен сени ураяпти деб ўйлашлари учун қаттиқрок қичқир. Мен сени ура олмайман» – деб айтган пайтлари ҳам бўлган. Аммо айрим пайтларда маҳбусларни то ўлгунча азоблашган пайтлари ҳам бўлган. Ўшанда, Масих билан ва Масих учун ўлиш керакми ёки сотқинлик қилиш керакми, бирини танлаш керак бўлади. Агар ойнага қараганда уяладиган бўлсангиз, яшашнинг кераги борми, чунки унда сотқинни кўрасиз.

Айнан мана шундай ўйлаш – яширин хизматчи, чўпон ва айниқса унинг рафиқаси учун энг асосий нарсадир. Чўпоннинг рафиқасига мана шундай алоҳида вазифа ажратилган. У ўз эрини қўллаб—қувватлаши, унга мардлик бериб туриши керак. Агар уни ўткинчи ўйин—кулгулар қизиқтирса, унинг эри яширин хизматчи бўла олмайди. Аёл киши эрини меҳнатга, курашга, ўзини қурбон қилишга чорлаб, туртки бериб туриши керак.

## **Жим бўлишни ўрганинг**

Яна битта ўрганиш керак бўлган нарса – бу жим бўлишни ўрганиш. Чўпонлар ўз касбининг характери бўйича сергап бўлишадилар. Аммо ҳар доим гапириш керак эмас. Кимки эшитишни билсагина, ўша одам ваъз қила олади. Орқамга қараб мен шуни кўрдимки, гапиришдан кўра, кўпроқ тинглаган

холда Масихга кўп одамларни олиб келган эканман. Одамларда кийинчиликлар жуда кўп ва уларни сабр билан эшитадиган одам йўқ. Ҳатто энг яқин одамларида ҳам эшитишга сабр— тоқат йўқ. Болалар ҳар доим қаергадир шошаяптилар. Одамни ҳеч ким эшитмайди ва унинг ишончини қозониш учун, ҳатто гапиришнинг ҳам кераги йўқ.

Яширин жамоатда жим бўлиш – энг асосий қоидалардан бири. Ортиқча сўз кимнидир қамоққа жўнатиши мумкин. Ажойиб масихий бастакор, менинг дўстим қўлга олинди, чунки масихийларда кўп гапириш одати бор эди: «Қандай ажойиб кўшиқни ёзди—я биродаримиз...». Уни макташар эди ва шунинг учун 15 йилга қамалди. Ашулани айтинг, аммо уни ким ёзганини айтишнинг кераги йўқ.

Эркинлик йўқ бўлганида, жим бўлишни ўрганишга кеч бўлади. Бунга имонга келишдан бошлаб ўрганиш керак. Масихий ишонарли ва қисқа гапиради. Ҳар сафар у айтган сўз уларга зарар келтирмаслиги ҳақида ўйлаб кўради. Яширин жамоатда ихтиёрий ортиқча сўз зарар келтириши мумкин.

Нобел мукофоти совриндори Солженицын мухбирлар билан суҳбатларидан биттасида, унинг энг катта қувғин қилувчиси бу унинг собиқ хотини бўлгани ҳақида айтган. Воиз китобида шундай айтилган: «Ҳеч қачон гапиришга шошилма... камгап бўлгин»\*. Бу Худонинг Каломи. Худо яширин жамоат бўлишини билган ва У ҳатто қандайдир пайтда хотин ҳам эридан хафа бўлиши мумкинлигини билган. Солженицыннинг котибасига шунчалик босим кўрсатишганки (уни ёзувчининг хотини сотган), у ўзини ўзи осган. Агар у жим бўлганида эди, бу воқеа юз бермаган бўларди.

Мен Худога алоҳида камерада ўтказган вақтларим учун миннатдорман. Мен 3 йилни ернинг тагида 10 метр чуқурлигида ўтказдим. Мен билан ҳеч ким гаплашмади ва мен ҳам ҳеч ким билан гаплашмадим. Менда китоблар ҳам йўқ эди. Ташқаридан овоз ҳам келмасди. Назоратчиларда кигиз пошнали оёқ кийимлар бор эди ва улар қачон яқинлашганларини ҳам эшитмасдим.

---

\* Воиз 5:1.

Кейин эса мен ички овозларни ҳам эшитишдан тўхтадим. Бизга гиёҳванд дориларни мажбуран беришар эди. Бизни калтаклашар эдилар. Мен илоҳий таълимотни ҳам унутдим. Мен Муқаддас Китобни эсдан чиқардим. Мен ҳатто «Осмондаги Отамиз» ни ҳам эсдан чиқарганлигимни билдим.

Мен бу ибодатни эслай олмадим. Мен у «Осмондаги Отамиз» деган сўзлар билан бошланишини билардим, аммо кейин нима билан давом этишини билмасдим. Аммо мен хурсанд бўлишдан тўхтамас эдим ва шундай айтардим: «Осмондаги Отамиз, мен ибодатни эсдан чиқардим, лекин Сен уни албатта биласан. Сен уни бир кунда минглаб мартаба эшитасан, шунинг учун менга уни ўқиб бериши учун фариштангни тайин эт, мен эса жим бўламан». Қандайдир вақт мен: «Исо, мен Сени яхши кўраман» — деб ибодат қилдим. Кейин — «Исо мен Сени яхши кўраман. Исо мен Сени яхши кўраман» — дедим. Кейин эса бу ҳам қийин бўлиб қолди, чунки руҳий ҳолатимизни бузиш учун, гиёҳванд дорилардан фойдаланишар эди. Овқат ейишни жуда хоҳлардик. Бизга ҳафтада бир марта нон беришар эди.

Калтаклашлар, қийноққа солишлар, қоронғулик ва бошқа кўплаб нарсалар бўлди. «Исо, мен Сени яхши кўраман» деган сўзни айтиш учун, диққатни бир жойга қўйишнинг ҳам иложи йўқ эди. Ва мен буни қилишдан тўхтадим, чунки шундай қилишим кераклигини билардим. Менга маълум бўлган энг улуғ ибодат тури — бу Исо севадиган юрагимнинг уруши эди. Исо фақатгина «дук—дук, дук—дук» ни эшитар ва ҳар бир юрагим уруши У учун эканлигини билар эди.

Кейин мени умумий камерага ўтказишди ва мен бошқа маҳбусларнинг гапиришини эшитдим. Мен «улар нима учун гапираёптилар?» — деб ўйладим. Биз гапираётган нарсаларнинг кўпчилиги бефойда нарсалар. Одамлар бир—бирлари билан танишаётганда: «Ассалому алайкум» — деб айтади ва «Аҳволларингиз яхшими?» — деб сўрайди. Бу нимага керак? Биттаси «бугун жуда ажойиб ҳаво, шундай эмасми?» — дейди ва бошқаси «Ростданми?» — деб жавоб қилади. Ҳавонинг яхши эканлиги ҳақида айтишнинг нима кераги бор? Биз Исо айтган нарсаларни жиддий қабул қилмаймиз. У ёмон нарсалар



учун эмас, балки «инсонлар айтадиган ҳар бир бекор сўзи учун киёмат кунда ҳисоб берадилар»\* – деб айтган. Муқаддас Китобда шундай ёзилган. Айрим мамлакатларда бекорчи сўз қамокни ва биродар учун ўлимни англатади. Мақтов сўзи ҳам, агар у ортиқча бўлса, у ҳолда кулфат келтиради. Мисол учун сизнинг олдингизга кимдир келди ва сиз унга «афсуски сал эртароқ келмадингиз, фалончи биродар ҳозиргина кетганди» – деб айтасиз. Агарда келган одам маълумот етказувчи бўлса, демакки полицияга фалончи биродарнинг шаҳарда эканлиги маълум бўлади. Оғзингизга кулф солинг. Бунга ҳозирдан ўрганинг.

## Рухсат этиладиган усуллар

Айёрликларга мурожат қилмасдан, яширин равишда ишлаш қийин. Россияда шундай воқеа бўлган эди. Коммунистларга масиҳийларнинг қайсидир туманда йиғилиш ўтказиши маълум бўлганди, аммо қаердалигини аниқ билмасдилар. Улар кузатаётган кўчадан битта болакай юриб кетаётган эди. Улар уни тўхтатиб, ундан қаёққа кетаётганини сўрадилар. У қайғули чеҳра билан «Менинг катта акам ўлиб қолди ва биз бутун оиламиз билан унинг қолдирган васиятини ўқимоқчимиз» – деб жавоб берган. Бу милиционерни ҳайратга солган – у болакайнинг елкасига уриб, уни қўйиб юборди. Болакай ёлғон гапирмади.

Масиҳийни полицияга чақириб, ундан сўрашди: «Сиз йиғилиш ўтказасизми?». «Ўртоқ капитан, йиғилиш ўтказиш тақиқланган» —дея жавоб берди у. «Сизнинг итоат этишингиз яхши» – деб айтди капитан ва уни қўйиб юборди. Биродаримиз бўйсунмаётгани ҳақида айтмади. У йиғилишларга бораётгани ҳақида ҳам айтмади.

«Азоб чекканлар овози» нинг хат ташувчиси социалистик мамлакатга келди. Чегарада ундан: «Ўзингиз билан қандай адабиёт олиб кетаяпсиз?» – деб сўрадилар. «Шекспир ва Яҳве» – дея жавоб берди у. Чегарачи ходим ўзини нодон кўрсатишни

---

\* Мат.12:36

ва Яхве ҳақида эшитмаганини тан олишни хоҳламади. (Эхтимол, бу англиялик ёзувчидир) «Ўтаверинг» – деди у.

Буларнинг ҳаммаси рухсат этилган усуллар. Кимлар учундир фаришталар – бу болалар эртагидаги қахрамонлардир. Биз масиҳийлар учун улар – ҳақиқийдир. Улар бизларни ҳимоя қилади. Биз уларга ва Муқаддас Рухга суянишимиз керак. Бироқ ёвуз рухлар ҳам ҳақиқийдир. Зулмкор – худосизга ҳамма ҳақиқатни айтишга мажбур эмасмиз. Бизнинг нима билан шуғулланишимиз ҳақида унга айтишнинг умуман кераги йўқ. У бизга бундай саволлар бериб, одобсизлик қилади.

Агар мен сиздан: «Сизнинг банкдаги ҳисоб рақамингизда қанча пул бор?» ёки «Сиз қанча пул ишлаб топасиз?» —деб сўрасам, бу одобдан бўлмайди. Бундай саволлар сўралмайди. Қиз боладан «Сен кимдир билан учрашяпсанми? Сен кимнидир яхши кўрасанми?» – деб сўраш ноқулай бўлади. У бу ҳақида муҳокама қилишни балким хоҳламас.

Мендан ҳамдин билан боғлиқ нарсалар ҳақида сўрамасликлари керак – мен бу ҳақида гапиришни хоҳламаслигим мумкин. Бу менинг шахсий ишим. Атеистик давлат бундай маълумот олишга ҳаққи йўқ ва биз уни беришга мажбур ҳам эмасмиз.

Терговларда ҳар хил саволлар берадилар. Коммунистлар менга: «Сен масиҳий ва чўпонсан. Сен ҳақиқатни айтишинг керак. Яширин жамоатнинг раҳбарларини айт. Сизлар қаерда йиғиласизлар? Йиғилишга кимлар келади? Бошқа шаҳарларда ким бошқаради?» Агар мен ҳақиқатни айтганимда эди, кўплаб одамлар қамалган бўларди. Улар ҳам ҳақиқатни айтарди ва х.к. Алданиб қолманг. Ҳатто агар қаршилик кўрсатиш дўппослашга ва қийноқларга олиб келса ҳамки, сиз уларни ўзингизга қабул қилишингиз керак.

Битта менинг танишим бўлган чўпон, худди мени калтаклашганда ҳис қилгандек оғриқни, регби ўйнаб, товони шикаст еганида бошидан кечирган. Регби учун оғриққа чидашга тайёрман. Оғриқ ўтиб кетганидан кейин эса, ўша нарса яна такрорланишини билсам ҳам, мен яна ўйнайман. Яъни биз регби учун, спорт учун, кўнгил очиш учун, соғлиққа фойдали бўлган нарсалар учун оғриққа чидашга тайёرمىз. Худди шундай тарзда

биз биродарларимиз учун, уларни қўлга олмасликлари учун оғриққа чидаймиз. Юз бериши мумкин бўлган энг ёмон нарса – бу биз ўлишимиз мумкинлиги. Аммо ўлим – дунёдаги энг табиий ҳолатдир.

Бой одамнинг уйига бир бечора одам келиб, ундан: «Сизни-кида тунаб қолсам майлими?» – деб сўради. «Йўқол бу ердан, – деб жавоб берди хўжайин, – нима бу ер сенга меҳмонхонами?». – «Кечирасиз – деди бечора. – Майли мен кетаман, лекин илтимос битта саволимга жавоб беринг. Сизнинг уйингиз жуда чиройли эканини кўраяпман. Уни ким қурди?» Бойваччага буни эшитиш ёқимли эди ва у: «Буни менинг бобом қурган» – деди. – «Сизнинг бобонгиз қаерда?» – «У аллақачон ўлган». – «Ундан кейин бу ерда ким яшади?» – «Менинг отам». – «У тирикми?» – «Йўқ, у ҳам ўлган». – «Уйда ҳозир ким яшайди?» – «Мен». – «Сиз ҳам ўласизми?» – «Ҳа». – «Сиз ҳам ўлганингиздан кейин бу уйда ким яшайди?» – «Ўйлайманки, менинг болаларим». Ва бечора: «Нима учун сизнинг жаҳлингиз чиқаяпти? Бу меҳмонхона эмас, деб айтаяпсиз. Аммо бу меҳмонхона—ку, – сиз кетасиз ва бошқа одам кўчиб келади».

Ўлим табиийдир. Агар Худога мақбул бўлиб, мен бугун ўлишим керак бўлса, мен ўламан. Мен юрак касалидан ўлишим мумкин. Яъни менинг ҳаётимни жаллод қисқартирмайди. (Шунингдек қимматбаҳо ресторандаги нафис овқат узайтира олмайди ҳам) Мени Худо қақирганидагина мен ўламан.

## **Жанжалларнинг хавф—хатари**

Яширин жамоатда кичкина жанжаллар ҳам бўлиши мумкин эмас. Ихтиёрий гап талашиб қолишлар қўлга олинишга, калтакланишга ва ҳатто ўлимга олиб келиши мумкин. Бизнинг рақибларимиз кузатиб ва қулоқ тутиб турадилар. Жамоатда уларнинг маълумот етказиб турувчилари бор. Агар жанжал юз берса, ўзаро айблаш бошланади, исмлар ва бўлган воқеалар очилиб қолади. Битта одам бошқасига: «Фалончи биродар билан сиз мана шу ишни қилдингизлар» – дейди. Ва полиция бу биродарни қўлга олади.

Муқаддас Китоб айтадики: «Худонинг қули жанжалкаш бўлмаслиги керак. Аксинча, у ҳамма билан мулойим, ўргатишга тайёр, сабр—тоқатли бўлсин» (2 Тим 2:24)

Руминиядаги битта шаҳарда иккита йигинлар орасида, яъни баптистлар ва дарбистлар\* орасида жиддий келишмовчилик юз берди. У иккала жамоатнинг ҳам раҳбарлари қамалишига олиб келди.

Хозирданок муқаддас бўлган яхшироқ. Осмонга борганимизда муқаддас бўлишни бошлашга кеч бўлади. Яхшиси эркин шароитда жанжаллашмасликка ўрганиш керак.

Афсуски, хавфли шароитларда фаолият кўрсатаётган жамоатларда ҳам уруш—жанжаллар бўлиб туради. Бундай бўлмаслиги учун қўлдан келган нарсани қилиш керак. Ҳатто оилавий келишмовчилик ҳам ўлимга олиб келиши мумкин. Мен битта ёш йигит билан бир камерада ўтирдим. Унинг яхши кўрган қизи бор эди, аммо у бошқасини учратиб қолиб, уни ташлаб кетган. Ўша қиз полицияга, боланинг унга ишониб айтган сирларини айтиб берган. У бир умрлик қамок жазосини олган ва қамокда ақлдан озди.

Аслида яширин хизматга тайёргарлик – бу оддий масихийни хизматга тайёргарлиги, фақат у чуқурроқ ва ҳақиқатдан ҳаётга яқин бўлиши, ҳаётингизнинг бир қисми бўлиши керак. Мен хизматчилар орасидаги келишмовчилик туфайлик жамоатлар бўлиниб кетганини биламан. Бу ҳамма жойда юз бериб туради, аммо демократик бўлмаган давлатларда бу қамалишга ёки ҳатто ўлимга олиб боради.

## **Мияни тозалашга қаршилик кўрсатиш**

Нафақат жисмоний қийноқлар, балки мияни тозалаш ҳам кенг қўлланилади ва унга қарши қандай тура олишни билиш керак. Мияни тозалаш эркин мамлакатларда ҳам юз бериб туради. Буни газета, радио ва телевидения қилади. Айнан

\* «Плимутлик биродарлар» (Plymouth Brethen) сектасидан бўлиниб чиққанлар, уларнинг раҳбари Ж.Н. Дарби (J.N.Darby, 1800–82).

кока—кола ичиш учун ҳеч қандай сабаб йўқ. Биз уни ичамиз, чунки бизнинг миямизни тозалашган. Оддий сув кока—колдан яхшироқ, аммо уни ҳеч ким реклама қилмайди. Агар оддий сувни реклама қилишганида эди, биз уни ичган бўлардик.

Мияни тозалаш учун ўта жиддий бўлган усуллар қўлланилади. Руминия қамоқхоналарида бу шундай қилинар эди: ҳеч қаерга суйанмасдан ва кўзларимизни юммасдан, ўн етти соат тўхтовсиз тўғри ўтиришимиз ва ушбу нарсани эшитишимиз керак эди: «Коммунизм – бу яхши, коммунизм – бу яхши... масихийлик ўлган, масихийлик ўлган... воз кечинглар, воз кечинглар...». Бундай нарса бир неча минутдан кейин сизнинг жонингизга теккан бўларди, аммо биз уни бир кунда 17 соатлаб, ҳафталар, ойлар, йиллар мобайнида тўхтовсиз эшитишимиз керак эди. Ишонаверинг, бу осон эмас. Бу қийноқлардан энг қийини, жисмоний қийноқдан ҳам баттар.

Аммо Масихга ҳаммаси бошидан маълум. У ҳаммасини олдиндан белгилаб қўйган.

Коммунистлар ўзларининг мияни тозалаш каби кашфиётида кеч қолганлар. Масих аллақачон унга қарши нарса – юракни тозалашни ўйлаб топган. «Покдил бўлганлар бахтлидир, чунки улар Худони кўрур» (Мат 5:8). Биринчи бўлиб Масих учун курбон (ёки ўлган) бўлган Стефанни юзлаб одамлар, қўлларида тош билан қуршаб олишган пайтда, у: «Мен кўраяпман...» – деб айтган. Унинг рафиқаси, у келаётган хавф—хатарни кўраяпти ва қочишга тайёрланаяпти, – деб ўйлаши мумкин эди. Аммо Стефан «Худонинг улугворлигини ва Худонинг ўнг томонида турган Исони кўрди»\* Эҳтимол унинг рафиқаси ундан (бу ҳеч қаерда ёзилмаган): «Нахотки сен бу барча одамларни кўрмайсан? Улар сенга тош отаяптилар!» – деб сўрагандир. – «Ҳа, мен қандайдир чумолиларни кўраяпман, улар ҳақида гапириб ўтиришнинг ҳам кераги йўқ. Мен Исога қараяпман» – дея, Стефан уни ўлдиришга чорланаётганларга қарамади. Покдил бўлганлар бахтлидир.

\* Ҳав 7:55–56.

Коммунистлар икки йилдан кўпроқ менинг миямни то-заладилар, аммо улар барибир тозаланмасдан қолди. Худди «Масихийлик ўлган» – деб айтган маромда, биз ўзимизга «Масих ўлган, Масих ўлган» – деб айтардик. Биз У ўликлар ичидан тирилганини билардик. Биз муқаддаслар жамиятида яшаётганимизни эслардик. Одатда, Раббимизнинг олдига кетган муқаддаслар, қаердадир осмонда, юлдузлар орасида яшайди, деб ҳисоблашади. Бироқ Муқаддас Китоб уларнинг қаердалиги ҳақида бизга шундай айтади: «... атрофимизни ўраб олаётган нақадар йирик шохидлар оломони ...» (Ибр 12:1). Юлдузлар орасида улар нима қилади? Улар бу ерда – курашаётганлар, азоб чекаётганлар билан бирга. Рухий оламда «у ерда» ва «бу ерда» – деган сўзлар йўқ. Рухий оламда кенглик ва вақт тушунчалари мавжуд эмас. Биз қамоққа ташланган эдик, аммо муқаддаслар биз билан бирга эдилар. Биз уларнинг иштирокини ҳис қилиб турардик. Мисол учун, мен Магдалиялик Марямнинг хузурини жуда ҳам сезганман. «Улар масихийлик ўлган деб таъкидлайдилар. Майли ўйлаверсинлар фарқи нима? Майли мен бутун дунёдаги ягона масихий бўла қолай. Магдалиялик Марям Исони жуда ҳам яхши кўрган. Исо ўлди, демак, Исони яхши кўрган Марям ўлик. Марям ўзи учун ҳеч нарса қила олмаган Зотнинг қабри ёнида қолди. Унга мўъжиза ҳам кўрсатмади, далда сўзлар билан овунтирмади ҳам. Унинг кўз ёшларини ҳам арта олмади. У – Нажоткор. Сизлар у ўлган дея таъкидлаяпсизлар. Мен эса Уни худди У тирикдек яхши кўраман. Агар бутун жамоат ўлса ёки имонини йўқотса ҳам, бу менинг имонимни йўқотиш учун сабаб бўла олмайди» – деб ўйладим.

Имонда мустаҳкам бўлиш керак. Мен аллақачон иброний тилида «шубҳаланиш» деган феъл йўқ деб айтдим. Бу сўз Эски Аҳдда ҳам йўқ. Муқаддас Китобда яна қандай сўз йўқ эканлиги ҳақида сизга айтайми?

Бутун дунё жамоатлари уюшмаси раҳбарлари менга қарши шундай айб қўйишди: «Вурмбранд «темир парда» орқасидаги вазиятни оқ ва қора ранглар билангина чизаяпти». Агар сизлар менга Янги Аҳддан «кул ранг» деган сўз бор жойни

топиб берсангизлар, мен сизлар билан рози бўламан, – деб жавоб бердим. Янги Аҳдда ҳар хил ранглар тилга олинади, аммо аралашма рангни, яъни «кул ранг» ни умуман учратмайсиз. Ихтиёрий нарса ёки ҳақиқат, ёки ёлгон. Ёки тўғри, ёки нотўғри. Ёки оқ, ёки қора. Сиз ёки бу дунё билансиз, ёки Исо билан. Иброний тилидаги Эски Аҳдда «шубҳа» деган сўз ҳам йўқ. Биз худди кўпайтириш жадвалига ишонганимиздек, имон масаласида ҳам дадил бўлишимиз керак. Икки карра икки тўрт. Бу ҳақиқат. Менинг оилам тирикми ёки ўлик, менинг қорним тўқми ёки оч қолаяпманми, мен эркинликдаманми ёки қамокда, мени калтаклаяптиларми ёки силамоқдами – математик ҳақиқат ҳечам ўзгармайди. Икки зарба қўшув икки зарба – тўрт зарба. Магдалиялик Марямга ўхшаб, ҳақиқатга ва севгига ишонч ҳосил қилиш, мияни тозалашга қарши туришда ёрдам беради. Охиригача қаршилиқ кўрсатинг. Мен ўзимни қахрамон қилиб кўрсатаётганим йўқ. Мен оддий одамман, ҳар битта одамнинг эса ожиз томони бор. Ва ожиз пайтимизда бир—биримизни қўллаб—қувватлаш учун, жамоат мавжуд.

Мен ёнимдаги масихий, пресвитериан хизматчисига: «Биродар, мен имонимни йўқотдим, деб ўйлаяпман. Менимча, энди мен масихий эмасман» – дея тан олган пайтим ҳам бўлган. У эса, юзидан ҳеч қачон аримайдиган кулгу билан, мендан сўради: «Сен аввал ишонганмисан?» – «Албатта», – дея жавоб бердим. Ва у менга: «У ҳолда Муқаддас Китобдаги оятда Элизабетни Марямга айтган сўзларини эсла: «Эй эътиқод қилган, бахтлисан!»\* Бу – ўтган замон шаклидаги сифатдош. Эътиқод қилдинг, демак сен бахтлисан. Шу марҳамат билан яша». Ўша пайтда бу сўзлар мен учун нима англатганини тасвирлаб бера олмайман.

Бу қанчалик илоҳиёт назарияси нуқтаи—назаридан қанчалик асосли эканини билмадим, аммо биз ўша пайтда илоҳий назария билан яшамас эдик. Биз хотиралар билан яшардик. Шунинг учун Муқаддас Китоб Худовандни марҳаматлаш

---

\* Луко 1:45

ва унинг олдинги марҳаматларини эслашга ўргатади. Уларни оғир синовлар пайтида эсдан чиқармаслигимиз керак.

## **Ёлғизликни енгиш**

Яширин жамоат курашчиси учун катта қийинчилик, бу ёлғизликни тўлдиришдан иборат. Бизларда китоблар йўқ эди. Нафақат Муқаддас Китоб, балки умуман ҳеч қандай китоб йўқ эди. Бизларда на бир бўлак қоғоз, на бир қалам бор эди. Биз ҳеч бир овозни эшитмас эдик ва бизнинг диққатимизни банд қиладиган ҳеч бир нарса йўқ эди. Биз фақат деворларга қарашимиз мумкин эди. Бундай шароитда одамнинг ақлдан озиши ҳеч гап эмас. Келажакдаги яширин жамоат хизматчисига, эркинликдаги одамга бунинг қанчалик имкони бўлса, шунчалик қамоқдаги муҳит ҳақида тасаввурга эга бўла олиш учун, «Папийон»<sup>\*</sup> каби, қамоқдаги ҳаёт ҳақидаги китобларни ўқиш жуда фойдали. Маҳбусда ўз эътиборини банд қиладиган ҳеч нарса йўқ бўлса, ёлғизликнинг ақлдан оздирадиган ишини тушуна оласиз.

Одам ёлғиз, Муқаддас Китобсиз қанча яшай олади? Радиосиз ёки ашула қўядиган қурилмасиз қанча яшай олиши мумкин? Яна айтаман, аввало руҳий тайёргарлик зарур. Мен сизлар билан, ўзимни қандай қилиб жинни бўлиб қолишдан сақланганим тўғрисидаги тажрибам билан бўлишмоқчиман.

Мен ва бошқа маҳбуслар мана нима қилар эдик. Биз кечқурун ухلامас эдик. Кундуз куни ухлар эдик. Кечқурун ухلامасдан ўтириб чиқардик. Эсингизда борми, Муқаддас Китобда нима дейилгани? «Эй сизлар — Эгамизнинг қуллари, Эгамизнинг уйида кечаси хизмат қиладиганлар, Эгамизни олқишланг!» (Заб 133:1).

\* Анри Шарьернинг (1969) автобиографик асари. Унда ақлга сиғмайдиган даражадаги азоб ва таҳқирлашларни бошдан кечирган кишининг ҳаёти очиб берилади. Муаллиф сохта айблов бўйича айбланган ва бутун умрга қамалган. Унинг кўп йиллари сургунга ва Францияга, ўз уйига қайтиш учун интилиб саргардонлик қилишга йўқотилган. Буларнинг ҳаммасига қарамасдан, Шарьер бу даҳшатли синовларга шараф билан чидади ва тура олди.



Битта тунги ибодат кундузги ўнта ибодат билан тенг. Катта гуноҳ ва жиноятлар кечаси содир бўлади. Босқинчилик, маст бўлиш, зино – буларнинг ҳаммаси кечаси содир бўлади. Кундуз куни одам ишлайди ёки ўқийди. Ёвуз рухлар энг аввало кечаси таъсир қилади ва уларга кечаси қарши туриш керак. Айнан шу ерда тунги хизматлар жуда муҳим. Эркин мамлакатдагиларга бу тушунчалар унча маълум эмас. Менинг мамлакатимда, коммунистлар режими ҳукумат тепасига келишдан олдин, тунги хизматлар бор эди. Менинг уч ёшлик ўғлим Михай бунинг нима эканини биларди. Биз тунни ибодатда ўтказар эдик. Кичкина болалар ҳам ибодат қилар эдилар, кейин шўхлик қилиб бошлардилар, биз эса уларни урушиб қўярдик, кейин эса улар қаердадир стол тагида ухлаб қолардилар. Мана шундай қилиб, биз болаларга тарбия берар эдик.

Қамокхонада биз бошқа махбуслар ётганида уйғонар эдик. Бизнинг программамиз шунчалик бой бўлар эдики, биз уларнинг ҳаммасини қилишга улгурмас эдик. Биз бутун дунё бўйлаб саёҳат қиладиган ибодатдан бошлардик. Биз шаҳарларини ва одамларнинг фамилияларини биладиган ҳар битта мамлакат учун ибодат қилардик ва воизхонлар учун ибодат қилардик. Бу бир неча соатни оларди. Биз учувчилар, денгизчилар ва махбуслар учун ибодат қилардик. Муқаддас Китоб ҳатто қамокхонада ҳам эга бўлиш мумкин бўлган хурсандчилик ҳақида гапиради: «Севинаётганлар билан бирга севаинглар» (Рим 12:15). Мен қаердадир ота—оналар болалари билан ўтириб Муқаддас Китоб ўқиётганига, ҳазиллашаётганига ва хурсанд бўлишаётганига севаинар эдим. Мен қаердадир битта йигит қизни севиши ва у билан учрашувга чиқишга бораётганидан севаинар эдим. Қаердадир йиғилиш ва Муқаддас Китобни ўрганиш бўйича машгулот бўлаётганидан севаинар эдим. Кимнингдир ширин овқати бор. Биз ҳам севинаётганлар билан бирга хурсанд бўлишимиз мумкин эди. Бундай бутун дунё бўйлаб саёҳатдан кейин, мен эсимда қолган Муқаддас Китоб оятларини айтар эдим. Яширин жамоат хизматчиси учун Муқаддас Китобдан матнларни ёдлаш жуда муҳим.

Битта жуда кизик воқеани айтиб бераман. Бир куни, мен ўзим учун кўрпа—тўшак бўлиб хизмат қилувчи тахтада ётиб, Луқо Хушхабаридаги Тоғдаги ваъзни ўқиб ётгандим. Мен ушбу сўзларга етиб келдим: «Инсон Ўғлига ён босганингиз учун... кувгин қилса...Ўша кунда севининг, севинчдан ўйнанглар\*» (Луқо 6:22–23). Мен шундай ёзилгани ҳақида эсладим. Ва мен ўзимга айтдим: «Қандай қилиб мен эътиборсизлик гуноҳини қилдим? Масих бизларга иккита нарса қилишимизни айтади. Биринчиси «хурсанд бўлиш», мен буни қилдим. Иккинчиси эса «севинчдан ўйнаш» – буни ўтказиб юбордим! Ва ўшанда кравотдан турдим ва ўйнай бошладим. Қамокхона эшигида кузатиб турувчи дарча бор эди. Айнан мана шу пайтда қўриқчи менинг камерамга қараб қолди. У мени ақлдан озди деб ўйлади. Қўриқчиларда ақлдан озганлар устидан алоҳида кузатув бўлиши кераклиги тўғрисида кўрсатма бор эди. Чунки улар бақиришлари ва тақиллатишлари билан тартибни бузмаслиги керак эди. У кирди ва мени тинчлантиришни бошлади: «Сени озод қилишади. Ҳаммаси яхши бўлади. Фақат жим бўл. Мен сенга нимадир олиб келаман». Ва у менга бир бутун буханка нон олиб келди. Ва яна тузли пишлоқ ҳам! Оппоғидан! Тезгина пишлоқни еб ташлаш мумкин эмас эди. Аввало унинг оппоқлигидан роҳатланиб олиш керак. У қандай чиройли—а. Қўриқчи шунингдек менга шакар ҳам олиб келиб берди. Чиқиб кета туриб, у менга бир нечта яхши сўзлар ҳам айтди.

Мен ўзимга: «Буни Луқо Хушхабаридан бир боб ўқиб бўлганимдан кейин ейман» – деб айтдим. Мен ётдим ва қаерда тўхтаганимни эслашга ҳаракат қилдим. «Инсон Ўғлига ён босганингиз учун... ҳақорат қилса... Сиз барибир саодатмандсизлар! Ўша кунда севининг, севинчдан ўйнанглар!». Мен нон ва пишлоққа қарадим. Ҳақиқатдан, бу буюк мукофот эди.

Муқаддас Китоб матнлари ҳақида доимий равишда фикрлаш муҳим. Ҳар куни кечқурун учун мен «Азиз биродар ака—укалар ва опа—сингиллар» – деган саломлашиш билан бошландиган ва «омин» билан тугайдиган ваъз ўйлаб топардим. Ваъзни

\* Грек тилидан тўғридан тўғри таржимаси «хурсандчиликдан сакранглар»

ўйлаб топиб, уни айтар эдим. Кейинроқ ўз ваъзларимни эсдан чиқармаслик учун, уларни шеър шаклига ўгирдим. Уларнинг айримлари менинг “*With God In Solitary Confinement*”\* ва «*If Prison Walls Could Speak*»\*\* номли китобимга киритилган. Ҳаммаси бўлиб мен 350 та ваъзни ёдладим, уларнинг бир қисмини ёздим ва тахминан 50 тасини бу китобга киритдим. Бу ваъзларни мен фақатгина Худога ва фаришталарга ўқидим. Фаришталарда эса қанотлар бор ва улар менинг ваъзларимни узокроққа етказдилар. Ҳозирда улар кўплаб тилларда босиб чиқарилган ва уларни ўқияптилар.

Мана шундай тарзда биз вақтни ўтказардик. Мен китоблар ва шеърлар ўйлаб топардим. Рафиқам ва болаларим ҳақида ўйлардим. Ҳар куни кечқурун мен ҳикоялар ўйлаб топардим ва ўзимга айтардим. Уларнинг ҳаммаси шўх ва ишонч—умидга тўла эди. Мана улардан биттаси. Хотини эрига айтаяпти: «Мен нима қилишим керак? Мен ўзимнинг тиш протезимга ўтирдим ва уни синдириб қўйдим». Эри жавоб бераяпти: «Хурсанд бўл. Тасаввур қил, агар сен ўзингнинг ҳақиқий тишларингга ўтирсанг нима бўларди». Мен ҳамма нарсада яхши томон кўришга ҳаракат қилардим.

Нондан шахматлар қилдим ва ярим фигураларни бўр билан бўядим. Мен ўзим билан ўзим ўйнадим. Агар сиз Фишер\*\*\* дунёдаги энг яхши шахматчи, чунки у Спасскийни ютди деб ўйласангиз, хато қиласиз. Бироқ охирги ўйнаган ўйинидаги ўттизта партиядан ўнтасида ютди ва бештасини ютқизди. Мен эса на оқларда, на кул рангларда ўйнаган ҳеч бир партиёга ютқизмадим.

Мен ёлғизликдаги қийинчиликларни енгиб ўтиш ҳақида кўпроқ ҳикоя қилаяпман. Ақлингиздан ажралишга йўл қўйманг. Акс ҳолда коммунистлар сиздан устун келадилар. Ўз ақлингизни машқ қилдиришдан тўхтаманг. Бедор турунлар, фикр юритинлар. Қўлингиздан келганича нимадир ўйлаб топинг.

\* «Худо билан ёлғиз қамоқда».

\*\* «Агар қамоқхона деворлари гапира олганида эди».

\*\*\* Шахмат бўйича ўн биринчи жаҳон чемпиони (1972–1975). Chess Informant журнали бўйича – XX асрнинг энг яхши шахматчиси.

## Ҳақиқат моҳияти

Яширин жамоат бир янги нарса эмас. Яширин равишда хизмат қилиб, мен Янги Аҳдни бошқа кўзлар билан ўқишни бошладим. Мен Ҳаворийлар Мактубида қандай қилиб ҳаворийлар ва шогирдлар ўзларига янги исмлар (Ваҳ 2:17) қўйганини ўқидим. Бунга жуда кўплаб мисоллар бор:

«... Юстус лақабли ва Барсабо деб ҳам аталувчи Юсуф ҳамда Маттияни олға чиқаздилар» (Ҳав 1:23)

«... Юсуф... Ҳаворийлар унга Барнабо, яъни “далда берувчи” деган ном беришган эди» (Ҳав 4:36)

«... “Қорача” лақабли Симун» (Ҳав 13:1)

«... юборишни лозим кўрдилар ... Барсабо лақабли Яҳудони ... сайладилар» (Ҳав 15:22)

«...Юстус лақабли Исо ...» (Кол 4:11)

Нима учун Ёқуб ва Юҳанно «момақалдиروق ўғиллари»\*, Симон эса – «Бутрус»\*\* деб аталган? Олдин мен нима учун эканлигини билмас эдим. Янги Аҳдда исмларни ўзгартириш ҳолати жуда кўп. Яширин жамоатда ҳам айнан шундай бўлади. Менда ҳам жуда кўп исмларим бўлган. Мен қаергадир келганимда, биродар Вурмбранд келди, деб айтмас эдилар. Битта шаҳарда мен – Василий, бошқасида – Георгеску, учинчисида – Рувим эдим. Мени қўлга олишганида, мен Ричард Вурмбранд, шунингдек ўша фалончи ва яна фалончи эдим.

Мен Муқаддас Китоб матнининг илоҳийлигига ишонаман. Нима учун, у худдики «керак эмас»дек туюлган сўзларни ўз ичига олган? Нима учун Исо «чўл жойда» ибодат қилган ва «битта шаҳарда бўлганда»\*\*\*, — деб гапирилади? Ихтиёрий шаҳар — бу «бир» ёки «маълум бир» шаҳар, аммо яширин жамоатнинг гаплашиш тили шундай. Мен саёҳатдан уйга қайтаётганимда, мен рафиқамга: «Мен битта шаҳарнинг, битта жойида бўлдим ва битта одам билан учрашдим. Биз маълум бир вақтда, маълум бир жойда учрашишга келишиб олдик» — деб айтдим.

\* Марк 3:17

\*\* Мат.10:2

\*\*\*Лук.5:12

Исо шогирдлари билан фисих байрами тушлигини бирга қилишни хоҳлади (Лук 22:7–13). Исо уларга: «Фалончи жойга, фалончи кўчага боринглар ва у ерда фалончидан сўранглар ва тушлик тайёрланглар» – деб айтиши мумкин эди. Аммо У: «... шаҳарга киришингизда кўзада сув кўтариб кетаётган бир одам учрайди. Ордидан у кирадиган уйга эргашиб кириш» – деб айтди. (Ўша пайтда кўзада сув кўтариб юрадиган эркакни камдан – кам учратиш мумкин эди, – одатда қудуққа сув учун аёллар борар эди). Биз ҳам шундай йўл тутамиз. Ибодат йиғилишини режалаштириб, биз уй манзилини айтмас эдик, чунки бизнинг орамизда маълумот етказувчи бўлиши мумкин эди. Биз: «Фалончи бурчакда туринглар (ёки саёҳат боғидаги одамлар ўтирадиган жойда ўтиринглар) ва сизнинг ёнингиздан қизил галстукда (ёки қандайдир танитувчи белги билан) бир одам ўтади. Унинг орқасидан боринглар». Агар кимдир одамнинг исми билан қизиқса, демак у – яширин полициянинг маълумот етказувчиси.

Яширин жамоат Янги Аҳднинг ёзилиши пайтида аллақачон мавжуд бўлган.

Бизни шундай танқид қиладилар: сиз Худонинг олдида ноқонуний иш қиляпсиз, чунки жамоат яширин ишлаши керак эмас, – деб гапирадилар. Ва ҳокимиятга бўйсунмиш керак. Бутун дунё жамоатлар уюшмаси бизни айблайдилар, аммо ўзлари ҳокимиятга бўйсунмайдиган исёнчиларни моддий қўллаб—қувватлайдилар.

Муқаддас Китобда, ҳокимият – «... сенинг манфаатинг учун... У ёмонлик қилганга ғазабнок жазо берувчи...»\*. Худо Каломини тақиқлайдиган ҳокимият, ўзини қонундан ташқари қилиб кўяди ва унга нисбатан Муқаддас Китобни қўллаб бўлмайди. Ихтиёрий ҳокимият ҳам қонуний, ҳам адолатсиз йўл тутиши мумкин, чунки муқаддаслардан иборат бўлган ҳокимиятнинг ўзи йўқ. Ҳокимият гуноҳкорлардан иборат. Аммо улар ипак қуртининг капалакга айланишига, ғунчанинг гуллашига халақит бермасликлари керак. Ҳукумат гуноҳкорнинг

---

\* Рим.13:4

муқаддас бўлишига тўсқинлик қилмаслиги керак. Ҳукумат бунга халақит бермаса, мен ҳам ундан муқаддаслик талаб қилмайман. Мен унинг айрим қонунлари ёмон бўлиши мумкинлигини тан оламан, аммо улар бироз вақтдан кейин ўзгариши мумкинлигига умид қилиб, мен ҳокимиятга ҳурмат билан муносабатда бўламан. Ҳаётимнинг маъноси осмондаги яхши ҳаётга тайёргарлик кўришдан иборат. Агар ҳокимият мени бундан маҳрум қилса, мен бундай ҳокимият олдида ҳеч қандай мажбуриятга эга эмасман.

Бизнинг ташкилотимиз коммунистик ва исломий мамлакатлардаги Яширин жамоатларга ёрдам беришга қаратилган, ўзининг яширин хизматини давом эттирмоқда.

Мен сизларда тасаввур пайдо бўлиши учун, бизнинг Яширин жамоатимиз дуч келадиган айрим муаммолар билан таништирдим.

Худо сизларни марҳаматласин.

*Ричард Вурмбранд*



# 2

## **Азоб чекиш: масиҳий ҳузур— ҳаловат**

Жон Пайпер



Excerpted from *Desiring God*, © 1996 by John Piper (Sisters, Oregon:  
Multnomah Books).

Used by permission of Multnomah Publishers, Inc.

For requested use only, not to be copied for any other purposes.



## Муқаддас азоб чекувчининг оёқлари остида

Мен Ричард Вурмбранднинг оёқлари остига ўтирганимдан (тўғри маънода оёқлари остига ўтириш) буён анча ўзгардим.

У Жанубий Миннеаполисдаги Иноят Баптист Жамоатида оёқ кийимларини ечиб, озгина тепага кўтарилган полда ўтирди. (Кейин мен билдимки, руминия қамоқхонасида уни қийнашганида, унинг товонига зарар етказишган экан). Унинг олдида ва ундан пастроқда бир неча чўпонлар ўтирарди. У қийноқлар ҳақида гапирар эди. Исо азоб чекишни «танлаган»ини қайта—қайта такрорлар эди. У Исо билан содир бўлмади – Исонинг танлови шундай эди: «Ҳеч ким жонимни Мендан ололмайди, Мен Ўз ихтиёрим билан уни бераман» (Юҳ 10:18). У бизлардан, сиз Масиҳ учун азоб чекишни танлаган бўлармидингиз – дея сўради.

Ричард Вурмбранднинг «*Reaching toward the Heights*»<sup>\*</sup> китобига ёзилган аннотацияда муаллиф шундай кўрсатилган: «Яҳудий миллатидан бўлган Лютеран жамоати чўпони, 1909 йил Руминияда туғилган. 1945 йилда унинг мамлакатидagi ҳокимиятни коммунистлар босиб олгандан кейин, у яширин жамоат раҳбарига айланган. 1948 йил у ва унинг рафиқаси Сабина қўлга олинганлар. У 14 йилни қамоқхонада, жумладан 3 йилини куёш, юлдузлар, гуллар кўринмайдиган якка ер ости камерасида ўтказган. У фақат қоровуллар ва жаллодларни кўрган, холос. 1964 йил унинг дўстлари – Масиҳ учун азоб чекканлар – китобининг Page 156, line 9 да, «Норвегия масиҳийлари уни Руминиядан сотиб олиш учун, ...» деб ёзилган, агар шундай бўлса, бу китобда ҳам Швецариялик ўрнида – Норвегиялик масиҳийлар – деб ёзилиши керак. масиҳийлар уни 10 минг долларга сотиб олишган».<sup>1</sup>

<sup>\*</sup> «Чўққиларга интилиш»

## **Азоб чекиш ажойиб нарсами?**

Ричард Вурмбранд италия телевиденияси масалалари бўйича жавоб берувчи цистерциан католик рухонийси ҳақида ҳикоя қилади. Интервью олувчини тарки дунёга хос ҳаёт кечирish қизиқтирган. У католик рухонийдан: «Айтингчи, агар сиз ҳаётингизнинг охирида ҳақиқат – бу атеизм ва Худо йўқ деган хулосага келсангиз нима бўларди?» – деб сўради. Католик рухоний: «Ҳатто бағишланиш аҳдини қилмасдан туриб ҳам, муқаддаслик, жимлик ва қурбонликнинг ўзи бир ажойиб нарса. Нима бўлсаям мен ҳаётда тўғри яшадим».

Бундай ҳис—туйғуларга тўла азоб чекиш ҳақидаги жавоб менда жуда қаттиқ таъсирлантирди. Аммо бирданига бу ерда нимадир қовушмаётгани ҳақида ўйладим. Нимадир тўғри эмас эди, аммо унинг нима эканлигини ҳеч тушуна олмас эдим. Кейин мен буюк масиҳий азоб чекувчи – Хаворий Павлус ҳақида ўйладим. Мени Павлус ва католик рухоний орасидаги еру осмондек фарқ хайратга солди. Рухонийдан: «Агар сизнинг ҳаётингиз охир—оқибатда ёлғонга асосланган бўлиб чиқса нима бўлади?» – деб сўрадилар. У мен барибир яхши ва пок ҳаёт кечирдим, – дея жавоб берди. Павлус эса мана бундай жавоб берди: «Агар биз ёлғиз бу ҳаёт учун Масиҳга умид боғлаган бўлсак, биз энг бахтсиз инсонлар эканмиз» (1 Кор.15:19). У айтган сўзлар католик рухонийнинг сўзларига умуман қарама—қарши. Нима учун Павлус: «Ҳатто Масиҳ тирилмаган бўлса ҳам, ҳатто Худо йўқ бўлса ҳам – барибир севгига, меҳнатга, қурбонликларга ва азоб чекишларга тўла ҳаёт – бу арзийдиган ҳаёт» – деб айтмади. Нима учун у, қайта тирилиш мукофотисиз ҳам бахтсиз эмасмиз, – деб айтмади? Нима учун у, агар бизнинг Масиҳга суянишимиз ёлғон бўлиб чиқса, биз бошқа одамлардан кўра бахтсизроқ бўлар эдик, – деб айтган?

## **Масиҳдаги ҳаёт яхшироқми?**

Бу масиҳий жамоатлар учун, айниқса Америкадаги ва Ғарбий Европадаги гуллаб—яшнаётган жамоатлар учун энг

муҳим савол. Биз неча марта, Масихга келганимдан кейин яшаш осон бўлди, – деган гувоҳликларни эшитганмиз? Яқинда мен регби бўйича моҳир ўйинчининг ибодатда Масихга мурожат қилганидан кейин, унинг командаси 8 та ўйиндан 8 тасида ҳам ғалаба қозонганлиги ҳақидаги иқрорини эшитдим.

Бундан кўринадики, мувафакқиятли Ғарбда кўпчилик масиҳийлар ўзларига масиҳийликдан фойдани, унинг ҳаётни енгиллаштиришида кўришади – ҳатто Худо ёки қайта тирилиш бўлмаса ҳам. Келинлар масиҳийликни бизнинг руҳий ҳолатимизга ва бошқа одамлар билан муносабатимизга ижобий таъсири ҳақида ўйлаб кўрайлик. Буларнинг ҳаммаси бор ва Муқаддас Китобга мос келади. Руҳнинг самаралари – бу севги, хурсандчилик ва тинчлик. Агар биз ишониб туриб, севги, хурсандчилик ва тинчликка эга бўлсак, ҳатто бу ҳақиқатга асосланмаган бўлса ҳамки, бу яхши эмасми? Нима учун биз «энг бахтсиз инсонлар» бўлишимиз керак? Павлус нимани назарда тутган? У «фаравон ҳаёт» кечирмадимми? Нима учун у «Агар ўликлар тирилмас экан... биз энг бахтсиз инсонлар эканмиз» (1 Кор 15:13,19) деган. Нима учун адашган, аммо хурсандчиликда ва мўл—кўлчиликда яшаётган одам бахтсиз бўлиши керак? Агар адашиш ҳаётни маънога тўлдирса ва уни бахтли қилса, у холда бунинг нимаси ёмон?

Гап шундаки, Павлус учун ҳаёт маъноси енгилликдан ва мўл—кўлчиликдан иборат бўлмаган. У учун масиҳий ҳаёт онгли равишдаги азоб чекишдан, ҳатто биз ўзимиз учун тасаввур қила олмайдиган азоб чекишдан иборат бўлган. Худога нисбатан бўлган имон, қайта тирилишга бўлган ишонч ва абадийликда Масих билан бўладиган муносабатга нисбатан умид, Павлуснинг ҳаётига қулайлик олиб келмади. Бу қулайликка қайта тирилишга умид қилмасдан туриб, эришиш умуман имконсиздир. Бу умид эҳтиёрий равишда азоб чекишни англатади. Ҳа, у таърифлаб бўлмас хурсандчиликка эга бўлди, аммо бу – умид хурсандчилиги эди (Рим 12:12). Умид эса унга азобларни қабул қилиш эркинлигини берди. Одамлар учун азоб чеккан Павлус бунинг ўзининг ва ўша одамларнинг қайта тирилишига ишонмасдан туриб қилиши қийин эди. Агар қайта тирилиш

бўлмаса, ҳамма келтирилган қубонликлар бекор ва ачинишга арзийди.

Ҳа, унинг азоб чекишларида хурсандчилик ва келтириладиган қурбонликни тушуниб етиш бўлган. Аммо хурсандчилик буюк умиддан, яъни: «... қайғулар билан ҳам фахрланмоқдамиз, чунки қайғу сабр—қаноатни ҳосил қилишини биламиз. Сабр—қаноат эса тажрибакорликни, тажрибакорлик эса умидни ҳосил қилади» (Рим 5:3–4) келиб чиқади. Қайғуларда хурсандчилик бор, аммо бу хурсандчилик ўсиб—улғайтиришга олиб боровчи азобларга ишонишдан келиб чиқади. Агар қайта тирилиш бўлмаса, у ҳолда қайғу чекиш аҳмоқликдир, айниқса улар учун хурсанд бўлиш бундан ҳам катта аҳмоқликдир. Аммо буюк умидимиз бор ва Павлус ихиёрий равишда қайғу чекишни танлаган. Бу қайғу эса абадийликдаги хурсандчиликка ишонмасдан, ачинарли бўлар эди ва аҳмоқсизлик ҳисобланарди.

## **Қувғин қилиш ва касалликлар ҳар хил нарса эмасми?**

Кимдир сўраши мумкин: «Агар азоб чекишни мен ўзим танламасамчи? Мисол учун, рак. Ёки боланинг кўнгилсиз воқеа туфайли ўлими. Ёки руҳий тушкунлик. Наҳот касаллик қувғинлардан фарқ қилмаса?»

Мен шуни айтишим мумкинки, бу бобнинг катта қисми айнан масиҳийларнинг ҳар хил шароитларда ўзларини онгли равишда қандай тутишига бағишланган. Маълум бир хавф—хатар ҳар қандай вазиятга хосдир. Касаллик ва қувғин орасидаги асосий фарқ шундан иборатки, қувғин – бу билад туриб, масиҳийликка нисбатан душманлик қилиш.

Маълум бир шароитларда ўзингизнинг масиҳий нуқтаи назарингизни яширмаслик, демак азоб чекишга тайёр бўлишни англатади. Албатта, агар бунга Худонинг иродаси бўлса (1 Бут 4:19). Масиҳийча ҳаёт тарзи, ҳатто имонсизлар томонидан олдиндан кўзлаб қўйилган душманлик ҳаракатлари бўлмаса ҳам, қайғу чекишга олиб келиши мумкин. Мисол учун, масиҳий

касаллик тарқалган қишлоқда ишлаши ва касал бўлиб қолиши мумкин. Бундай шароитда у азоб чекади. Сабаби қувғинга учрагани эмас, балки унинг масиҳий бўлганида. У онгли равишда бу ишни қилди. Аслида бизнинг бутун умримиз, агарда биз имон билан ва Худо улуғворлиги учун яшасак, касаллик тарқалган қишлоқнинг ҳаётига ўхшайди. Қайғулар – бу бизнинг Худо чорловига итоат этиб яшаш учун тўланадиган тўловнинг бир қисми. Масиҳнинг орқасидан эргашиш учун қарор қилганимизда, биз бу билан боғлиқ ҳамма нарсани қабул қиламиз. Шунинг учун биз, бу қувғин ёки рақ бўлишидан қатъий назар, Масиҳга итоат этишдан келиб чиқадиган ҳамма азобларни қабул қилган бўламиз. Биз била туриб, бизни қайғулар кутаётган итоат қилиш йўлини танлаймиз ва нолимаймиз. Ҳа, биз Худованддан уларнинг барини биздан узоклаштиришини сўрашимиз мумкин (2 Кор 12:8), аммо худди осмон томон юрадиган йўлимиздаги шогирдликнинг баҳоси сифатида, Худонинг иродасини қабул қиламиз.

## **Барча қайғулар – Масиҳ билан ва Масиҳ учун**

Масиҳийча бўйсунуш йўлидаги биз бошимиздан кечирадиган барча нарсалар, – қувғинлар, касалликлар, кўнгилсиз ҳодисалар – буларнинг барчаси ушбу нарсада бирлашган: улар Худонинг эзгулигига бўлган имонимизга хавф солади ва тўғри йўлдан оздириш учун васвасага солади. Шунинг учун ҳар қандай имондаги ғалаба ва мустақкам туришликнинг кўриниши (касаллик, шайтон, гуноҳ ёки кимнингдир ҳатти—ҳаракати бўлишидан қатъий назар) – бу Худо эзгулигининг ва бизнинг Масиҳга бўлган севгимизнинг намоён бўлиш тўғрисидаги гувоҳлигидир. Масиҳийнинг ҳаётидаги ихтиёрий қайғу – бу Масиҳ билан бирга ва Масиҳ учун чекилган қайғудир. «Билан» – сўзи шу маънодаки, биз Исога бўлган имонимиз йўлида қайғуларга дуч келамиз ва У ҳамма нарсада бизга ҳамдарад бўлади (Ибр 4:15). «Учун» – сўзи эса шу маънодаки, қайғулар бизни синовдан ўтказди ва шу тариқа Унинг эзгулигига ва кучига бўлган

садоқатимизни тасдиқлайди, ҳамда Унинг инъомлари ҳамма нарсада етарли эканини кўрсатади.

## **Бизнинг азоб чекишларимизда шайтоннинг режаси ва Худонинг режаси**

Шайтон бизнинг имонимизни йўқ қилиш учун қувғинни қандай ишлатса, Худо ҳам худди шундай имонимизни тозалаш учун улардан фойдаланади. Павлус шундай ёзади: «Биз ёнингизда бўлганимиздаёқ, биз учун қайғусизлик бўлмайди, деб сизларга таъкидлаган эдик. Билганингиздек, худди шундай бўлди. Шунинг учун мен ортиқча сабр қилолмай, мабодо васвасачи сизларни йўлдан оздирмадим, меҳнатимиз беҳуда кетмадим, деб имонингизнинг аҳволини билиш учун укамизни юбордим» (1 Салон 3:4–5)

«Васвасага солувчи» нинг режаси аниқ: қийинчиликлар ёрдамида имонни йўқ қилиш. Аммо биргина шайтоннинг ўзи ҳаракат қилмаяпти. Худо ҳукмдор ва Ўзининг олий режасидан ташқари ҳеч нарса бўлишига йўл қўймайди. Худонинг режаси шайтоннинг режасига қарама—қаршидир. Худо Каломи тушунтиради ва далда беради: «Исо гуноҳкорлар томонидан қаттиқ қаршиликка учраб, сабр—тоқат қилди. Сизлар шу ҳақда фикр қилинг, токи тинкангиз қуриб, руҳингиз тушиб кетмасин. Сизлар гуноҳга қарши курашишда хануз қон тўкилишига қадар қаршилик кўрсатмабсиз—у, ўғил сифатида сизларга айтилган бу матални унутибсизлар: “Эй ўғлим, Худованднинг танбеҳига эътиборсиз қарама, У сени мазаммат қилганда сулайиб кетма. Худованд севган кишининг адабини берар, Ўғлим деб билган ҳамманинг чорасини кўрар” (Хикмат 3:11–12). Худо эса Ўзининг муқаддаслигидан баҳраманд бўлишимиз учун, манфатимиз учун танбеҳ қияпти. Ҳар бир танбеҳ ҳозирги замонда севинч эмас, қайғу бўлиб кўринади. Аммо шу тариқа тарбияланганлар учун кейин солиҳлик ва тинчлик самараси униб—ўсади (Ибр 12:3–6, 10–11). Айтилганки Исо «гуноҳкорлар томонидан қаттиқ қаршиликка» учраган. Улар орқали шайтон ишлайди (Луқ 22:3). Ва буни Худо, худди севувчи Ота сифатида бизни

тарбиялаш учун ишлатади. Худди ўша қувғинлар орқали шайтон битта мақсад учун, Худо —эса бошқа мақсад учун ишлайди.

Касалликларга тўхталадиган бўлсак. Улардан ҳам шайтон, ҳам Худо фойдаланади. «Менга келган одатдан ташқари ажойиб ваҳийлардан ўзимни ҳаммадан юқори тутмаслигим ва кибрланиб кетмаслигим учун, менинг баданимга бир ниш, мени ниқталайверадиган бир шайтон элчиси берилди. Буни мендан йироқлаштиргин деб, уч марта Раббимга ёлвордим. Аммо Раббим менга шундай деди: “Сенга берган иноятим етар, Менинг қудратим заифликда тугал бўлади”. Шунинг учун, Масиҳнинг қудрати менда амал қилсин деб, янада кўпроқ, бажонидил ўз заифликларим билан мақтанаман. Шу сабабдан Масиҳ учун заифликларга, озорларга, муҳтожликларга, таъқиб ва сиқувларга йўлиққанамда, қаноат қиламан. Чунки заиф бўлсам, қудратим ошар экан» (2 Кор 12:7–10). Павлус касалликни «шайтон элчиси [шунингдек, фариштаси]» деб айтаяпти. Аммо унинг мақсади «кибрланиб кетмаслигим» учун — мана бу Худонинг режаси. Масиҳнинг олий ҳокимияти орқали, севги билан поклаш мақсадига ва шайтоннинг бузғунчилик режаси устидан ғалаба қозонишга эришилади. Шайтон бизнинг имонимизни йўқ қилишга ҳаракат қилади, Масиҳ эса бизнинг ожизликларимизда Ўзининг олий ҳукмдор эканлигини намоён қилади.

## **Демак, қувғиндан ва касалликлардан азоб чекиш орасида фарқ йўқми?**

Қувғин ва касалликлар орасида жиддий фарқнинг йўқлиги, қувғин ва касалликдан азоб чекиш орасида фарқ йўқлиги билан ҳам тасдиқланади. Руминия қамоқхонасида Масиҳ учун чекилган азоблардан кейин ўттиз йил ўтиб, Ричард Вурмбранд жисмоний касалликлардан азоб чекишда давом этди — у анча йиллардан буён қувғинга учрамаган бўлса ҳамки, унинг оёқлари оғрир эди.

Масиҳнинг хизматчиси сифатида хаворий Павлус «...уч дафъа кемада ҳалокатга учрадим, бир кечаю кундузни денгиз бағрида ўтказдим.... Меҳнат ва машаққат остида, кўп дафъа

уйқусизликда, очлик ва ташналикда, кўп рўза тутиш азобларида қолдим, совуқ хавода яланғоч юрдим» (2 Кор 11:25–27). Агар у ўпка ялиғланиши билан касалланган бўлса, наҳотки бу қувгиннинг натижаси ҳисобланмаса? Павлус калтакланишлар, кема ҳалокатига учраш ва совуқда қолиб кетишлар орасида фарқ кўрмади. Масихга хизмат қилишда унинг бошига тушган азобларни, у шогирд тўлаши керак бўлган баҳо деб ҳисоблади.

Агар хушxabар етказувчи элчи фарзандининг ошқозони касалланса, биз бунда Масихга бўлган садоқат изини кўрамиз. Ва болалар билан юз берадиган ихтиёрий муаммо – бу ота-оналарнинг Масихга итоат этиш учун тўланган баҳоси. Бизнинг қайғуларимиз – бу Масих билан ва Масих учун чекилган азоблар. Улар бизнинг душманларимиз томонидан қасддан қилинган ёки қасддан қилинмаган нарсалар натижаси эмас, балки бизнинг Масихга нисбатан бўлган садоқатимиз натижасидир. Агар биз Масихга тегишли бўлсак, у ҳолда биз билан юз берадиган ҳамма нарса, микроблар томонидан ёки одамлар томонидан бўладими, бундан қатъий назар, бу –Унинг улуғланиши учун ва бизнинг фойдамиз учун бўлади.

## **Қайта тирилиш ўрнига ширин овқатми?**

Келинлар Павлуснинг ажойиб сўзларига қарайлик «Агар ўликлар тирилмас экан, унда ... биз энг бахтсиз инсонлар эканмиз» (1 Кор 15:13, 19). Агар ўлимдан кейин ҳаёт йўқ бўлса, у ҳолда масихийлик, Павлуснинг тушунишича, ҳаётни ёқимли қилиш учун яхши йўл эмас.

Павлус шундай айтади: «келинг, еб–ичайлик, чунки эртага ўламыз!» (1 Кор 15:32). У айш–ишратга берилишни назарда тутаётгани йўқ. Ким мастликни ва еб тўймасликни ўзида синая кўрган бўлса, билишадими, бу ҳаётдан лаззат олиш учун яхши йўл эмас. «Келинг, еб–ичайлик» – деб айтиб Павлус, агар ўликлардан тирилишга умид йўқ бўлса, у ҳолда оддийгина лаззат олишга интилишни ва азоб–уқубатлардан қочиш кераклигини назарда тутаяпти. Ва бундай ҳаётни масихий сифатида у рад этди. Агар ўликлар тирилмаганида эди, агар Худо ва



жаннат йўқ бўлганида эди, у ўзининг танасини бундай синовларга дуч қилмаган бўлар эди. У иш ҳақидан воз кечмаган ва чодир тикишни давом эттирмаган бўларди. У ўзини қамчи билан «биттаси кам қирқ зарба»нинг, таёқ ва тошлар билан уришнинг хавфига қўймаган бўларди. У қароқчилар, маъжусийлар, қабиладошлари, сохта биродарлари орасида, шаҳарлардаги, чўллардаги, денгиздаги, дарёдаги саёҳатларда ўз ҳаётини хавф остига қўймаган бўларди. У уйқусиз тунлар, совуқ ва очликни бошдан кечирмаган бўларди. У имондан қайтган ва иккиюзламачи масиҳийларга сабр—тоқат қилмаган бўларди (2 Кор 11:23–29). Бунинг ўрнига у рим фуқароси шарафига эга бўлган тинч ва ўзига ёқадиган, яҳудийча ҳаётда яшаган бўларди. «Агар ўликлар тирилмас экан, келинлар еб—ичамиз» – деб айтиб, у ахлоқсизлик қилишга чақирмаяпти. «Агар ўликлар тирилмас экан» – деб, у жаннат, дўззах, гуноҳ, Худонинг муқаддаслиги каби нарсалар ҳақидаги ташвишлардан ҳоли бўлган ва тинчликдаги, оддий инсоний қувончларга тўла бўлган, бир маромда кетувчи ҳаётни назарда тутаяпти!

Павлус учун Масиҳ билан боғлиқ бўлишлик, бу ҳаётда қулайликларга ва хурсандчиликка эга бўлишликни билдирмаган. Масиҳ билан бирлашиш, ўз ихтиёри билан азоб чекишни англаган, бу атеизмдаги қаҳрамонликка умуман ўхшамайди. Агар қайта тирилишга нисбатан Масиҳдаги тўла хурсандчилик бўлмаса, у ҳолда унинг чеккан азоблари беъмани ва ачинарлидир.

## **Ғарб масиҳийлиги учун деярли англаб бўлмас айблов**

Мен Вурмбранднинг католик руҳонийси ҳақидаги ҳикоясини ниҳоят тушуниб етдим. Павлуснинг нуқтаи-назари ўзида, ғарб масиҳийлиги учун деярли англаб бўлмас айбловни мужассам этади. Эҳтимол мен ошириб юбораётгандирман? У ҳолда ўзингиз қаранг. Агарда ўликлар ичидан тирилиш бўлмаса, сизнинг танишларингиздан қанчаси масиҳий ҳаёт умуман аҳмоқлик эканини тушуна олади? Ихтиёрий равишда

Масих учун азоб–уқубат чеккан одам, агар ўликлар ичидан тирилмаса ҳеч бўлмаса битта кишидан, ачинишга арзишини эшитганмисиз?

## **Масихийлик худди ихтиёрий азоб чекиш сингари**

«Агар биз ёлғиз бу ҳаёт учун Масихга умид боғлаган бўлсак, биз энг бахтсиз инсонлар эканмиз» (1 Кор 15:19). Павлус учун ердаги ҳаёт, келажакдаги ҳаётда Масих билан муносабатда бўлиш хурсандчилиги учун, ихтиёрий ва онгли равишдаги азоб чекишни билдирган. Мана унинг ўзи бу ҳақида шундай гапиради: «Чинакам, Раббим Исо Масихни билишнинг афзаллиги олдида мен ҳамма нарсадан бош тортиб, фойдасиз деб билдим, ҳа, Масихга сазовор бўлай, деб ҳатто ахлат ҳисобладим... ишқилиб ўликларнинг тирилишига эришсам» (Фил 3:7–8,11).

Такрорлайман: Масихнинг чақирuvi – бу қурбонликларга, ўзидан кечишларга ва азобларга тўла ҳаётда яшашга чақирув. Агар ўликлар ичидан тирилиш бўлмаганда эди, бу аҳмоқликнинг ўзи бўлган бўларди. Павлус буни онгли равишда қилган. У: «Агар тирилиш бўлмаса, ўликлар номидан сувга чўмиб имон келтирганлар бундан қандай фойда кутадилар? Агар ўликлар мутлақо тирилмайдиган бўлса, у ҳолда... нима учун бизлар ҳар соатда хавф–хатарлар билан рўбарўмиз? Эй биродарларим, мен сизлар туфайли Раббимиз Исо Масихдан топган ифтихорим билан айтаманки, мен ҳар кун ўляпман!» – деб айтади (1 Кор 15:29–31). Уни бундай яшашга мажбурлашмаган. Унинг танлови шундай бўлган: «ҳар соатда хавф–хатарлар билан рўбарўмиз». Ва шунинг учун у, агар ўликлардан тирилиш бўлмаса, ачинишга лойиқ эканлигини айтади. Унинг ўзи қайғуларга ва кулфатларга олиб борувчи йўлни танлаган. «мен ҳар кун ўляпман!».

## У буни нима учун қилаяпти?

Бу табиий эмас, – зеро кўнгилсиз воқеалардан қочиш инсонга хос хусусиятдир. Биз қаерда хавфсиз, қаерда иқлим яхши бўлса, ўша жойга кўчиб ўтамиз. Биз ҳаво совутгичларини ўрнатамиз. Аспирин қабул қиламиз. Ёмғирдан бекинамиз. Қоронғу кўчаларни айланиб ўтамиз. Сувни филтрдан ўтказамиз. Биз «ҳар соатда хавф–хатарлар билан рўбарў» келадиган ҳаёт тарзига ўрганмаганмиз. Павлуснинг ҳаёти одам учун одатий бўлиб қолган кўникмалар билан мос келмайди. Биз «ҳар куни ўлиш»га кўникмаганмиз. Павлус учун «Масиҳнинг азоблари унда кўпайиши» нима учун керак эди (2 Кор 1:5)? Нима учун унга «Масиҳ учун гўё ақлсиз» бўлишнинг кераки бор эди(1 Кор 4:10)? Нима учун у била туриб «... оч–яланғоч, чанқоқлик ва калтакларга чидаб, саргардон бўлиб юриб» ди, нима учун у била туриб «... ҳақорат қилсалар, дуо қилиб; зулм қилсалар, чидаб, ғийбат қилсалар, юмшоқ жавоб бериб. ... ҳамманинг ахлати, ҳатто дунёнинг супуриндиси бўлиб юрибди» (1 Кор 4:11–13)?

## «Менинг исмим учун у қанчалар азоб чекиши керак эканини Ўзим унга кўрсатаман»

Эҳтимол, Масиҳнинг чақируви уни итоат этишига сабаб бўлгандир. Худованд Дамашқ йўлида кўзи кўрмай қолган Павлуснинг, кўзлари кўриши учун қўл қўйиб ибодат қилишни Хананияга буюрган: «Сен боравер, мана бу одам Менинг исмимни турли халқлар, подшоҳлар ва Исроил ўғиллари олдида улуғлаш учун танланган курулимдир. Менинг исмим учун у қанчалар азоб чекиши керак эканини Ўзим унга кўрсатаман» (Ҳав 9:15–16). Яъни азоб чекиш Павлуснинг хаворийлик чақирувининг бир қисми бўлган: Масиҳнинг чақирувини қабул қилиш билан бирга, Павлус унга насиб этган азобларни ҳам қабул қилди. Айнан унга «насиб этган». Павлуснинг сўзларига кўра, азоб чекиш ҳам, худди имонга ўхшаб бир инъом: «Худо

сизларга Масихга ишонишнигина эмас, балки Масих учун азоб чекиш тақдирини ҳам насиб этган [ἐχρησθη]» (Фил 1:29). Бундан келиб чиқадики, ҳаворийликнинг бир қисми бўлган бу «инъом» нафақат ҳаворийларга берилган. У филиплик имонлиларга ва бутун жамоатга «насиб этган».

Бошқа одамлар ҳам, азоб чекиш бу қабул қилиш керак бўлган инъом эканлиги тўғрисидаги хулосага келишган. Александр Солженицин қамоқдаги даври ҳақида худди бир инъомдек гапирган. «Қамоқхонанинг чириётган сомонлари устида мен ўзимда биринчи марта яхшиликнинг қимирлашини сездим. Ёвузлик ва яхшиликни ажратиб турувчи чизик, давлатлар орасидан эмас, тоифалар орасидан эмас, партиялар орасидан эмас, балки у ҳар битта инсоннинг юраги орқали ва бутун инсоният юраги орқали ўтиши менга аста-секинлик билан очилди. Ва қатъиятлилик билан айтаёпманки:

– Менинг ҳаётимда бўлганинг учун сенга шон–шараф бўлсин қамоқхона!»<sup>2</sup>. Бу Павлуснинг, азоб чекиш – нафақат ҳаворийлар учун, балки ҳамма масихийлар учун ҳам деган фикри билан мос келади

## **Унинг оддий масихий эканини кўрсатиш**

Демак, Павлус азобларни қабул қилган, чунки бу билан у – Исонинг содиқ шогирди экани тасдиқланаёпти. Исо айтган: «Агар ким Менга эргашишни истаса, ўзидан кечсин ва ҳар куни ўз хочини кўтариб, ортимдан юрсин. Ким ўз жонини сақлаб қолмоқчи бўлса, уни йўқотади. Ким Мен учун жонини йўқотса, уни сақлаб қолади» (Луқ 9:23–24). Яъни хочни кўтариб юрмасдан ва ҳар куни ўлмасдан туриб, масихий бўлиш қийин. Павлус айнан мана шундай гапирди: «мен ҳар кун ўляпман!» (1 Кор 15:31). Исо «Қул ўз хўжайинидан юқори бўлмас, деган сўзимни эсланглар. Агар Мени қувгин қилган бўлсалар, сизларни ҳам қувгин қиладилар» – деб ўргатган (Юҳ 15:20). Шундай қилиб, агар Павлус Масихнинг азобларига шерик бўлмаганда эди, нимадир нотўғри бўлган бўларди. Мана Исо Ўз шогирдларига уларнинг хизмати тўғрисида нима айтган: «Боринглар! Сизни

бўрилар орасига қўзилардай юборяпман» (Луқ 10:3). У уларни огоҳлантирган: «Хатто ота—она, ака—ука, қариндош—уруғ, ёр—биродарларингиз сизни тутиб беришади, баъзиларингизни эса ўлимга топширишади... Менинг номим туфайли барча халқлар сизлардан нафратланади» (Луқ 21:16; Мат 24:9).

Кўриниб турибдики, Павлуснинг бу огоҳлантиришлари нафақат биринчи ўн иккита шогирдига тегишли бўлган, чунки у бу огоҳлантиришларни шунингдек — жамоатларга ҳам етказган. У: «шогирдларининг жонларига жон қўшиб... “Худонинг Шоҳлигига кўп қайғулардан ўтиб киришимиз керак”, — деб насихат қиларди» (Ҳав 14:22). У Салоникадаги имонлиларга «токи бу қайғулар билан яна бирортаси йўлдан тойиб кетмасин. Тақдиримиз қайғули эканлигини ўзларингиз биласизлар» — деб насихат қилган (1 Сал 3:3). Умумий хулоса шундан иборатки «Исо Масиҳ йўлида диёнатли яшамоқчи бўлган одамларнинг ҳаммаси ҳам қувғинга дучор бўладилар.» (2 Тим 3:12). Павел қайғулар фақат унинг битта ўзигагина келмаслигини яхши билган ва шунинг учун жамоатларга «Мендан ўрнак олинглар» — деб ёзган (1 Кор 4:16). «Агар Мени қувғин қилган бўлсалар, сизларни ҳам қувғин қиладилар»

## **Масиҳийларни ўзига ортиқча ишониб кетишдан сақлаш**

Павел азоб чекиш — бу садоқатли масиҳий ҳаётининг бир қисми, — деб ҳисоблар экан, демак у бунини синчковлик билан ўрганган. Унинг бошдан кечирган нарсалари, Худонинг Ўз фарзандларига бўлган севгисини яхшироқ тушунишга ёрдам берган. Мисол учун, қайғулар орқали Худо ўз кучимизга суянмасликка ва фақатгина Унга таянишга ўргатишини тушуниб етган. Асиядаги воқеадан кейин, Павел шундай ёзган: «Эй биродарлар, Асия вилоятида бошимизга келган кулфатлардан хабарсиз қолишингизни истамаймиз. Биз ҳаддан ташқари, чидаб бўлмайдиган даражада эзилдик, ҳатто соғ қолишга умидимизни йўқотган эдик. Ҳа, ўлимга маҳкум бўлганимизни ўз вужудимизда сезардик. Бу шунинг учун бўлдики, биз ўзимизга эмас, балки

фақат ўликларни тирилтирувчи Худога умид боғлайлик» (2 Кор 1:8–9). Азоб чекишнинг маъноси айнан мана шундан, яъни масиҳийлар кўпроқ Худодан ва камроқ ўзларидан ва дунёдан миннатдор бўлишга ўргатишдан иборат. Мен ҳеч қачон кимдининг: «Мен ўзим учун энг муҳим ҳаёт дарсларини тинчликда ва қулайликда олдим» – деб айтганини эшитмаганман. Мустаҳкам муқаддас кишилардан мен бунинг аксини эшитганман: «Худо севгисини чуқур таниб–билишда ва Худога ўсиб–улғайишда, олдинга қараб юриш азоб чекишлар орқали бўлади». Сэмюел Резефорд бахтсизликнинг энг чуқур ертўласига йиқилгандан кейингина, у ерда буюк Шох Ўзинг энг яхши шаробини сақлашини тушуниб олганини айтади. Энг қимматбаҳо марваридларни фақатгина бахтсизликнинг тубига шўнғиб топиш мумкин, – деган сўзлар Чарльз Сперженга тегишли.

## Масиҳни улуғлаш

Энг қимматбаҳо марварид – бу Масиҳнинг улуғланиши. Павел бизнинг азоб чекишларимизда Масиҳнинг инъоми етарли экани аниқланишини таъкидлаб ўтади. Агар биз қийинчилик пайтида Унга суюнсак, У бизнинг «умидимиздаги хурсандчиликда» мустаҳкамлайди ва У ҳар қандай марҳаматнинг ва куч–қудратнинг Худоси сифатида намоён бўлади. Агар биз кулфатлар пайтида Уни маҳкам ушлаб олсак, биз бу билан йўқотган нарсаларимиздан кўра Худо муҳим эканлигини кўрсатамиз. Масиҳ азоб чекаётган хаворийга шундай деган: «Сенга берган иноятим етар, **Менинг қудратим заифликда тугал бўлади**». Ва Павел шундай жавоб берган: «**Шунинг учун, Масиҳнинг қудрати менда амал қилсин деб**, янада кўпроқ, бажонидил ўз заифликларим билан мақтанаман. Шу сабабдан Масиҳ учун заифликларга, озорларга, муҳтожликларга, таъкиб ва сиқувларга йўлиққанимда, қаноат қиламан. Чунки заиф бўлсам, қудратим ошар экан» (2 Кор 12:9–10). Шундай қилиб, бундан кўринадики, Худо азобларни нафақат ўзимизга ишониб қолишдан қутқариш усули сифатида ишлатади, балки Худо иноятининг намоён бўлиши учун ҳам режа қилган. Айнан

мана шу нарсани имон қилади, яъни у келажакдаги Масиҳ иноятини улуғлайди.

Азоблар орқали Худодаги ҳаётнинг асл моҳияти очилади. Шунингдек, Исо ҳам «гарчи У Худонинг Ўғли бўлса ҳам, азоб–уқубат чекиб, итоат қилишни ўрганди» (Ибр 5:8). У эса гуноҳсиз эди (Ибр 4:15), шунинг учун «итоат қилишни ўрганиш» бу итоатсизликдан итоат қилишга ўтишни англатмайди. У Худога итоат қилишда ўсиб боришни ва ўзини янада тўлароқ Худо иноятига топширишни англатади.

## **Масиҳийча азоб чекишда ҳайратга соладиган сўзлар**

Раббимиз босиб ўтган йўл ҳақида фикр қилиш, Павлусга Унинг орқасидан эргашишга туртки берди. Ўзининг ва Масиҳнинг чеккан азоблари орасидаги боғлиқликни таърифлаб, Павлус ҳайратга солувчи сўзларни айтади: «Мен ҳозирги вазиятда сизлар учун азоб тортаётганимга севинаман. Масиҳнинг Ўз бадани, яъни уммати учун тортмаган қайғуларини мен ўз танамда тортиб тўлдирияпман [ἀνταναπλήρω ὑστερηματα]» (Кол 1:24). Мана нима Павлусни азобларга тўла ҳаётни қабул қилишга етаклаган.

Унинг сўзлари мени Исо Масиҳнинг Жамоати ҳақида рашк қилишга чорлайди. Агар биз ҳам Худо Шохлигининг дунёда тарқалаши учун зарур бўладиган азоб чекишларни ўзимизга қабул қилганимизда эди!

## **Қандай қилиб биз Масиҳнинг азобларини тўлдиришимиз мумкин?**

Павел «қайғуларини мен ўз танамда тортиб тўлдирияпман» – деганда нимани назарда тутаяпти? У Исонинг гуноҳни ювувчи ўлими аҳамиятини пасайтирмаяптими? Нахотки Исонинг Ўзи «Амалга ошди!» – деб айтмаган бўлса (Юҳ 19:30)? Ёки «У биттагина қурбонлик келтириб, ишонувчиларни муқаддас қилди ва абадий камолга эриштирди» (Ибр 10:14), – деб айтилгани,

ёки «Масих такалар ва бузоқларнинг қони билан эмас, балки Ўз қони билан муқаддас маконга **бир марта** кириб, бизлар учун **абдий** нажотни қўлга киритди» (Ибр 9:12) – деб ай-тилгани ёлғон бўлса? Зеро Павлуснинг ўзи Масихнинг чеккан азоблари бизнинг гуноҳларимизни ювиш учун етарли ва тўла ҳисобланиши ҳақида билган ва шундай ўргатган. Биз «Масихнинг тўкилган қони туфайли оқланганмиз» (Рим 5:9). Павел Масих «ҳатто хочдаги ўлимга бориб итоат этиб» (Филип 2:8), азоб чеккани ҳақида ўргатган. Унинг итоат этиши бизнинг оқланишимизни тўла таъминлайди: «Бир одамнинг итоатсизлиги туфайли кўп одамлар гуноҳкор бўлган бўлса, энди эса бир Кишининг итоаткорлиги туфайли кўп одамлар солих деб қабулга ўтадилар» (Рим 5:19). Демак Павлус Исонинг гуноҳни ювувчи қурбонлиги етишмовчилигини тўлдириш ҳақида умуман ўйлаши мумкин эмас эди.

У бошқа нарсани назарда тутаяпти. Унинг чеккан қайғулари, Масихнинг чеккан қайғулари аҳамиятига нимадир қўшмаяпти, балки нажот топганларга тарқалиши билан уни тўлдираяпти. Етарли эмаслик, Исонинг чеккан азоблари аҳамиятида эмас, яъни худди барча нажот топганларнинг гуноҳини қоплаш учун камлигида эмас. Дунёда Исонинг чеккан азоблари ҳақидаги билим кам. Унинг келтирган қурбонлигига нисбатан ишонч кам. Ҳали кўп халқлар Масих ҳақида эшитмаган, уларга Исонинг барча гуноҳларни ювгани ҳали маълум эмас. Худонинг режаси эса, барча халқларга уни очиб беришдан иборат. Хушхабар сўз хизматчилари томонидан тарқатилиши керак. Улар бу етишмовчиликни тўлдираяптилар, яъни Масихнинг азобларини тарқатаяптилар.

## **Эпафродитнинг гувоҳлиги**

Айнан мана шу нарса назарда тутилаётганини, биз қуйидаги таъкиддан топишимиз мумкин. Павлуснинг ёрдами билан Римга жўнатилган Эпафродит касал бўлиб қолади. «Ҳақиқатан ҳам ўлар ҳолатда касал эди. Лекин Худо унга марҳамат этди» (Фил 2:27).



Павел Филиппидаги жамоатдан Эпафродитга ёрдам кўрсатишларини сўрайди (2:29), «чунки сизлар менга тўлик бажо келтиролмаган муқаддас хизматни у **бутлаб олай** [ἀναπλήρωσῃ ὑστέρημά] деб, Масиҳ йўлида ўз жонини аямаган, ўлишига сал қолган эди» (2:30). Биз кўрамизки, бу ерда ҳам худди Кол 1:24 («Масиҳнинг Ўз бадани, яъни уммати учун тортмаган, қайғуларини мен ўз танамда тортиб **тўлдиряпман**» юқорига қаранг) даги сўзлар ишлатилаяпти.

Қайси маънода филиппиликларнинг Павлусга ёрдами «етарли эмас» эди ва уни Эпафродит қайси маънода «бутлай олди»? Бу саволга Мартин Винсент шундай жавоб берган. Павлусга берилган инъом, худди тана сифатида жамоатдан берилган инъом эди. Бу севги қурбонлиги эди. Жамоатнинг шахсий вакиллиги етишмаётган эди ва Павлус бу етишмовчиликни Эпафродит ўзининг ғайратли хизмати билан бутлай олганини айтади<sup>3</sup>.

Ўйлайманки, Кол 1:24 даги гап ҳам мана шу маънога эга. Масиҳ гуноҳкорлар учун азоб чекиб ва ўлиб, бу дунёга севги қурбонлигини олиб келди. Бу қурбонлик мукамал ва етарлидир. Фақатгина Масиҳнинг дунё халқларига шахсан намоён бўлиши етмаяпти холос. Ва шунинг учун Худонинг режаси бўйича бу етишмовчиликни, Масиҳнинг азобларини дунёга шахсан кўрсатиш учун, Масиҳга тегишли бўлган одамларнинг (Павлусга ўхшаган одамлар) чорлови тўлдиради. Шундай қилиб биз «Масиҳнинг Ўз бадани, яъни уммати учун тортмаган, қайғуларини биз ўз танамизда тортиб **тўлдирамиз**». Биз уларни ҳали унинг қадр—қиммати номаълум бўлган кишиларга намоён этамиз.

## Қайғуларни қайғу билан тўлдириш

Павлуснинг Масиҳ тортмаган, қайғуларини тортиб тўлдириши жуда ажойиб: «Мен ҳозирги вазиятда сизлар учун **азоб тортаётганим**га севинаман. Масиҳнинг Ўз бадани, яъни уммати учун тортмаган қайғуларини мен **ўз танамда** тортиб тўлдиряпман» (Кол 1:24). Яъни Павлус ўзи Масиҳга олиб

келмоқчи бўлган одамлар учун азоб чекиб, бу дунёга Масихнинг азобларини кўрсатапти. Масихнинг чеккан азобларини одамлар **Павлус тортган азобларида** кўради. Худонинг режаси айнан мана шундан иборат: **У дунёга Масих чеккан азобларни Худо халқининг тортган азобларида намоён қилади.** Масих бошдан кечирган нарсаларни Масихнинг Танаси, яъни Жамоат бошдан кечириши Худога маъқулдир. Чунки биз хочни ҳаёт тарзи сифатида эълон қилганимизда, одамлар бизда унинг белгиларини кўра оладилар ва биздаги унинг севгисини ҳис қила оладилар. Биз шундай қилишга чорланганмизки, Масихнинг чеккан азоблари биз Нажот ҳақидаги Хушхабар эълон қилаётганда дуч келадиган қийинчиликларда кўринсин ва бошқа одамлар учун у ҳақиқий бўлсин. Масих энди бу дунёда эмас ва энди Унинг танаси, тортаётган азобларида **У** чеккан азобларни намоён этишини хоҳлайди. Биз – Унинг Танаси бўлганимиз учун, бизнинг чеккан азобларимиз – Унинг чеккан азобларидир. Румин чўпони Иосиф Цон буни шундай айтган: «Мен – Исо Масихнинг давомчисиман. Мени Руминияда калтаклашганида, менинг танамда **У** азоб чекди – мен фақат Унинг чеккан азобларига шерик бўлиш шарафига муяссар бўлдим»<sup>4</sup>.

Шундай қилиб, бизнинг чеккан азобларимиз дунёга Масих севгисининг далилидир.

### **«Мен Раббим Исонинг жароҳатларини ўз танамда олиб юрибман»**

«Мен Раббим Исонинг жароҳатларини ўз танамда олиб юрибман»(Гал 6:17) – деб айтганда, Павел мана нимани назарда тутган. Унинг тортган азобларида одамлар Исонинг чеккан қайғуларини кўра олишган. Одамлар Исони кўришган ва Унинг севгиси уларда ишлаган. «Исонинг ҳаёти баданимизда намоён бўлиб турсин деб, Унинг ўлимини доим баданимизда олиб юрибмиз. Бизнинг фоний баданимизда Исонинг ҳаёти намоён бўлсин деб, биз, тириклар Исо учун ҳамиша ўлимга топширилмоқдамиз. Шундай қилиб, ўлим бизда, ҳаёт эса сизда амал қилмоқда» (2 Кор 4:10–12)

## **«Азоб чекиб ўлганларнинг қони, бу экилган уруғдир»**

Масиҳийликнинг тарқалиш тарихи шуни кўрсатадики, «азоб чекиб ўлганларнинг қони бу экилган уруғдир» – Масиҳдаги янги ҳаёт учун экилган уруғдир. Деярли 300 йил масиҳийлик азоб чекиб ўлганларнинг мўл–кўл қуйилган қони ёрдамида униб–ўсган. Стивен Нилнинг фикрича, жамоатнинг тезкор равишда ўсиб боришига асосий сабаб, биринчи масиҳийларнинг азоб чекиши бўлган. «Қонундан ташқари деб эълон қилинган масиҳийлар яширин равишда учрашишга мажбур бўлишган... Эртами ёки кечми уларнинг ҳар биттаси ҳаётини хавф остига қўйиб, ўз имони ҳақида гувоҳлик беришига тўғри келишини билган... Ва қувғинлар бошланганида, жазо беришлар оммавий равишда амалга оширилган. Римликлар жуда бағри тош бўлишган, аммо маълум бир даражада улар ҳамдардликдан махрум эмас эдилар. Шубҳасиз, азоб чекканларнинг, айниқса эрлари билан бирга қийналган ёш аёлларнинг ҳатти–ҳаракатлари – уларда катта таассурот қолдирган. Ўша вақтга тегишли бўлган ҳужжатлар масиҳийларнинг тинч, ҳурматга сазовор бўлган ҳатти–ҳаракатларидан, уларнинг чидамлилиги ва мардлигидан, ўз азоб берувчиларига нисбатан хайрихоҳ бўлишганидан ва худди осмонга қараб борадиган йўлда Раббимиз ўрнатганидек, азобларни хурсандчилик билан қабул қилишгани ҳақида гувоҳлик беради». Масиҳийларни ҳукм қилиш ва қатл этиш пайтида бевосита маъжусийларнинг имонга келгани ҳақидаги кўплаб вазиятлар қайд этилган. Аммо кўрганидан ҳайратда қолиб, имон келтирган кишилар, бундан анча кўпроқ эканлигига шубҳа йўқ»<sup>5</sup>.

## **«Мени Қутқарган Шоҳимни қандай куфр қила олишим мумкин?»**

1956 йилда қатл қилинган, Смирнск нозири, Поликарпнинг азобли ўлими бунга ажойиб мисол бўла олиши мумкин. Иринейнинг гувоҳлик беришича, у Юҳаннонинг шоғирди бўлган.

«Уни ушлаб олишдан уч кун олдин, ибодат пайтида унга вахий келган... Ўшанда у билан бирга бўлганларга мурожат қилиб, у шундай деган: «Мен тириклайин ёқиламан»... У бошқа жойга кетиб қолиши мумкин эди, аммо «Раббимизнинг иродаси бўлсин!» –деб, кетишни хоҳламади. Шундай қилиб, уни қидираётганлар келганини эшитиб, у тушди ва улар билан шундай гаплашдики, улар унинг ёшини ва руҳининг мустаҳкамлигини кўриб, бундай қарияни ушлаш учун шунчалик ҳаракат қилишнинг нима кераги бор эди?, – дея бир–бирдан сўрадилар. Ўша заҳотиёқ у сув ичиш ва тўйиб овқат ейишларини таклиф қилиб ва бир соатгина тўсиқсиз ибодат қилишга рухсат беришларини сўради. Улар рози бўлишгач, у турди... ва Худонинг иноятига шунчалар тўлиб ибодат қилдики, кейинги икки соат мобайнида жим бўла олмади. Эшитганлар ҳайратдан ёқа ушладилар, кўплар эса бундай художўй қарияга қарши боргани учун тавба қилдилар»<sup>6</sup>

«Ҳоким ... уни воз кечишга ундай бошлади... ва шундай айтди: ... мен сени қўйиб юбораман, Масихни куфр қил». Аммо Поликарп шундай жавоб берди: «Мен саксон олти йилдан буён Унга хизмат қиламан ва У мени ҳечам хафа қилмаган: Мен қандай қилиб, мени Қутқарган Шохимни куфр қилишим мумкин?»<sup>7</sup>

«Гулхан тайёр эди... Уни миҳламоқчи бўлишганида, у шундай деди: «Мени шундай қолдиринглар. Зеро менинг оловга чидашимга куч берадиган, сизларнинг миҳингизсиз ҳам, гулханда қўзғалмасдан туришга ёрдам бера олади»<sup>8</sup>

«Ниҳоят қонунсизлар, олов билан унинг танасини йўқ қилиб бўлмаслигини кўриб, конфекторга унинг ёнига боришни ва ҳанжар санчишни буюрдилар... ва бутун оломон имонсиз ва танланганнинг орасидаги буюк фарқни ҳайрат билан томоша қилишди»<sup>9</sup>

Бу илк жамоатнинг шон–шуҳратини етарли даражада туншунтиради: у азоб чекишлар орқали ғалаба қозонди. Азоб чекишлардан гувоҳлик беришда фойдаланишмаган – улар гувоҳликнинг асоси бўлган. «Улар Қўзининг қони шарофати билан ва Ўзларининг шаҳодат Каломи билан уни [шайтонни]

енгдилар. Улар ўз жонларини то ўлгунча севмаган эдилар»  
(Вах 12:11)

### «Сони тўлмагунга қадар»

Жамоатнинг қийинчилик ва азоб чекишлар орқали кенгайиб ва мустаҳкамланиб бориши, тарихда юз берган тасодиф эмас. Худонинг режаси шундай. Бу ҳақида, айниқса Ваҳий Китобида гапирилади. Осмонда азоб чекиб ўлганлар Худовандга савол беради: «Токайгача?». Бошқача қилиб айтганда, улар қачон тарих тугайди, қутқарилиш ва ҳукм бажо бўлади, — деб сўраяптилар. Жавоб, Буюк топшириқнинг бажо бўлишида иштирок этишни хоҳловчиларнинг барчаси учун аҳамиятга тўла: «Уларнинг ҳар бирига оқ либос берилди. Ўзлари каби ўлдирилладиган ҳамкор ва биродарлари сони тўлмагунга қадар, қисқа бир муддат тинч қолишлари уларга айтилди» (Вах 6:11).

Яъни Худо зарур бўлган азоб чекиб ўладиганларнинг сонини белгилаб, Ўзининг режасини амалга оширмакда. Бу сон тўла бўлганда, охират келади.

Бутун дунёга хушxabар етказиш бўйича иккинчи Лозан конгрессида\* иштирок этувчиларнинг кўпчилигини Жорж Отиснинг ушбу сўзлари хайратга солди: «Мусулмон мамлакатларида муваффақиятга эришилмаётганликнинг сабаби, азоб чекиб ўлганларнинг йўқлигида эмасми? Яширин жамоат куч-қудратда ўса олиши мумкинми? Ёш жамоат азоб чекиб ўлганларнинг намунасига мухтож эмасми?»

Бу саволларни у шунингдек ўз китобининг охириги «Хавфли хавфсизлик» номли бобида ҳам берган: «Қийин жамиятдаги сиёсий вазиятларда жамоат, масиҳийликка душман бўлган кучлар томонидан йўқ қилиниши мумкинлигидан қўрқиб, яширин ҳолатда қолиши керакми? Ёки хушxabар етказишда каттароқ муваффақиятларга эришиш учун, ҳатто улар азоб чекиб ўлишни анлатсада, руҳий нодонлик ва таҳқирлашларга янада очиқроқ қарши туриш керакми?»

\* Манилла, 1989

Ислом фундаменталистларининг таъкидлашича, уларнинг рухий инқилоблари азоб чекиб ўлганларнинг қони билан озиқлантирилмоқда. Эҳтимол, масихийликнинг ислом дунёсига кириб бора олмаётганини, етарли даражадаги масихий азоб чекиб ўлганларнинг йўқлиги билан тушунтириши мумкин-дир. Мусулмон жамияти яширин жамоатнинг даъвосини жиддий қабул қиладими?... Гап топинишда ва гувоҳлик беришда эҳтиёткорлик қилмаслик кераклиги ҳақида эмас, балки гап қачонгача айбсиз бўла туриб, шамни идиш тагида яшириб юриш мумкинлиги ҳақида кетаяпти?... Тарих бизга шуни гапирдики, хаворийларни Қуддус ва Дамашқдан Эфес ва Рим томон бўлган йўлларда гувоҳлик берганлари учун калтаклашган, тошбўрон қилишган, уларга қарши ёвузликлар ўйлаб топишган ва қамоқхоналарга ташлашган. Ўзларининг хушхабар етказувчи элчилик хизматини қилишганида, уларни хурсандчилик билан кутиб олишларига умид қилишмаган»<sup>10</sup>.

Шубҳасиз, Отис ушбу сўзларни айтган Григорий I\* [Буюк, «Икки сўзли» ёки Сухбатдош, 590–604 йилларда рим папаси] билан рози бўлган бўлур эди: «Азоб чекканларнинг ўлими, содиқларнинг ҳаётини юксалтиради»<sup>11</sup>

## Ярадан дарё бўлиб оққан қон

«Масихнинг Ўз бадани, яъни уммати учун тортмаган қайғуларини мен ўз танамда тортиб тўлдириш»(Кол 1:24) учун кўнгилли равишда била туриб азоб чекаётганларни, яъни Масихнинг азобларини дунёга намоён этувчиларни ҳозир ҳам кўплаб мисолларда кўриш мумкин.<sup>12</sup> 1995 йил бу бобни ёзаётганимда, Африкадаги битта хушхабар элчисидан хат олдим. Электрон почта орқали бу хабарни тасдиқлаш учун унга илтимоснома жўнатдим. Гап ўша ҳақда кетаётган, Данс исмли киши билан у шахсан гаплашди ва унинг тарихини ҳикоя қилиш учун рухсат олди.

«1980 йил коммунистик ҳукумат Волайтада [Эфиопия] кенг қамровли қувғин қилишни бошлаб юборди. Ўша пайтда мен

\* Буюк, «Икки сўзли» ёки Сухбатдош, 590–604 йилларда рим папаси

давлат ташкилотида ишлардим, ҳамда маҳаллий жамоатларнинг ёш масиҳийлари уюшмаси раҳбари эдим. Менга бир неча марта расмий шахслар мурожат қилишган – улар менинг ёшлар орасида инқилобий ғояларни тарғиб қилишимни хоҳлашган. Айрим масиҳийлар бундай босимларга чидай олмади, аммо мен рад этишда давом этдим. Дастлаб менга хизмат вазифам бўйича кўтаришни ва ойлигимни оширишни таклиф қилишди. Кейин қўлга олишлар бошланди. Биринчи икки марта – унча узоқ ушлашмади, учинчи марта эса – бир йилга қамашди. Бизларни, тўққизта имонлини (6 эркак ва 3 та аёл, улардан биттаси кейинчалик менинг рафиқамга айланди) бирга қамаб қўйишди. Коммунистлар доимий равишда келиб, бизнинг миямизни тозалаш билан шуғулланардилар. Улардан биттаси Масиҳга келганида, бизни калтаклашди ва ишлашга, яъни сув ташишга ва қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерни катта тошлардан тозалашга жўнатишди. Биз учун энг қийини икки ҳафта бўлган. Унда бизни жуда эрталаб, қоронғу пайтда турғизиб, уч километрлик тошли йўлни тиззада юриб ўтишга мажбурлашган. Бу тахминан 3 соатни оларди. Биринчи кун яралардан қон дарё бўлиб оқди, аммо биз ҳеч нарсани сезмадик. Бошқа сафар эса бағри тош қамоқхона нозири бизни 6 соат мобайнида жазирама қуёш тагида ётишга мажбурлади. Бундан кейин, билмайман нима учундир мен унга: «Сен бизни жазирама қуёш тагида ётишга мажбур қилдинг, аммо Худо сенинг адабингни беради» – дедим. Бир қанча вақт ўтиб у оғир диабет билан касалланди ва ўлди. Бир неча йилдан кейин, коммунистик ҳукумат ағдарилганида, бизга қамоқхонада ваъз қилиш имконини беришди. Ўшанда ўлимга маҳкум этилган 12 та киши Масиҳни қабул қилди. Биз бу хизматни давом эттираёямиз ва ҳозир қамоқхонада 170 имонли бор. Кўпчилик қамоқхона нозирлари ҳам имонга келишган».

Шубҳасиз, бундай бой ҳосилни йиғишга Худо йўл қўйиб берди ва кейинчалик имонга келганларга, Масиҳнинг борлигини кўрсатишда Данси чеккан азобларининг хизмати катта эканлигига шубҳа йўқ.

## Масих учун ва Нажот учун лавозимда пасайтирилиш

Масихни дунёга кўрсатиш усули сифатида Масих учун азоб чекиш ҳақида Иосиф Цон кўп фикр юритган. У Орада (Руминия) Иккинчи баптист жамоатининг чўпони бўлган ва 1981 йил ҳокимият томонидан чиқариб юборилган. У Кол 1:24 ни, Масихнинг азоб чекиши – раҳм-шавқатли қилиш учун, бизники эса – хушxabарни тарғиб қилиш учун дея талқин қилади. У азоб чекиш бу хушxabар тарқатиш воситаси деб таъкидлайди: «Шу сабабдан ҳамда Худо танлаган кишилар сабабли мен ҳамма нарсага сабр–тоқат билан чидаяпман, токи уларнинг ўзи ҳам Исо Масих берган нажотдан фойдаланиб, абадий улугворликка эришсинлар.» (2 Тим 2:10). Яъни Павлус шунни айтмоқчики, агар у Антиохияда, бой ва тинч шаҳарда, кўплаб пайғамбарлар ва марҳаматларга бой бўлган ажойиб жамоатда қолганида эди, Кичик Осиёда ва Европада ҳеч ким қутқарилмаган бўларди. Уларнинг нажот топиши учун Павлус онгли равишда «оч–яланғоч, чанқоқлик ва калтакларга чидаб, саргардон бўлиб юришга», уни «ҳақорат қилишлари, зулм қилишлари, ғийбат қилишлари... ҳаммининг ахлати, ҳатто дунёнинг супуриндиси» деб ҳисоблашига тайёр эди. Унинг чеккан қайғулари орқали одамлар Худонинг севгисини кўраяптилар, Хушxabарни эшитаяптилар ва нажотга эга бўлмоқдалар.

Агар биз ўзимизнинг яхши жамоатимизда хавфсиз ҳолатда ўтирсак ва хочни кўтариб юрмасак, одамлар нажот топа олмасликлар мумкин. Улардан қанчаси нажот топа олмайди, чунки биз хочни кўтариб юрмаймиз?<sup>13</sup>

Цон қандай қилиб масихийнинг ҳаётидаги кўнгилсиз воқеалар, бевосита хушxabар етказишдаги муваффақиятларга олиб келиши мумкинлиги тўғрисида мисоллар келтиради. «Менин олдимга жиддий мансабни эгаллаб турган ва қачонлардир уни мен сувга чўмдирган бир киши келди. У мендан: «Мен нима қилишим керак? Мен 3 ёки 4 минг кишилик йиғин олдида чиқиб тураман ва менин устимдан қулишадилар. Менга ўзимни ҳимоя қилиш учун 5 минут берадилар. Мен нима



айтаман?» – деб сўради. – «Биродар, – дедим мен унга, – айнан ҳимояланишининг умуман кераги йўқ. Сенда олдин ким бўлганинг, Исо сени ким қилгани ва У сен учун ҳозир нима англатишини айтиш учун яхши имконият бор». Унинг юзи ёришди ва у менга: «Биродар Иосиф, энди мен нима қилишни биламан» – деб айтди. Ва у ҳамма нарсани яхши бажарди – ҳатто шунчалик яхши бажардики, уни лавозимидан пасайтиришди. Унинг ойлигини икки баравар қисқартиришди. Аммо бундан кейин у менга бир неча марта: «Биродар Иосиф, энди мен фабрика бўйлаб юрганимда, менинг олдимга кимдир келмасдан қолмайди. Кимдир албатта мени четга судраб, у ёқ бу ёққа қараб, мендан жамоатнинг манзили ҳақида ёки Исо ҳақида гапиришни, ёки бўлмаса менда ортиқча Муқаддас Китоб бор–йўқлиги ҳақида сўрайди». Шундай қилиб ҳар қандай чекилган азоб одамларнинг нажот топиши учун хизмат қилади<sup>14</sup>.

## **Халқлар учун кўнгилли равишда азоб чекиш**

Шундай қилиб, Павлус «агар биз ёлғиз бу ҳаёт учун Масихга умид боғлаган бўлсак, биз энг бахтсиз инсонлар эканмиз» – деб айтганида, у масиҳийлик – бу Масих учун кўнгилли равишда азоб чекишни англатишини назарда тутган. Агар Масих ҳақидаги хабар ёлғон бўлганида эди, у ачинишгагина лойиқ бўларди, холос. Масиҳийликда қайта тирилишдан кейин турадиган мўл–кўлчилик ва сероблик Масих билан бўладиган муносабатга умид қилишдан ташқари ҳеч қачон бўлмайди. Бу онгли равишда азоб чекиш, Масих ҳақида гувоҳлик беришимиздаги оддий кўшимча ёрдамгина эмас, балки унинг кўринарли тарзда намоён бўлишидир. Бизнинг чеккан азобларимиз Масихнинг азоблари ҳақида гапиради ва одамлар бу орқали Масих таклиф қилаётган севгини кўрадилар. Биз Масихни билмаган одамларга Масихнинг азобларини шахсан кўрсатиб, «Масихнинг Ўз бадани, яъни уммати учун тортмаган қайгуларини биз ўз танамизда тортиб тўлдириямиз». Бу шуни англатадики, Масихнинг яқин ва узоқ халқлар ҳақидаги нажот режаси, масиҳийлар

азоб чекишга тайёр бўлмагунча, азоб чекиб ўлганлар сони тўлмагунча (Вах 6:11) бажо бўлмайди. Севгини ифода қилиш шунингдек вақтини, қулайликларини ёки маблағини қурбон қилишни ҳам билдиради: «Айни равишда сизнинг нурингиз ҳам инсонлар олдида шундай порласинки, улар яхши ишларингизни кўриб, осмондаги Отангизни улуғласинлар» (Мат 5:16)

### **Масихий (гедонизм) ҳузур ҳаловатга интилиш**

«Азоб чекиш: масихий ҳузур ҳаловатга интилиш» – деб номланган бобда, мен қурбонлик қилиш ҳақида гапираман. Модомики, мен ўз китобларимдан биттасида Давид Ливингстоннинг азоб чекиш, унинг хушxabар элчиси сифатидаги хизматида «қурбонлик» ҳисобланмаслиги тўғрисидаги цитатасини келтирганман. Мен Ливингстон билан қарама–қаршиликка бораётганим йўқ. Гап контекстда. Азоб чекиш бу қурбонлик эмас, – деб айтганида, у йўқотилган нарсалар марҳаматлар билан ўлчанишини назарда тутган. Мен азоб чекишлар – қурбонлик деб айтганимда, йўқотишлар бор эканлиги ва улар сезиларли даражада эканлигини назарда тутаман. Бундан эса етарлича марҳаматлар келади.

Шундай бўлишига қарамасдан, «қурбонлик» сўзини ишла-тиш тўғри деб ҳисоблайман, чунки оғриқлар жуда катта ва йўқотишлар жуда сезиларли.

Ва мен бунинг масихий ҳузур ҳаловатга интилиш (гедонизм) деб аталашида қатъий тураман. Азоб чекиш Янги Аҳдда айнан мана шундай кўрсатилган. Агар ўликлар ичидан тири-лиш бўлмаганида, унинг ҳаёти ачинишга лойиқ бўлган, азоб чекишларда Павлус чуқур ва давом этувчи хурсандчиликка интилганми? Жавобни саволнинг ўзидан топишимиз мумкин. Фақатгина қайта тирилиш туфайли, қайғуларга тўла бўлган Павлуснинг ҳаёти ачинишга эмас, балки мақтовга (умуман олганда мумкин!) лойиқ бўлса, у ҳолда айнан шу ишонч унга куч–қувват ва асос бериб турган. Унинг ўзи шундай айтади: «Чинакам, Раббим Исо Масихни билишнинг афзаллиги олдида

мен ҳамма нарсадан бош тортиб, фойдасиз деб билдим, ха, Масихга сазовор бўлай, деб ҳатто ахлат ҳисобладим... Қани энди Масихнинг азобларида қатнашиб, ўлимида ҳам Унга эргашиб, Унинг Ўзинию тирилишининг қудратини билиб олсам ва **ишқилиб ўликларнинг тирилишига эришсам»** (Филип 3:8,10–11). У ўликларнинг тирилишига эришиш учун азоб чекиб яшаяпти.

### **Масихга сазовор бўлиш учун, ҳамма нарсадан воз кечиш**

Нима учун? Чунки қайта тирилиш Масих билан мукамал ва абадий мулоқотда бўлишни англатади. Павлуснинг ишончи айнан мана шундан иборат эди: «Чинакам, Раббим Исо Масихни билишнинг афзаллиги олдида мен ҳамма нарсадан бош тортиб, фойдасиз деб билдим, ха, Масихга сазовор бўлай, деб ҳатто ахлат ҳисобладим» (Филип 3:8), «Мен учун ҳаёт – Масихдир, ўлим эса – ютукдир» (Филип 1:21). Ютукдир! Павлуснинг ҳаёти ва азобларидан мақсад – ютукқа эга бўлиш бўлган. У «бир ёқдан тугаб, Масих билан бирга бўлишни орзу қилган, чунки бу **жуда ҳам яхши** бўларди» (Филип 1:23). «Жуда ҳам яхши»га интилиш – бу оддий худбинликка қарши бўлган туйғулардан келиб чиқмаган. Бу – масиҳий хузур—халоват интилиш (гедонизм) дир. Павлус ўзининг ҳаётига доимий ва тўла қониқиш берадиган нарсани, яъни Масихнинг улуғворлигида У билан бирга бўлишни қидирган.

Масихнинг улуғворлигида У билан бирга бўлиш нафақат Павлуснинг ўзи учунгина бўлган.

Масихни билган ва севган киши учун У билан бирга бўлиш, бошқа одамларсиз таътимаган бўларди. Унинг улуғворлиги ҳам айнан мана шунда: «Чунки Сен бўғизланган эдинг, Ўз қонинг эвазига ҳар бир қабила, тил, халқ ва миллатдан Худо учун одамларни қўлга киритдинг» (Ваҳ 5:9). Агар Масихнинг улуғвор раҳм—шавқатининг юқори чўққиси мана шунда бўлса, у холда бунга интилаётганлар ўз хузур—халовати учун яшамайдилар. Масихнинг ўнг томонидаги уларнинг хузур—халовати умумий,

бўлинган хузур–халоват. Агар Павлус «Масихга сазовор бўлай, деб ҳамма нарсадан бош тортган» бўлса, у буни бошқаларни ҳам Масихга келтириш учун қилган: «Сизнинг **имон йўлида** қилган фидокорона хизматингиз Худо шарафига қурбондай гап. Мен Худога бу қурбонликни келтириб, ўз жонимни ҳам фидо қилишим мумкин. Шунга қарамасдан, севинаман ва сизларнинг шодлигингизга қўшиламан» (Филип 2:17). Павлус Масихга сазовор бўлиш учун, ердаги халқларни Унга олиб келиш учун ва шу тарзда Унинг раҳм–шавқатини юксалтириш учун «ўзини қурбон қилган».

### **Менинг қувончим ва гул тожим!**

Шунинг учун Павлус Масихга олиб келган кишиларини ўзининг хурсандчилиги деб атайди: «... азиз биродарларим, қувончим ва гултожим, Раббингизга собит бўлинглар, эй севганларим» (Филип 4:1). «Зотан бизнинг умид ва севинчимиз ким? Раббимиз Исо қайтиб келганда, Унинг олдида фахрланадиган тожимиз ким? Сизлардан бошқа ким ҳам бўла оларди?! Ҳа, сизлар биз учун шараф ва қувончсиз!» (1 Сал 2:19–20). Жамоат унинг қувончи бўлган, чунки уларнинг Масихдаги қувончи билан унинг Масихдаги қувончи қўшилиб кўпаяди. Уларнинг Масихга келиши Унинг раҳм–шавқатини янада улуғвор қилади. Павлус дунёга хушxabар айтиб, кўнгилли равишда азоб чекканида ва мақсади – Масихга сазовор бўлиш эканини айтганида, унинг Масих билан шахсий муносабатига қувончи жуда кўп гуноҳи кечирилганларнинг иштирокида, бундан ҳам яхши бўлишини назарда тутган.

Мен ҳам (Павлуснинг жамоатга нисбатан бўлган буюк севгисидан унга тенглаша олмасамда) ҳаётимдаги қийин вазиятларда ҳаёсизлик жарлигига қараб сирпаниб тушиб кетишимдан сақлагани учун Худодан миннатдорман. Мен коллежни тугатиб, семинарияда ўқишни бошлаган давримдаги 60 йилларни эслайман. Бу жамоат учун унчалик яхши пайт эмас эди. Эсимда 1968 йил куз ойида, мен якшанба кунлари Пасаден кўчаси бўйлаб сайр қилардим ва ўзимдан жамоатнинг келажаги

борми(худди шунга ўхшаб, балиқ ҳам сувнинг муҳимлигини шубҳа остига қўйиши ёки қуш ҳам ҳаво ва шамолни кераги борми, деб ўйлаши мумкинми), деб сўрадим. Худо Ўзининг буюк инояти бўйича ўшанда мени ақлсизликдан сақлаб қолган ва Лейк Авеню жамоатида оилага эга қилган. Ўшанда Худо менга чўпонимиз Рэе Ортлундда Павлус билан ўхшашлик борлигини кўришга ёрдам берган. У киши учун сурув «қувонч ва гул тож» эди.

Ўн йил ўтиб, ҳаётимда яна битта инқирозли пайт келди. 1979 йил октябрь ойи кечаларидан биттасида, менинг олдимда «Вефиль» коллежида дарс беришни давом эттириш ёки чўпон бўлиш масаласи кўндаланг турар эди. Ўшанда Худо менга Масиҳга хизмат қиладиган ва Унга ўхшаб борадиган одамлар йиғини – жамоатга нисбатан чуқур севгини берди. Ўқитувчиликда ҳам ўз хурсандчиликлари бор. Бу буюк қақирув. Аммо ўша кечада менда бошқа бир интилиш юқори келди ва бир қанча вақт ўтиб, Худо мени Бетлехемдаги Баптист жамоатига олиб келди. Ўшандан бери 15 йил ўтди. Бу одамлар мен учун нима аҳамиятга эга эканлигини ўйлашни бошлашим биланоқ, кўзимга ёш келади. Мен умид қиламанки, улар мен учун асосий мақсад – «Масиҳга сазовор бўлиш» эканини билишадилар. Ўйлайманки, мен уларнинг «имонда ривож топиб қувониши учун» (Филип 1:25) яшаётганимни ҳам билишадилар. Менинг китобларим ва ваъзларимнинг мақсади – бу икки мақсад аслида битта эканини кўрсатишдан иборат. Ҳар битта тавба қилган гуноҳкорда, мен юзта бошқа қилган ишларимдан кўра, кўпроқ Масиҳга сазовор бўламан. Ўзимнинг Масиҳдаги шахсий қувончимни, жамоат ҳақидаги қувончдан ажратмайман.

## **Агар қувонч азоб чекишлар орқали бўлса – бу яхши ва уни изланг**

Бундай қараш инсон учун нотабиий бўлишига қарамасдан, бизни Павлуснинг сўзлари ҳайратга солмаслиги керак: «Мен ҳозирги вазиятда сизлар учун азоб тортаётганимга севинаман.

Масихнинг Ўз бадани, яъни уммати учун тортмаган қайғуларини мен ўз танамда тортиб тўлдирияпман» (Кол 1:24). Яъни мен Масихнинг чеккан азобларини, ўзимнинг азобларим орқали дунёга таништириб, уни тўлдирсам қувонаман. Мен хурсанд бўламан.

Павлус қилаётган нарса – бу яхши ва биз ҳам шундай қилишимиз керак. Бу азоб чекишдан олинган хурсандчиликнинг буюк рухий тажрибасига, худди арзимайдиган, тасодифий ва керак эмасдек қараш, Худони куфр қилиш билан тенгдир. Айнан шундай: агар бу ишни Муқаддас Рух қилаётган бўлса ва шу тариқа Масихнинг чеккан азоблари етарлилиги янада улуғланаётган бўлса, биз эса бошқалар учун азоб чекиш мумкин, лекин хурсандчиликка интилмаслик керак деб айтсак, Худони куфр қилган бўламиз. Масихни нафақат чеккан азоблар, балки азоб чекишдаги хурсандчилик ҳам улуғлайди. Уни излаш эса – тўғри иш. Павлус шундай айтади: «Шундай қилиб, сизлар кўп қайғуда бўлсангиз ҳам, **Муқаддас Рухдан** илҳом олиб, ўзингизда **севинч ҳосил қилдингизлар**, Худонинг Каломини қабул этиб, бизга ҳам, Раббимизга ҳам эргашдингизлар. Македония ва Ахая ўлкаларидаги бутун имонлиларга **ўрناق бўлиб қолдингизлар**» (1 Сал 1:6–7). Диққат қилинг: биринчидан, кўп қайғуда бўлса ҳам севинч ҳосил қилдилар; иккинчидан, бу бошқалар учун ўрناق. Улар инъом сифатида яхши, аммо мақсад эмас, – деб Худонинг Рухи қилган ишни камситган одамлардан эҳтиёт бўлинг.

## **Қувгинларда хурсанд бўлинг, чунки сизнинг мукофотингиз буюк!**

Азоб чекишларда хурсандчиликка интилиш сифатида масихий хузур халоватга интилиш (гедонизм) га асос бор эканлигини Калом кўрсатади.

Исо шундай деган: «Мен туфайли одамлар сизни ҳақоратлаб қувгин этса, сиз ҳақда ёлғон гапириб фисқу ғийбат қилса, бахтлисиз! **Севининглар ва хурсанд бўлинглар, чунки сизга осмон мукофоти буюк.** Сиздан аввал ўтган пайғамбарлар ҳам

шундай қувғин бўлган» (Мат 5:11–12; шунингдек Лук 6:22–23 кар.). Яъни:

*биринчидан*, биз диққатимизни қайта тирилишдан кейин бизни кутаётган мукофотнинг буюкликига қаратамиз. Бу бизни келажакда кутаётган мукофотнинг олдида, ҳозирги қайғуларимиз бизга арзимас бўлиб кўринади. «Ўйлайманки, бизга зоҳир бўлажак улугворлик олдида шу он азоб—уқубатларини айтиб ўтиш ҳам арзимасдир» (Рим 8:18; шунингдек 2 Кор 4:16–18га кар.). Келажакда бериладиган хурсандчилик боис, биз қийинчиликларни ҳам енгиб ўтишга ва севги кўрсатишга қодирмиз. «Лекин сиз душманларингизни севинг, яхшилик қилинг, ҳеч нарса тама қилмай ... шунда **буюк мукофот олиб**, Таолонинг ўғиллари бўласизлар» (Лук 6:35). Камбағалларга нисбатан саҳий бўл «Шунда сен бахтлисан. Чунки улар сенга қаримтасини қайтара олмаса—да, лекин **қиёматда солиҳлар тирилганида сен бунинг қаримтасини кўрасан**» (Лук 14:14)

## **Қайғуларда хурсанд бўлинг, чунки улар сизга ишонч беради!**

*Иккинчидан*, азоб чекишлар бизнинг умидимиздаги ишонч-ни мустаҳкамлайди. Азоблар пайтида қувонч қайта тирилишга бўлган умиддан келиб чиқади ва бизнинг бошдан кечирган нарсаларимиз бу умидни мустаҳкам қилади. Худди Павлус айтганидек: «Бунинг устига, қайғулар билан ҳам фахрланмоқдамиз, чунки қайғу сабр—қаноатни ҳосил қилишини биламиз. Сабр—қаноат эса тажрибақорликни, тажрибақорлик эса умидни ҳосил қилади» (Рим 5:3–4). Буюк мукофотни кутишда нафақат хурсандчиликни, балки қайғулар бу мукофотга бўлган умидимизни мустаҳкамлашини ҳам тушунамиз. Бошдан кечирган нарсалар сабр—тоқатни ҳосил қилади, сабр—тоқат орқали эса биз имонимиз ҳақиқат эканини ҳис қиламиз. Бу эса ўз навбатида ҳақиқатдан Масиҳга сазовор бўлишимизда бизнинг умидимизни кучайтиради.

Ричард Вурмбранд қандай қилиб Масиҳ учун даҳшатли оғриқларга чидаш мумкинлигини ҳақида айтади. Сизни

шунчалик қийнашдики, энди сиз учун ҳеч нарсанинг аҳамияти йўқ. Агар шундай бўлса, ҳаётни сақлаб қолишнинг ҳам кераги йўқ. Оғриқ бўладими, бунинг ҳам аҳамияти йўқ. Сиз шундай хулосага келсангиз, демак сиз инқирозни енгиб ўтаяпсиз. Ўшанда сиз ўзингизда кучли қувончни бошдан кечирасиз. Масих сиз билан бирга эканлигини ҳис қиласиз<sup>15</sup>.

Бу хурсандчилик сиз Масихнинг ёрдами билан бардош беролганингизни ҳис қилишдан келиб чиқади. Сиз воз кечмадингиз. Масих ҳақиқатдан сизнинг ҳаётингизда. Сиз учун У, Ўша Каломда очиб берилган ҳамма нарсага Қодир Худо. Худди шу нарсани ҳаворийлар ҳам ўзларини калтаклашганидан кейин ҳис қилишган: «Ҳаворийлар эса, **Раббимиз Исо номи учун ҳақоратга сазовор бўлдик, деб қувониб**, Кенгашдан чиқиб кетишди» (Ҳав 5:41). Уларнинг қувончи асосида, ўз имонлари азоб ўтида синалиши учун Худо назарида ҳақиқат эканлигини ва етарлича камолотга етганлигини тушуниш ётади.

### **Қайғуларда Масих билан бирга хурсанд бўлинг, чунки улар улуғланишга олиб келади!**

*Учинчидан*, азоб чекишдаги хурсандчилик, улуғланиш учун синаб кўрилган йўл эканлиги ҳақидаги ҳақиқатга асосланган. У бизнинг эътиборимизни келажакдаги мукофотга қаратишдан ва имонимизда мустаҳкамлашдан, ҳамда келажакда бизга абадий улуғворликни таъминлашдан келиб чиқади. Мана ҳаворий Бутрус бу ҳақида нима деган: «Аксинча, Масихнинг қанча азобларига шерик бўлаётган бўлсангиз, шунча хурсанд бўлинглар! **Шунда** У шон–шараф ила осмондан тушиб зоҳир бўлгач, кўнглингиз яна кўпроқ қувончларга тўлади» (1 Бут 4:13). Ҳозирги азоб чекишдаги хурсандчилик бу Худо томонидан режалаштирилган, Масихнинг иккинчи келишидаги якуний хурсандчилик томон йўлдир. Бутрус бизларни Масих ўз улуғворлигида қайтиб келганидаги хурсанд бўлганларнинг орасида бўлишимиз учун, азобларда ҳозирданок хурсанд бўлишимизга чақирапти.



## **Бошқалар учун азобларда хурсанд бўлинглар ва улар Масиҳни кўрадилар!**

*Тўртинчидан*, Худо иноятининг ҳамма нарсада етарли эканини аниқловчи азоб чекишдаги хурсандчилик, бизнинг азобларимизда ва Худовандда мустаҳкам туришимизда атрофдагилар Масиҳнинг бунга лойиқ эканлигини кўришидан келиб чиқади. Худди Павлус айтганидек, «Ҳа, сизлар Раббимиз билан маҳкам алоқада тураверсангиз, бизнинг жонимиз киради. **Худойимиз хузурида сизлар сабабли топган бахт—саодатимиз учун** Унга қанча шукр қилсак оздир» (1 Сал 3:8–9). Мана қандай хурсандчиликни у назарда тутаяпти: «Мен ҳозирги вазиятда сизлар учун азоб тартаётганимга севинаман» (Кол 1:24).

Биз бошқа одамларга Масиҳнинг севгисини ва Унинг қилган қурбонлиги кадр—қимматини кўрсатиш учун азоб чекканимизда, биз буни ҳар бир Худовандда маҳкам турувчи янги имонли, яъни яна бир Масиҳнинг шон—шухратининг акс эттирувчи киши учун қиламиз. Бизнинг бу янги имонли ҳақида хис қилган хурсандчилигимизни, Масиҳдаги хурсандчилигимиздан ажратиб бўлмайди. Масиҳ улугворлигидан бизга «фойда жуда катта». Бунинг учун биз ихтиёрий нарсадан воз кечишга тайёрмиз. Биз маҳрум бўлган нарсаларда Масиҳнинг буюк кадр—қимматини кўриб имон келтирган кишилар, бу буюк кадр—қимматнинг яна бир гувоҳи ва қувончимизнинг яна бир сабабчиси бўлишади.

## **Одамлар ичидаги энг бахтлилари**

Исо билан бирга Гўлгота томон бўлган йўлда хурсандчиликлардан маҳрум эмасмиз — бу йўл оғир, аммо жуда хурсандчиликларга бой. Биз ўткинчи қулайликлар ва хавфсизликни танлаб, хушхабар элчиси хизмати учун ўзимизни қурбон қилиш ва қийинчиликларини инкор этсак, биз хурсандчиликни рад этган бўламиз. Биз «сувлари қуримас булоқдай бўлиш» ни рад этган бўламиз (Ишай 58:11). Ердаги энг бахтли одамлар — бу «чунончи улугвор умидининг мағзи — ичидаги Масиҳ» бўлган (Кол 1:27), ўз чақирувига эргашадиган ва ўзи чеккан азоблар орқали

дунёга Масихнинг азобларини намоён этадиган кишилардир. Масих азобларни Ўз хоҳиши билан Ўзига қабул қилди – улар Масих билан таваккал равишда юз бермади. Масих уларни жамоатни ташкил қилиш ва обод қилиш усули сифатида танлади. У бизларни ҳам хочни кўтариб, Гўлгота томон йўлда Унинг орқасидан эргашишга чақираяптти. Бу йўлда биздан ўзимизга нималарнидир инкор қилиш, жамоатдаги хизмат учун қурбон келтириш ва Унинг азобларини дунёга намоён этишимиз талаб қилинади.

«God's Smuggler» [«Худонинг яширин хизматчисининг эътирофи»] китобининг муаллифи сифати ном қозонган, Open Doors [«Очиқ эшиклар»] хизматини бошқарувчи биродар Эндрю Масихнинг чорлови ҳақида шундай айтади: «Исо ҳақида гувоҳлик бериш учун ёпиқ эшиклар бўлмайди... Менга ёпиқ эшикни кўрсатинг, мен эса сизга унга қандай киришни кўрсатаман. Мен ваъда қилмайман, аммо у эшикдан чиқишни ҳам кўрсатаман... Исо: «Боринглар, чунки эшиклар очик» – деб айтмади(чунки улар очик бўлмаган). У: «агар сизни таклиф қилса ва сизни гиламлар билан кутиб олса, боринглар» – деб ҳам айтмади. У: «Боринглар» – деб айтди, чунки одамларда Унинг Каломига муҳтожлик бор... Хушхабар элчилиги учун янги ёндашув – қатъиятли, хужумкор, янги усуллар зарур... Камалиш, хавф–хатар ва қон тўкилишидан ўтиш керак деб қўрқаман, аммо биз мақсадга эришамиз. Агар биз ишга жиддий ёндашсак, Худо ҳамма тўсиқларни олиб ташлайди. Агар биз: «Раббим, нима бўлса ҳам...», деб сўрасак (агар биз жиддий ёндашсакгина, шундай ибодат қилишимиз мумкин), Худо албатта бундай ибодатга жавоб беради, бу эса қўрқинчли. Аммо биз бундан ўтишимиз керак. Бу 2 минг йилдан буён айнан шундай бўлиб келаяпти. Бизни қийин пайтлар олдинда кутмоқда, аммо биз енгиб ўтамыз... Биз жамоат ва масихийлик ўйинида ўйнаяпмиз. Ҳатто биз илиқ нима эканини билмаймиз... Биз ўз имонимиз учун тўлов тўлашимиз керак: «Исо Масих йўлида диёнатли яшамоқчи бўлган одамларнинг ҳаммаси ҳам қувғинга дучор бўладилар» (2 Тим 3:12). Жамоат босим бўлган жойлардагина тозаланган... Мен битта нарсани айтишим мумкин: тайёрланинглар»<sup>16</sup>.

## **Ўз кучимизни эмас, Унинг кадр-қимматини кўрсатамиз.**

Бу чорловга жавоб бериш – масиҳий хузур—ҳаловатга интилиш (гедонизм) йўлида қўйилган катта қадам. Биз азоб чекишга томон, бизга шундай айтгани учун эмас, балки бунга айтганининг Ўзи уни абадий хурсандчилик йўли сифатида кўрсатгани учун бораяпмиз. У бизни ўз бурчимизга содиқ эканлигимизни, ахлоқий мустақамлигимизни, ёки оғриқларга чидашликнинг энг юқори даражасни намоён қилиш учун итоаткорликка чақирмаяпти, балки Унинг ваъдаларининг чексиз кадр—қимматини кўрсатиш учун чақираяпти. «Мусо ... имон билан ... Гуноҳ қилиб вақтинчалик хузур—ҳаловат кўришдан, Худонинг халқи билан азоб—уқубат чекишни афзал кўрди... чунки у оладиган мукофотни кўзлар эди» (Ибр 11:24–26). Унинг итоаткорлиги унинг азоб чекиш қарорини кўрсатмади, балки Худони ҳар қандай иноятда улуғлади.

## **Масиҳий хузур—ҳаловатга интилишнинг моҳияти**

Масиҳий хузур—ҳаловатга интилишнинг моҳияти айнан мана шундан иборат. Азоб чекишларда хурсандчиликка интилиб, биз қувончимиз Манбаининг ҳамма нарсага етувчи кадр—қимматини юксалтирган бўламиз. Оғриқлар туннелининг охирида Худонинг Ўзи порлаб туради. Агар биз азоб чекишдаги хурсандчилигимизнинг асоси ва мақсади – бу Худо эканлигини тушуниб етмасак, у ҳолда бизнинг азоб чекишларимиз маъноси йўқолади. Маъноси эса қуйидагидан иборат: Худо биз учун катта фойда. Худо биз учун катта фойда. Худо биз учун катта фойда. Инсон ҳаётининг маъноси Худони улуғлашдан иборат. Айнан азоб чекишларда **биз ҳамма нарсадан кўра кўпроқ Худода мамнун бўлсак, У ҳамма нарсадан кўра кўроқ бизда улуғланади** –деган ҳақиқат намоён бўлади. Шунинг учун мен бутун дунё бўйлаб Муқаддас Рух Ўз халқини ҳамма нарсадан кўра, Худони юқори қўйишга чорласин, деб ибодат

қиламан. Мен ибодат қиламанки, У бизнинг азоб чекишларимизга қарамасдан, Худодаги хурсандчиликка интилишимиз – бу Худонинг олий ва ҳамма нарсага етарли кадр–қиммати ҳақидаги кучли гувоҳлик эканлигини ҳаммамизга кўрсатсин. Дунёдаги барча халқлар Масихнинг севгисини кўриши ва имони билан Унинг иноятини улуғлашлари учун «Масихнинг Ўз бадани, яъни уммати учун тортмаган қайғуларини ўз танамизда тортиб тўлдирайлик».

### Манбага мувоҷиҳатлар

- <sup>1</sup> Richard Wurmbrand, *Reaching Toward the Heights* (Bartlesville, OK: Living Sacrifice Book, 1992), back cover.
- <sup>2</sup> Александр Солженицын. Архипелаг Гулаг (III–IV). Кичик асарлар тўплами. М. Инком. НВ. 1991. Т. 6. С. 384–385.
- <sup>3</sup> Marvin Vincent, I.C.C., *Epistle to the Philippians and to Philemon* (Edinburgh: T. & T. Clark, 1897), с. 78.
- <sup>4</sup> Joseph Tson, “A Theology of Martyrdom,” an undated booklet of The Romanian Missionary Society, P.O. Box 527, Wheaton, IL, 60189–057, с. 4.
- <sup>5</sup> Stephen Neil, *A History of Christian Missions* (Harmondsworth, Middlesex: Penguin Books Ltd., 1964), с. 43,44.
- <sup>6</sup> Смирнск нозири, муқаддас Поликарпнинг азобли ўлими (Copyright © 2001–2007, **Pagez**, webmaster(a)pagez.ru; hosted by **orthodoxy.ru**; ушбу сайтдан: <http://pharisai.boom.ru/>) 5,2; 7,1–3.
- <sup>7</sup> Худди юқоридагидек, 9,2–3.
- <sup>8</sup> Худди юқоридагидек, 13,2–3.
- <sup>9</sup> Худди юқоридагидек, 16,1.
- <sup>10</sup> George Otis, Jr., *The Last of the Giants: Lifting the Veil on Islam and the End Times* (Grand Rapids: Chosen Books, 1991), с. 261,263.
- <sup>11</sup> Joseph Tson, “A Theology of Martyrdom,” дан цитата келтирилган с. 1.
- <sup>12</sup> Ушбу мисоллар қар.: John Piper, *Let the Nations Be Glad: The Supremacy of God in Missions* (Grand Rapids: The Baker Book House, 1993), с. 94–96; Richard Wurmbrand, *Tortured for Christ; If That Were Christ, Would You Give Him Your Blanket?; Victorious Faith*; Herbert Schlossberg, *Called to Suffer, Called to Triumph*; Leslie Lyall, *God Reigns in China*.
- <sup>13</sup> Joseph Tson, “A Theology of Martyrdom,” с. 2.
- <sup>14</sup> “A Theology of Martyrdom,” с. 3.
- <sup>15</sup> Richard Wurmbrand, “Preparing for the Underground Church,” in *Epiphany Journal*, Vol. 5, No. 4, Summer, 1985, с. 50.
- <sup>16</sup> Brother Andrew, “God’s Smuggler Confesses,” *Christianity Today*, December 11, 1995, с. 46.




## **Desiring God Ministries хизмати учун материаллар**

Desiring God Ministries – Байтлахм баптист жамоатидаги хизмат (Миннеаполис, Миннесота штати). Бизнинг мақсадимиз – Худо сизнинг олий кадр–қимматингиз бўлишига ёрдам беришдан иборат. Бунинг учун биз жуда кўп материаллар чиқарамиз. Бизнинг кўплаб китоблари ва аудио ёзмаларимизнинг муаллифи доктор Жон Пайпер ҳисобланади. Биз шунингдек, болалар учун ўқув дастурлар чиқарамиз ва конференциялар ўтказамиз. Биз ҳақимизда ва бизнинг материалларимизнинг бепул каталоги ҳақидаги маълумот ушбу сайтда [www.desiringgod.org](http://www.desiringgod.org).

## **Биз ҳамма нарсадан кўра Худода мамнун бўлсак, У ҳаммадан кўра бизда кўпроқ улуғланади**

Масихий ҳузур–ҳаловатга интилишнинг моҳияти айнан мана шундан иборат. Азоб чекишларда хурсандчиликка интилиб, биз қувончимиз Манбаининг ҳамма нарсага етувчи кадр–қимматини юксалтирган бўламиз. Оғриқлар туннелининг охирида Худонинг Ўзи порлаб туради. Агар биз азоб чекишдаги хурсадчилигимизнинг асоси ва мақсади – бу Худо эканлигини тушуниб етмасак, у ҳолса бизнинг азоб чекишларимиз маъноси йўқолади. Маъноси эса қуйидагидан иборат: Худо биз учун катта фойда. Худо биз учун катта фойда. Худо биз учун катта фойда. Инсон ҳаётининг маъноси Худони улуғлашдан иборат. Айнан азоб чекишларда **биз ҳамма нарсадан кўра кўпроқ Худода мамнун бўлсак, У ҳаммадан кўра кўроқ бизда улуғланади** –деган ҳақиқат намоён бўлади. Шунинг учун мен бутун дунё бўйлаб Муқаддас Рух Ўз халқини ҳамма нарсадан кўра, Худони юқори





қўйишга чорласин, деб ибодат қиламан. Мен ибодат қиламанки, У бизнинг азоб чекишларимизга қарамасдан, Худодаги хурсандчиликка интилишимиз – бу Худонинг олий ва ҳамма нарсага етарли қадр–қиммати ҳақидаги кучли гувоҳлик эканлигини ҳаммамизга кўрсатсин. (*Desiring God: Meditations of a Christian Hedonist, 10th Anniversary Expanded Edition* (Sisters, OR: Multnomah Books, 1996), с. 238).










# 3

## **Қувғин: асосий ҳолатлар Ўқув материаллари**

Милтон Мартин





## Жамоатнинг вазифаси (Мат 16:18)

- I. Масих Ўз Жамоатига асос солди ва унга Ўзининг хизматини давом эттиришни буюрди (Мат 16:18; 28:18–20).
  - A. Агар ибодатхоналарни ёпсалар, бу масихийлик тамом бўлганини англатадими?
  - B. Биринчи жамоатлар ўз биноларига эга бўлмаган.
  
- II. Илк жамоат қаттиқ кувғинларга дуч келган. У кувғинларга қандай жавоб берган?
  - A. Йиғилишлар уйларда ўтказилган (Ҳав 5:42).
  - B. Хушxabарни оддий масихийлар етказган (Ҳав 8:1,4).
  - B. Улар гувоҳлик бериш учун ихтиёрий имкониятдан фойдаланишганлар (Ҳав 16:13).
  - Г. Улар шогирд тайёрлашган (Ҳав 11:26).
  - Д. Улар ўзаро мулоқотда бўлишган (Ҳав 2:46–47).
  - Е. Улар ихтиёрий вазиятда Худога топинишган (Ҳав 16:23–25).
  
- III. Жамоат турли хил топиниш, мулоқот қилиш ва гувоҳлик бериш воситаларидан фойдаланган.
  - A. Уй жамоатлари кўпроқ бўлган (w 16:19).
  - B. Қувғин қилинувчи масихийлар ва «рўйхатдан ўтмаган» жамоатлар ўз йиғилишлари учун турли баҳоналар ишлатадилар: туғилган кун, тўй ва ўлим маросимлар.
  - B. Сиз қандай баҳоналар таклиф қилган бўлардингиз?
  
- IV. Кувғинлар пайтида шайтон масихийларга ва жамоатга қарши турли хил воситаларни ишлатади.
  - A. Шайтон яққалаб қўйиш каби воситаларни ишлатиши мумкин.
  - B. Шайтоннинг қуроли айбдор деб ҳис қилдириш ва хафагарчиликлар бўлиши мумкин.

1. Шайтон – «биродарларимизнинг тухматчиси» (Вах 12:10).
2. Шайтон ҳеч қачон бизни айблаш имконини қўлдан бой бермайди.
3. Шайтон хужум қилиш учун, гуноҳ тавба қилинмаган пайтни кутади.
4. Раббимиз билан бирликни сақлаш учун ҳаракат қилиш керак (1 Юх 1:8–10).
5. Агар биз уларга эътибор бермасак, хафагарчиликлар муаммога айланиб кетади.
6. Масихийлар ўзларида ёлғончи айблаш ҳиссини сезишлари учун шайтон ҳамма нарсани қилади (Рим 5:1–2; 8:33–34).
7. Шубҳаланиш ва «Раббим нима учун?» – деган саволни бериш ўрнига, «Раббим сенга лойиқ бўлиш учун нима қилишимни хоҳлайсан?» – деб сўранг.

### **Масихийлар қувғинга учрайдилар (1 Бут 4:12–19)**

- I. Қайғу чекишлар ҳақида (1 Бут 2:21; 4:12; 1 Сал 3:3–4; Ҳав 14:22; 2 Тим 3:12; Марк 13:9,13; Филип 1:29).
- II. Қайғу чекишларнинг мақсад–вазифаси (1 Бут 4:12 «оташли имтиҳонни»; Аюб 23:10; Заб 65:10).
  - A. Имон sinalаши.
  - B. Ҳақиқатдан гуноҳ эътироф этилганлигини тасдиқлашнинг зарурияти.
  - B. Имоннинг чуқур эканини тасдиқлаш.
    1. Имондан тойишга бизни нима мажбур қилиш мумкин?
    2. Синовнинг катталиги имон кучини аниқлаб беради.

- III. Масих билан бирга азоб чекиш (1 Бут 4:13). Масихий тўғри маънода Масихнинг азобларида иштирок этади, – у хочга михланмаслиги, аммо одамлар кўлидан азоб чекиши мумкин.
- А. Раббимизни қабул қилишмаганлар (Юх 1:10–11).
  - Б. Раббимизни ёмон кўришган (Юх 15:24; Ишай 53:3).
  - В. Раббимиз Отасининг уйини қолдирган (Юх 3:16).
  - Г. Раббимиз Ўз уйига эга бўлмаган.
  - Д. Раббимиз солиқ тўлаш учун маблағга эга бўлмаган (Мат 17:27).
  - Е. Раббимиз ётоқ тўшакка эга бўлмаган.
  - Ё. Раббимиз ноҳақ айбланганларида, Унинг ёнини оладиган ҳеч ким бўлмаган (1 Бут 2:22–23).
  - Ж. Раббимизни кўмадиган жой бўлмаган (Ишай 53:9).
  - З. Раббимиз камбағал бўлган.
  - И. Биз нимага чақирилганмиз? (Ибр 12:2; Филип 3:10; 1 Бут 2:21; 4:1; Гал 2:20; 6:12,17; Ҳав 5:41; 1 Сал 2:2)
- IV. Куч–қудрат азоб чекишда (1 Бут 4:14). Муқаддас Рух азоб чекканларни тинчлантиради. Эски Ахдда Худо ҳузурининг белгиси булут бўлган, у Худованднинг шон–шуҳратини намоён этиб турган (3 Шох 8:10–11). Имонли Масих учун азоб чекканида, бундай улуғворлик унга Муқаддас Рух ёрдамида хабар берилди. Муқаддас Рух – тўлдириб, ёпинчиқ бериб, қўллаб–қувватлаб, ёрдам бериб, мустаҳкамлаб, шафоат қилиб, ҳар қандай етишмовчиликни тўлдириб хизмат қилади. Бу улуғворликни Стефанда кўришган (Ҳав 6:5,8,15; 7:55, 60). Тун қанчалик қоронғу бўлса, юлдузлар шунчалик ёруғ бўлади (2 Кор 12:9–10).
- V. Азоб чекишдаги хавф–хатарлар (1 Бут 4:14–16).
- А. Масих учун азоб чекиш ва ўз айбимиз билан азоб чекиш орасида фарк бор.
  - Б. Уялиш (Ибр 2:11).

В. Хурсандчилик ва миннатдорчилик ўрнига нолиш (Чик 15:23–24; 16:2; 1 Сал 5:16–18).

VI. Азоб чекишдаги тозалашлар (1 Бут 1:7; 4:12).

- А. Азоб чекишлар бизни «зарарли нарсалардан тозалайди»
- Б. Азоб чекишлар ўз–ўзидан бизни тозаламайди. Тозалаш Худонинг инояти орқали юз беради, азоб чекишлар эса бизга ўз муҳтожлигимизни кўришга ёрдам беради.
1. Азоб чекишлар ўз кучимиз билан ҳеч нарсага эриша олмаслигимизни тушунишга ёрдам беради.
  2. Азоб чекишлар туфайли биз гуноҳга нисбатан сезгир бўламиз.
- В. Азоб чекишлар орқали биз Раббимизга тўлиқ суянишга ўрганамиз (2 Кор 12:9–10).
- Г. Қандай йўл тутамиз? – Ўз жонимизни Худонинг кўлига топширамиз (1 Бут 4:19; Ҳав 7:59; Лук 23:46).

### **Имонлининг ҳаётида азоб чекишнинг ўрни**

Азоб чекишлар – ихтиёрий инсон ҳаётининг ажралмас қисмидир (Аюб 5:6–7). Азоб чекишлар – масиҳий учун ҳам табиийдир (2 Тим 3:12; Ҳав 14:22; 1 Бут 2:21).

Азоб чекишлар ҳар хил кўриниш олиши мумкин: босим, таҳқирлаш, одам ажратиш, таҳдидлар, мол–мулкдан ажратиш, жисмоний зўрлаш.

I. Азоб чекишлар ҳақида ёлғон тасаввур.

- А. Азоб чекишлар – гуноҳ ёки нотўғри қилган иш учун жазо (1 Бут 4:19; 3:14; 4:16).
- Б. Масиҳий тушкунликка тушмаслиги керак (1 Бут 1:6).
- В. Фақатгина масиҳийлар азоб чекади (Ибт 3:16–19).
- Г. Азоб чекишлар билан носоғлом тарзда машғул бўлиш.
- Д. Азоб чекиш ҳақида ўринсиз кўрқув.

- II. Азоб чекишлар ҳақидаги Муқаддас Китоб таълимоти.
- А. Масихийлар азоб чекишга тайёр бўлишлари керак. (Юҳ 15:18–21; 17:14; 1 Юҳ 3:13).
  - Б. Бизнинг азоб чекишларимиз – биз ҳақимиздаги Худонинг иродаси (1 Бут 4:16; 2:21).
  - В. Худо фарзандларининг ҳаётидаги азоблар аниқ бир мақсад учун берилган (1 Бут. 1:6–7; 2 Кор 12:7–10).
  - Г. Биз ҳақиқат учун азоб чекишга чақирилганмиз (Мат 5:10; 1 Бут 4:15).
  - Д. Адолатсиз равишда кувғин бўлганларни Худо марҳаматлайди (Мат 5:10–12; Лук 6:22–23).
  - Е. Азоб чекишлар осмондаги нарсаларни излашга чорлайди (Рим 8:16–18; Кол 3:1–3).
  - Ё. Азоб чекишнинг ҳеч қандай уятли жойи йўқ (1 Бут 4:16; Ибр 13:12–13).
  - Ж. Биз Масихнинг намунасига эргашиш учун чақирилганмиз (1 Бут 2:19–25).
  - З. Масих ёвузликка нисбатан қандай жавоб бериш кераклигини кўрсатиб берган (Мат 5:38–48; Рим 12:14,17–21; 1 Бут 2:21–23).
  - И. Биз ғалаба қозонамиз (Юҳ 16:33).
- III. Азоб чекишларга тайёрланиш.
- А. Қайғуларнинг табиий эканлигини тушуниш (1 Бут 4:12; Филип 1:29).
  - Б. Худонинг таълимотини билиш (Филип 3:10; Рим 6:3–5; Юҳ 8:31–32).
  - В. Масихда бўлиш (Юҳ 15:4).
  - Г. Муқаддас Рухнинг бошқарувига бўйсунуш (Эфес 5:18; 4:30).
  - Д. Худонинг иродасига ишониш (Эфес 5:17; Ибр 4:1,9–11).
  - Е. Қийин вазиятларда ўзаро биродарларча қўллаб-қувватлаш (Кол 3:16–17; Эфес 5:19–21).

## Жамотга ҳужум қилиш усуллари

- I. Ҳужум ва қувгинларнинг мақсади ҳар доим Раббимиз бўлган ва бўлади (Юҳ 15:18–21; Кол 1:24–27).
- II. Ғалаба қозониш терминологияси.
  - A. Ғалаба қозонувчига берилган ваъдалар (Ваҳ 2:7,11,17,26; 3:5,12,21).
  - B. Ғалаба қозониш воситалари (Ваҳ 12:11):
    1. «Қўзининг қони» (Ваҳ 12:11a):
      - а) Худо билан тинчлик,
      - б) Виждон билан тинчлик,
      - в) ҳаёт учун куч;
      - г) куйидагилар оқибаотида кучсизланади:
        - 1) либерал теология («қон йўқ»),
        - 2) озод бўлиш теологияси («хоч йўқ»),
        - 3) оғирлик келтирмайдиган ваъзлар («куч йўқ»).
    2. «Ўзларининг шаҳодат Каломи билан» (Ваҳ 12:11б):
      - а) гувоҳлик беришга тўсқинлик қилиб ва ўзимизда ишончсизлик уйғотиб, шайтон биздан ғалабани олишга ҳаракат қиляпти;
      - б) «ички» душман ҳаракат қилмоқда:
        - 1) йиғилишлар ичида бўлиниш қилиш,
        - 2) қўрқув,
        - 3) ишончсизлик,
        - 4) севгининг етишмаслиги,
        - 5) одамларни ва жонларни қутқариш ўрнига, иккинчи даражали нарсаларга диққатимизни тортади;
      - в) ўз оиламиз ҳақида ғамхўрлик қилиш йўқ;
      - г) режа ва лойиҳалар Худонинг иродаси билан тўғри келмайди;
      - д) ҳаётимизда мувозанат йўқолган.



3. «Улар ўз жонларини то ўлгунча севмаган эдилар» (Вах 12:11):
  - а) «муроса» деган тушунчага эга эмас,
  - б) азоб чеккан масихийлар бизга ўрناق бўлади,
  - в) фақатгина жисмоний ўлим назарда тутил-  
маяпти – эҳтимол мансабини, эгаллаган  
мавқеини, ҳуқуқларини қурбон қилишга  
тўғри келар.

### III. Умумий белгилари.

Қувғинлар биргина аниқ бир турдаги давлат тузилиши билан боғланмаган, аммо уларнинг яқинлашаётганини кўрсатувчи маълум бир белгилар мавжуд.

#### A. Хушxabар тарқатиш чегараланади.

1. Масихийларга яшаш ва ишлаш жойини алмаштиришга рухсат берилмайди.
2. Радио ва телевидениядан масихий программалар олиб ташланади.
3. Диний йиғинлар жамоат биносидан ташқарида тақиқланади.
4. Йиғилишлар ўтказиш вақти олдиндан келишиш талаб қилинади.
5. Йиғилишларга хавфсизлик идоралари ходимлари кириб борадилар.

#### B. Муқаддас Китоб ва масихий адабиётларни олиб кириш тақиқланади.

1. Бундай материалларни олиб кириш «мақсадга мувофиқ эмас» деб ҳисобланади.
2. Муқаддас Китоб ҳам порнографик маҳсулотлар қаторига киритилиши мумкин.

#### B. Чет эллик хушxabар элчилари мамлакатдан чиқарилиб юборилади.

1. Фақатгина маҳаллий аҳолидан бўлган кишиларга хизматчи бўлишга рухсат этилади.

2. Чет элликларга мамлакатда ишлаш тақиқланади. Фақатгина сайёҳлик мақсадида, маълум бир вилоятларга боришга рухсат берилиши мумкин.
  3. Чет эллик фуқароларга нисбатан таҳдид ва зўравонликлар кучаяди.
- Г. Хизматкорлар таҳдидларга ва камситилишларга дуч келадилар.
1. Почта текширилади. Ваъзларнинг мавзулари олдиндан қатъий белгиланади:
    - а) агар ваъзларда сиёсий масалалар тилга олинса, жамоат солиқдаги енгилликлардан маҳрум бўлади,
    - б) чўпонларни ота-оналик ҳақ-ҳуқуқларидан маҳрум қилиш таҳдиди остида «назоратда» ушланади.
  2. Чўпонларга ўзларини бутунлай хизматга бағишлашга рухсат берилмайди:
    - а) «улар жамиятнинг фойдали аъзолари бўлишлари керак» – яъни яна қаердадир ишлашлари керак,
    - б) чўпонларни уларнинг бутун вақтини эгалловчи ишларга жойлаштирилади.
  3. Хизматчиларга жамоат аъзоларидан хабар олишга ва хушxabар адабиётларини тарқатишга рухсат берилмайди.
  4. Жамоатларга ёзув машинкалари, компьютерлар ва босиб чиқарадиган қурилмаларга эга бўлиш тақиқланади.
  5. Чўпонлар кўрқитилади:
    - а) уларни терговларга чақириши мумкин,
    - б) уларни ҳукумат томонидан ташкил қилинган сиёсий машғулотларга боришга мажбурлашлари мумкин,
    - в) уларга «хавасни келтирувчи» таклифлар қилиниши мумкин:
      - 1) алоҳида имтиёзлар,

- 2) болаларга ўқув ташкилотларида ўқишга ва касб эгаллашга рухсат берилиши (одатда масиҳийлар учун ёпиқ);
  - г) уларнинг уйларида бехосдан тинтувлар ўтказилиши мумкин,
  - д) йиғилишларга ҳукумат вакиллари бостириб киришлари мумкин.
6. Чўпонларни узоқ жойларга ишга жўнатишлари мумкин
- а) уларни жамоатнинг бошқа аъзоларидан ва бошқа масиҳийлардан ажратиб қўйиш учун
  - б) уларнинг обрў-эътиборини тўқиш учун.
7. Чўпонлар қўлга олинади ва «қайта тарбиялашга» учрайдилар. Бунда:
- а) уларга қийноқлар қўлланиши мумкин,
  - б) уларни айблашлари мумкин,
  - в) уларга қарши ноҳақ айблар қўйилиши ишлатилиши мумкин.
- Д. Жамоатлар учун рўйхатдан ўтиш мажбурий бўлади.
- 1. Жамоат раҳбарлари давлат томонидан тасдиқланади.
  - 2. Ваъзларнинг матни билан ҳукуматнинг махсус тайинланган вакиллари олдиндан танишиб чиққан бўлишлари керак.
  - 3. Расмий ваъдаларга қўлга қўйиш талаб қилиниши мумкин, мисол учун жамоатдан ташқарида тарғибот ишларини олиб бормаслик ҳақида.
- Е. Ҳар хил йўналишдаги масиҳийларни мажбурий равишда бирлаштириш.
- 1. Йўналишларнинг сони камайтиради.
  - 2. Ҳамма йиғилишлар устидан жамоатлар аро уюшма назорати ўрнатилади.
  - 3. Жамоат «миллий» доиралар билан чегараланади.
- Ё. Масиҳийлар учун ўқиш ва ишлар имконияти чегараланади

1. Олий таълим алоҳида ёшлар уюшмаси аъзолари бўлганларгагина рухсат этилади.
  2. Масиҳийлар шифокор, ҳуқуқ ҳимоячиси, ўқитувчи ва ижтимоий соҳа ишчиси бўла олмайдилар.
  3. Масиҳийлар ўзлари учун ўзлари касб танлай олмайдилар.
- Ж. 18 ёшдан кичик бўлганларга диний таълим тақиқланади.
1. Уйда таълим беришга рухсат берилмайди.
  2. Ёш масиҳийлар атеизм, эволюция, жинсий таълим ва бошқа йўналишлар бўйича машғулотларга қатнашга мажбурдир.
  3. Бу талабларга бўйсунмайдиган ота-оналар, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилишлари мумкин.
3. Масиҳийларга бир-бирларига ёрдам бериш тақиқланади. Агар уларнинг битта аъзоси қамалса, бошқалари маълум бир «ҳуқуқлардан» маҳрум этилади:
1. Яшашдан, тиббий хизматдан фойдаланиш ва бошқалар..
  2. Имондаги биродарлари билан ва ҳатто узок қариндошлари билан ҳам мулоқот қилиш
- И. Жамоатлар ёпилади.
1. Бинолар бошқа эҳтиёжлар учун берилади.
  2. Масиҳийларни ажратиб қўйиш мақсадида узок жойларга кўчириб юборилади.
  3. Масиҳийларга бошқа имонлилар билан алоқа қилиш тақиқланади.
- IV. Кўп масиҳийлар ўзлари билан бундай воқеа юз бермаслигига ишонадилар.
- А. Нимагадир улар ўзларини бундан мустасно ҳисоблашадилар.
- Б. «Улуғланиш»нинг ҳар хил талқини мавжуд, аммо Худо бизларни қувғиндан озод қилишига асос йўқ.

## V. Биз учун дарс:

- А. Ҳар доимгидан—да кўпроқ ўз халқимиз ва ҳукуматимиз учун ибодат қилишимиз керак (1 Тим 2:1–4; Рим 13:1–7);
- Б. Галаба қозонувчи бўлишга қарор қилиш (Вах 12:11).

**Қувғиннинг эҳтимолий кўринишлари**  
**(1 Бут 2:19–24)**

Қайғулар – ҳар қандай ҳақиқий имонли ҳаётининг ажралмас қисмидир. Калом қувғинлар ҳақида гапиради:

1. «Адолат учун» (Мат 5:10; 1 Бут 3:14).
2. «Ёмон отли қилиш» (Заб 30:14; Аюб. 19:18; Лук 6:22).
3. «Таҳқирланиш», «ҳақоратланиш», ва шунга ўхшаш Раб-бимиз учраган нарсалар (Ибр13:13; 11:26,36).
4. «Сохта гувоҳлар» (Заб 34:11; 26:12; Мат 5:11; Лук 23:2,5,10; Марк 14:55–60; Ҳав 6:13; 16:19–21; 26:2,7).
5. Айбланиш учун баҳоналар (Дан 6:4–5; Лук 11:54; Мат 10:16–18).
6. «Фитна» (2 Шох. 15:12; Ибт. 37:18; 2 Кор. 11:32; Ҳав. 9:23).
7. Масҳара қилишлар (Заб 41:4; Аюб 12:4; Мат 27:29,31,41; Ҳав 2:13; 17:18,32).
8. «Тутиб беришадилар» (Лук 21:16; Мат 24:10; Заб 40:10).
9. «Камситиш», «эътиборсиз» (1 Кор 1:28; 4:10).
10. «Инсоннинг душмани – уйдагилари», «қариндошлари томонидан тутиб берилди» (Мат 10:21,34–36; Малакиё 7:6; Лук 21:16).
11. «ҳамма сиздан нафратланади» (Лук 21:17; Мат 10:22; Аюб 19:19).
12. «Арзимаган нарса каби, топталамиз» (1 Кор 4:13; Заб 30:13; Аюб 19:19; 1 Бут 2:12)
13. Ишонмаслик (Ҳав 9:26).
14. Маҳрум бўлиш (1 Кор 4:9–14; 2 Кор 11:23–28).
15. «Зиндон» (Лук 21:12; Ҳав 4:3; 5:18; 12:4; 16:24; 2 Кор 6:5; 11:23с; Ибр 11:36б).

16. Калтаклашлар (Ҳав 5:40; 16:23; 2 Кор 6:5; 11:24; Мат 10:17).
17. Қаршилик кўрсатиш (Ҳав 13:45).
18. Нафратланиш  
(Ҳав 6:12; 13:50; 14:2,19; 19:23–29; 21:27).
19. Судга бериш (Ҳав 18:12; Мат 10:17–18).
20. Таҳдидлар, ман қилишлар (Ҳав 4:18,21; 5:40).
21. Тошбўрон қилишлар (Ҳав 7:57–59; 14:19; 2 Кор 11:25; Ибр 11:37).
22. «Қайғулар», «қувғинлар» (Заб 33:20; 2 Тим 3:11).
23. Сургун қилишлар (Ҳав 13:50; Юх 16:2а).
24. «Машаққат» (2 Кор 11:27).
25. «Очлик ва ташналик» (2 Кор 11:27; 1 Кор 4:11).
26. Шарманда қилиш ва ҳукм қилиш (1 Кор 4:9; Ҳав 9:16; 20:23; 21:11; Ибр 10:33а).
27. Моддий муҳтожлик (1 Кор 4:11; 2 Кор. 6:4; Филип 4:12).
28. Азоб чекиб ўлиш (Лук 21:16; Ҳав 7:59; 12:2; Юх 16:2).
29. Қийинчиликлар (2 Тим 1:8; 4:5; Мат 24:9; Заб 33:20; 2 Кор 4:17; 6:4; Ибр 10:32–33; 11:25,37; Кол 1:24; 1 Сал 1:6; 3,7; Ёқуб 5:10).
30. Камбағаллик (2 Кор 6:10; Филип 4:12).
31. Мол–мулкдан маҳрум қилиш (Ибр 10:34б).

### **Қарши тура олиш учун зарур бўлган чоралар**

- I. Янги Аҳд бўйича рухий раҳбарларни танлаш ва тайёрлаш (Ҳав 14:21–22; Тит 1:5):
  - A «керилиб кетмасин», «ҳукмронлик қилмасдан, яхши ўрناق кўрсат» (1 Тим 3:6; 1 Бут 5:3).
  - B. «мажбурий эмас, балки Худога ёқадиган даражада кўнгилдан чиқариб қилинглр... сидкидилдан иш тутинглр» (1 Бут 5:2; Юх 13:14–17).
  - B. Халқ ичидан.
  - G.. Нафақат масиҳийлар, балки имонсизлар томонидан ҳам ҳалол ва пок деб тан олинган.

- Д. Содиқ бўлиб қолишга ёрдам берувчи, алоҳида мардликка эгалар.
- II. Издошларини яхшилаб тайёрлаб (2 Тим 2:2):
- А. Уларнинг сони ҳақида ўйламайди (Луқ 6:12–13);
  - Б. Уларга вақт ажратади (Марк 3:14);
  - В. Ўз намунаси билан панд–насихат қилади (1 Кор 4:15–16; Филип 4:9; Юҳ 13:14–17);
  - Г. Аниқ ва тушунарли равишда ўқитади (Ҳав 20:26–27);
  - Д. Текширади;
  - Е. Ўз руҳий ҳолати учун ҳамманинг олдида жавобгарликни сезишга ўргатади (1Тим 4:12–16);
  - Ё. Ҳар куни ҳар битта одам учун ибодат қилади (Эфес 1:16; Филип 1:3–11; Кол 1:3).
- III. Ўз оиласи ҳақида ғамхўрлик қилади:
- А. Ҳамма нарсани Масих ҳар битта оила аъзосининг Раббиси бўлиши учун қилинг (Кол 1:9–13; 2 Кор 13:5; Рим 8:1–14);
  - Б. Ўз болаларингизни ҳаёт синовларига тайёрланг (2 Қонун 6:4–9,20–25; 11:18–21; 30:2; Ҳик 6:20–24; Ёшуа 24:14–15);
  - В. Болалар Муқаддас Китобни ва масихий адабиётларни ўқий олиши учун имкон яратинг;
  - Г. Кам таъминланганлар билан бўлишишни эсдан чиқарманг (Рим 12:9–18; 13:8; 15:1; 1 Кор 16:1; Ҳав 20:35; Гал 6:2).
- IV. Ҳар доим Масих ҳақида гувоҳлик беришнинг янги усуллари ва воситаларини излаш (Мат 16:18):
- А. Ишга ёшларни жалб қилинг;
  - Б. Бошқа одамларнинг қайгулари ҳақида хабардор бўлинг ва уларни бориб кўринг (Ибр 13:3);
  - В. Мухтожларга самимий севги кўрсатинг, яхшилик қилинг (Мат 25:35–40; 5:43–45; Ёқ 1:27; 2 Тим 1:16–18; Рим 12:20);

- Г. Жаҳлини чиқаришдан қочинг (Рим 12:14,17,19,21; Мат 5:38–48);
- Д. Ёвузликка ёвузлик билан жавоб берманг (Мат 5:44; Лук 23:34; Ҳав 7:60; 1 Кор 4:12–13; 1 Бут 2:23);
- Е. Душманларингиз учун ибодат қилинг (Мат 5:44).

**«Ана тун келяпти, ўшанда ҳеч ким  
иш қила олмайди»  
(Юҳ 9:4)**

Нима деб айтишмасин, дунёда ҳали ҳам Хушxabар ваъз қилинишига рухсат этилмаётган 40дан ортиқ мамлакат қолмоқда. Бошқаларида диний эркинликни йўқотиш хавфи турибди. Айнан мана шу ҳақида Ерем.8:20 да гапирилади – «Кун ёруғ экан... ишларни қилиш лозим» (Юҳ 9:46).

- I. Масихнинг сўзлари ҳақида фикр юритиш.
  - A. Масих «Оламнинг нури» (Ин 9:5). «Тун» нима? «Тун» – бу қоронғулик, яъни нурнинг йўқлиги,
    - 1. Одамларнинг Хушxabарга қарши туриши ва Масихга қарши чиқишлари (Марк 5:17);
    - 2. Диннинг ғазабга тўлалиги ва Худога қарши йўналтирилганлиги. Масихни диндор яхудийлар хочга михлашган (Мат 27:20–25);
    - 3. Имонлилар ўз ҳаётига гуноҳ кириб келишига йўл қўйиши, унда оёқ тираб туриб олиши ва ундан тавба қилмасликлари (1 Юҳ 1:5–6).
    - 4. Масих Ўзиникилар учун қайтиб келганда, кўпчилик учун абадий қоронғулик кириб келади (Мат 24:30–31).
  - Б. «Бажариш» нимани билдиради?
    - 1. Худонинг иродасини бажариш (Юҳ 9:4).
    - 2. Масих бизда ва биз орқали амал қилганда, Худонинг иродаси бажарилади (Мат 5:15–16).



- II. Қандай қилиб «ана ўша тун келади, ўшанда ҳеч ким иш қила олмайди»?
- А. Ёвузлик кучлари дунёни қоронғуликка чўктириш учун (айниқса ҳаётнинг айрим жабҳаларини) ҳамма нарсани қиляптилар (Эфес 5:11; 6:12). Бунда дунёвий инсонпарварлик, «Янги аср», етакчиларга сизгиниш, топинишлар, ахлоқсизлик каби воситалардан фойдаланилмоқда.
- Б. Шайтон юракларда, жамоатларда ва омма орасида ёвузлик уругини экмoқда (Мат 13:24–28).
- III. Нима учун «ана ўша тун келади»?
- А. Табиатда тунни кун алмаштиради.
- Б. Муқаддас Китоб «ёмон ва фирибгар одамлар эса бошқаларни алдабгина қолмасдан, ўзларини ўзлари ҳам алдаб, тобора разиллашиб борганда», ёвузлик гуллаб-яшнаши ҳақида огоҳлантиради (2 Тим 3:13).
- В. Ожиз, «илик» масиҳийлар ҳеч нарса қилмаяптилар (Мат 6:22–23; 5:13–15; Вах 3:15–16).
- Г. Рухий қоронғулик пайтида гуноҳ бошқа гуноҳ ҳисобланмайди ва йўлдан озиш ҳам йўлдан озишлик бўлиб қабул қилинмайди (энг улуг ҳақиқатлар тан олинмайди ва ахлоқий меъёрлар нисбий деб эълон қилинади – вазиятга қараб баҳоланувчи одоб-ахлоқ ҳукм суради) (2 Тим 3:1–9; 4:3–4).
- IV. Нима қилиш керак?
- А. «Кун ёруғ экан» ҳаракат қилиш керак.
1. Бизнинг олдимиздаги эшиклар очиқ ёки ёпиқлигидан қатъий назар ҳаракат қилишимиз керак. Барча бор бўлган воситалардан фойдаланиб, биз энг кам вақт ичида, иложи боринча кўпроқ халқларга Хушxabар етказишимиз керак.
  2. Вазиятни баҳолаш. Худонинг Рухи маълум бир пайтда, маълум бир жойдаги одамларнинг юрагини тайёрлайди.

3. Аниқ бир вазиятдан келиб чиқиб ҳаракат қилиш керак. Павлус олдин яҳудий ибодатхонасига келган ва одамларда бор бўлган Худо ҳақидаги билимга ва Каломга таянган.  
(Ҳав 13:5,14,15; 17:1–3; 18:2,4; 19:8).
4. Ҳар хил нарсаларга топинишнинг олдини олиш.
- Б. Хушxabарни машхур ижтимоий – маданий тасаввурларга (жумладан, жамоат учун янги бино) мослаштирмаслик.
- В. Ҳаракат қилиш вақти! («Темирни иссиғида босиш керак».)
  1. Ўзимизни рўза ва ибодатга бағишлаймиз  
(Ишай 55:6–7; Заб 2:6–7).
  2. Ўзимизни поклаймиз ва ҳар қандай гуноҳни улоқтираемиз (Ишай 1:16–17; Ерем 4:14; Рим 12:9; Юх 17:17).
  3. Рухда яшаймиз ва жонларни Масихга келтирамиз (Рим 13:13; Гал 5:25; Эфес 4:1; 5:15–16; Кол 1:10; Филип 2:14–16).

### **Синовларни муваффақиятга айлантириш (Ёқуб 1:2–12)**

Масихийнинг ҳаётида ҳаммаси оддий ва осон, деган таълимот машхур. Аммо бизга маълумки, Худованднинг йўлларини библиб бўлмайдиган, – зеро улар яхшиликка хизмат қилса ҳам (Рим 8:28). Марҳамат айрим пайтларда лаънат бўлиб кўриниши ҳам мумкин. Қайғуда ҳақиқий қувонч яширинган бўлиши мумкин.

Худо қийинчили ва қайғулар орқали бизнинг ҳаётимизда, бошқа воситалар орқали эришиб бўлмайдиган нарсага эришмоқчи. Худо ҳеч бир нарсани бекорга қилмайди ва бизнинг тажрибамиз ҳам бекор кетмайди (агар биз тўғри йўл тутсак!). Масихий ҳаётининг табиий ва одатий бир қисми бўлган ҳамма синовлар ва ҳокимият Худога тегишли (шахсий гуноҳимизнинг

оқибатидан ташқари). Бахт ва бахтсизлик қийинчиликларнинг бор ёки йўқлигида эмас. Гап биз уларга қандай муносабатда бўлишимизда.

### **Қийинчиликлар нисбатан мавжуд бўлган икки хил муносабат**

1. Худди дунёдагилар тутган йўлни тутиш (танавий усул; хафагарчиликка, жаҳл чиқишига ва муддатидан аввал ўлимга олиб келади).
2. Худого лойиқ тарзда йўл тутиш (яхшиликка хизмат қилади).

Ҳеч бир нарса тасодифий бўлмаслигини, яъни ҳамма нарса Худонинг қўлида эканлигини тан олиш.

1. Ҳамма юз берган воқеалар – Худодан.
2. Ҳамма юз берган воқеалар яхшиликка хизмат қилади.

Худого ушбу нарсалар маъқул,

1. синовларнинг муваффақиятга айланиши;
2. мағлуб бўлган, ғалаба қозонувчига айланиши;
3. хочнинг тожга айланиши;
4. қайғу шон–шуҳрат келтириши;
5. кураш ғалаба қозониш воситаси бўлиши.

Синов пайтидаги ғалабанинг ташкил этувчилари

Ёқуб	1:2	қувончли кайфият – қабул қилинглр
	1:3	мақсадни англаш – билиб
	1:4,9	иродага бўйсунуш – керак
	1:5,6–8	самимий хоҳиш – сўрасин

- I. «Уни катта севинч билан қабул қилинглр» (Ёқуб 1:2а):
  - A. Натижа ва ҳаракат муносабатдан келиб чиқади.
  - B. Синовлар бўлишини кутиш керак (1Бут 4:12).

- В. «Турли синовлар» (Ёқуб 1:26) (қийиқлардан бўлган кўрпа ички томонидан чиройсиз, қинғир қийшиқ ва қўпол кўринади, аммо олд томонидан чиройи, нашки ва ўйлаган фикри кўринади. Худди шундай бизнинг ҳаётимизда ҳам Худо ўйлаган расм чизилди).
- Г. Қадр–қимматлар тизимини бизнинг қабул қилиш қобилятимиз белгилаб беради:
1. Агар қулайликлар характердан кўра муҳимроқ бўлса, синовлар Худо томонидан қўйилган мақсадга эриштира олмайди;
  2. Агар моддий нарсалар руҳий нарсалардан кўра муҳим бўлса, инсон синовлар пайтида ўзини бахтсиз ҳис қилади;
  3. Агар ҳозирги нарсалар келажакдагидан кўра муҳимроқ бўлса, синовлар ўсишга эмас, жаҳлдорликка олиб келади.

II. «Шуни билинглarki, имонингизнинг синалишидан ...» (Ёқуб 1:3):

- А. Имон ҳар доим синовларга дучор бўлади. Агар синовлар бўлмаса, қутқарувчи имоннинг ўзи йўқлиги ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас.
- Б. Худо Иброҳимни марҳаматлаш ва машқлар орқали унинг имонини кучайтишириш учун синовдан ўтказди:
1. Худо яхшироқ нарсаларни кўрсатиш учун синовлар беради;
  2. Шайтон ёмон нарсаларни кўрсатиш учун соновлар беради.
- В. Синовлар бизга зарар эмас, фойда келтириш учун ишлайди (Рим 8:28).
- Г. Қайғулар бизни тажрибали қилади (Рим 5:3–4):
1. Мақсадга интилувчанлик, сабр–тоқат, матонат;

2. Сабр–тоқат – бу вазиятни пассив ҳолатда қабул қилиш эмас, балки қийинчиликлар олдидаги мардлик ва барқарорлик.
3. Сабрсизлик ишончсизликни келтириб чиқаради (Ибр 6:12; 10:36; Ишаё 26:16).

### III. «Кўрсатсин» (Ёқуб 1:4).

Қачонки биз синовларга бўйсунмасак ва қаршилиқ кўрсатсак, биз ўзимизни худди эркалитиб юборилган худбин болалар каби тутамиз.

### IV. «Сўрасин» (Ёқуб 1:5–6).

- А. Нима ҳақида ибодат қилиш керак? – Донолик ҳақида (Нима учун иноят ёки куч ҳақида эмас?).
- Б. Билим – бу фақат маълумотга эга бўлиш, донолик эса – билимни амалда қўллаш.
- В. Худо бизга яхши бўлиши учун, униб–ўсишимиз учун ва Ўзининг улуғворлиги учун бераётган нарсалардан биронтасини ўтказиб юбормаслигимиз учун доноликка муҳтожмиз.
- Г. Худо ҳаётимизда юз бераётган нарсаларни бизни мустаҳкамлаш учун беради. Шайтон қийинчиликларни бизга зарар бериш учун ишлатади.

## **Шубҳалар ва нотинчликка қарши курашиш** (*Филип 4:7; Гал 3:23; 1 Бут 1:5*)

1. «Инсон хаёлига сиғмайдиган, Худо берган тинчлик сизнинг кўнглингиз ва фикр–хаёлингизни хотиржам қилади» (Филип 4:7).
2. «Ҳеч нарсадан ташвиш қилманглар», «Худоба итоат қилинглар» (Филип 4:6; Ёқуб 4:7).
3. Фикрларингизни пок сақланглар (Филип 4:8).
4. «Сиз аввало Худонинг Шоҳлиги ва Унинг иродаси пайдан бўлинглар» (Мат 6:33; Ишаё 26:3; Кол 3:1–3).

5. «Бизнинг жангдаги қурол–аслаҳамиз башарий эмас» (2 Кор 10:4–6; Ефес 6:10).
6. «Худо берган барча қурол–аслаҳалар билан қуролланингиз» (Ефес 6:11–18).
7. Имон билан яшанг (Мат 6:25–34; 7:7–11; 17:20; 21:22; Марк 11:22–24).
8. «Илоҳий Рух амри билан яшанглар» (Гал 5:16–26; Рим 6:14–23; 8:1–13).
9. «Умидимизда маҳкам турайлик» (Ибр 3:6,12–14;6:11–12; 10:19–23,35–39).
10. «Бутун ғамларингизни Худога ташланглар» (1Бут 5:7).

### **Қийинчиликларда иштирок этганлик учун мукофот (1 Бут 4:13)**

1. «Абадий улуғворлик» (2 Кор 4:17–18; 1Бут 5:1,10–11).
2. «Тасалли» (2 Кор 1:7; Рим 8:17);
3. «Бизнинг фоний баданимизда Исонинг ҳаёти намоён бўлсин» (2 Кор 4:11);
4. Бошқаларга ҳаёт бағишлаш (2 Кор 4:12);
5. Худо иноятининг очилиши (2 Кор 4:15);
6. «Булар Худонинг адолатли ҳукмидан далолат бермоқда» (2 Сал 1:4–5);
7. «У билан бирга давр сурамиз» (2 Тим 2:12);
8. «Худонинг Руҳи ... сизларда маскан қилади» (1 Бут 4:14);
9. Худони улуғлаш (1 Бут 4:16);
10. «У шон–шараф ила осмондан тушиб зоҳир бўлгач, кўнглингиз яна кўпроқ қувончларга тўлади» (1 Бут 4:13–14).

### **Масиҳнинг намунаси (1 Бут 2:21–24; 3:14–17)**

1. Азоб чекиш (1 Бут 2:21; Мат 16:24; 1 Юх 2:6);
2. Гуноҳсизлик (1 Бут 2:22; Иш 53:9);

3. Содда (1 Бут 2:22);
4. Муъминлик (1 Бут 2:23; Иш 53:7), душманларни севиш, қувғин қилганларни марҳаматлаш (Рим 5:3; 12:14; Мат 5:44–48; Ёқ 1:2–4);
5. Сабр–тоқат (1 Бут 2:23; Рим 12:12; Луқ 21:19);
6. Ҳамма нарсани Худонинг қўлига топшириш (1 Бут 2:23; 4:19; Луқ 23:46);
7. Юз–хотирчилик қилмайди (1 Бут 2:24).

**Синовларга тайёр бўлиш Хизматчиларга  
Муқаддас Китобдан насихатлар**  
(*Эфес 6:5–8; Кол 3:22–25*)

1. «Эй қуллар, дунёдаги хўжайинларингизга ҳар нарсада итоат этинглар» (Эфес 6:5; Кол 3:22).
2. «Худодан кўрқиб қилинглар» (Эфес 6:5; Кол 3:22).
3. «Инсонларнинг кўнглини топай, деб эмас», «хўжакўрсинга хизмат қилган кишилар каби эмас» (Эфес 6:6; Кол 3:22).
4. «Худонинг иродасини чин кўнгилдан бажо келтириб» (Эфес 6:6; Кол 3:22).
5. «содадиллик билан» (Кол 3:22; Эфес 6:6).
6. «бажонидил хизмат қилинглар» (Эфес 6:7).
7. «Билингларки... ҳар бир киши қилган яхшилигига яраша мукофотни Раббимиздан олади», «Худодан абадий мукофот олишингизни ўйлаб» (Эфес 6:8; Кол 3:24–25; Гал 6:7–9).

*Тит 2: 9а, Луқ 16:10*

1. 9а ўз хўжайинларига итоат этсинлар
2. 9б уларни ҳар жиҳатдан мамнун қилсинлар
3. 9в терслик қилмасинлар
4. 10 Ўғрилиқ қилмасинлар; Луқ 16:10 Кичик ишда садоқатли бўлган, буюк ишда ҳам садоқатлидир. Кичик ишда садоқатсиз бўлган, буюк ишда ҳам садоқатсиздир

### 1 Бут 2:18-20

1. 2:18 камоли эҳтиром билан итоат қилинглр
2. 2:19–20 яхшилиқ қилиб, азобга чиданг
3. 2:21–23 Худо сизларни ана шу мақсадда даъват этган.  
Масих ҳам: “Менинг изимдан юринглр”, деб сизлар  
учун азоб чекиб, намуна бўлди

### **Бизнинг курашимизнинг руҳий маъноси** (Эфес 6:12; 2 Кор 10:3–4)

Дунёда кураш давом этаяпти, эшиклр биз учун ҳар доим ҳам очилавермайди, айрим пайтларда мағлубият ва ўлим ҳам бўлиб туради. Аммо «Худога шукр! У Раббимиз Исо Масих орқали бизга ғалаба бахш этган» (1Кор 15:37; Рим 8:32, 37) ва ҳар доим куйидагиларда ишончимиз комил бўлиши керак:

- I. Ҳар қандай ҳокимият шубҳасиз Худога тегишли (Иш 40:15; Дан 2:20–22; 4:32; Аюб 12:14–23; Заб 74:7–8; 75:11; Ерем 27:5–7; Ҳикмат 1:24–31; Ибр 13:8).
- II. Худо Ўзининг ваъдаларига содиқ (2Кор 1:20; 2 Бут 1:4). Муқаддас Китобда имонлининг ҳар қандай мухтожликлари учун 7 мингдан отриқ ваъдалар мавжуд. (Ёшуа 21:45; 23:14; 3Шох 8:56; Ибр 6:13–18; Ҳав 7:5; 2Бут 3:9; Ибр 2:3; Иш 30:18; Заб 33:9; Ҳик 16:20; Ерем 17:7–8).
- III. Етарлича иноят билан ғалаба кафолатланган (2Кор 9:8; 12:9; Эфес 3:20). Унга итоаткор Жамоатга Худованд куйидагиларни ваъда қилган:
  - A. Ўз куч–қудратини (Мат 28:18),
  - B. Ўзининг ҳузурини (Мат 28:20),
  - B. Ўз қўллаб–қувватловини  
(Филип 4:13–19; Аюб 4:3–9).



- IV. Раббимизнинг улуғворлик билан иккинчи келишидаги ғалаба кафолатланган (2Сал 2:8; Ваҳ 1:5–8; 19:11–16; Филипп 2:9–11; Эфес 1:19–22; Иш 11:3–5; Заб 90:14–16).

**«Биз билан бундай нарса юз бермайди»**

1. Қандай одамлар Нухнинг сўзларини тинглаган?  
(Мат 24:37–39)
2. Исо Ўзининг азоб чекиши ва ўлиши кераклигини Бутрусга очганида, у нима деди? (Мат 16:21–22)
3. Унинг сўзларига Исо нима деб жавоб берди? (Мат 16:23)
4. Исо бошқа сафар нима деган? (Мат 26:31)
5. Исонинг сўзларига Бутрус ва ҳамма шогирдлари қандай муносабатда бўлишган? (Мат 26:33–35)
6. Бутрус ўзини аслида қандай тутган? (Мат 26:69–75)
7. Нима учун Бутрус тонган?
8. Бу воқеа шундай кўринишдаги ягона воқеа бўлганми?
9. Одамлар бунга ўхшаш танловнинг олдида турганлиги ҳақидаги мисолларни келтиринг,  
(Муқаддас Китобдан)  
(тарихдан)
10. Одамлар ўзларининг хавфсиз эканлигига ишонч ҳосил қилсалар, нима содир бўлади? (1Сал 5:3)
11. Бутруснинг намунаси нимага ўргатади? (Мат 14:29–31)
12. Лут кўринадиган нарсаларга асосланиб нотўғри танлаш қилди.
  - а) У қандай қарор қабул қилди? (Ибт 13:10–11)
  - б) Натижада нима юз берди? (Ибт 19:15–26)
  - в) Нима учун Лут Содўм ва Ғамўранинг барбод бўлиши хавфи ҳақида ўйламади?
  - г) Унинг куёвлари ўзларини қандай тутишди?  
(Ибт 19:14)
13. «Ўзи учун бойлик тўплайдиган» одам билан нима нима юз бериши мумкин? (Луқ 12:16–21)

14. Исонинг сўзлари бўйича, кулфат ва қувғинлар пайтида биз ўзимизни қандай тутишимиз керак? (Луқ 21:8–28)

### Қувғин ҳақидаги Муқаддас Китоб гушунчаси

1. Нима учун масихийлар қувғинга дучор бўладилар? (Юҳ 15:18–21)
2. Павлус ва Барнабо ўз шогирдларини қандай қилиб қўллаб–қувватлаб туришди? (Ҳав.14:22)
3. Аслида қувғинлар кимга қарши йўналтирилган эди? (Ҳав 9:4–5)
4. Қувғинлар юз беришининг қанчалик эҳтимоли бор? (2Тим 3:12)
5. Масихийлар қандай сабаблар билан Масихдан тонишлари мумкин? (Мат 13:20–21)
6. Масих бизлардан нима талаб қилади? (Мат 16:24)
7. Худованд қувғинларга тайёр бўлганларга нима ваъда беради? (Мат 5:10–12)
8. Худо Ўз ваъдаларини кўпинча нима билан боғлайди? (мисол учун Ваҳ 3:20).
  - Биз нима қиламиз?
  - Худо нима қилади?
9. Шунга ўхшаган бошқа мисоллар келтиринг.
10. Исроилга берилган ваъдалар қандай шартлар билан берилган (2 Қонун 11:22)?
11. Қандай вазиятда биз Худо ваъдасининг бажо бўлишига умид қилишимиз мумкин:
  - а) ички тинчликда (Иш 26:3),
  - б) сиёсий барқарорликда (1Тим 2:1–2).
12. Қувғин қилувчиларга нисбатан бизнинг муносабатимиз қандай бўлиши керак? (Мат 5:44; Луқ 23:34)
13. Бутрус ва Юҳанно имон учун чеккан азобларини қандай қабул қилишган? (Ҳав 5:41)
14. Шогирдлар қувғинлар пайтида нима ҳақида ибодат қилишган? (Ҳав 4:23–30)

15. Масиҳийларни олдинда қандай қулфатлар кутиши мумкин? (Рим 8:35–39)
16. Муқаддас Китоб бизнинг ғалабамиз ҳақида нима айтади? (Рим 8:31–39)
17. Муқаддас Китобдан ҳамма масиҳийлар қувғинга дучор бўлиши ҳақидаги камида учта матнни келтиринг.
18. Нима учун қулфат ва қувғинларга қарамасдан, ғалаба қозонишимиз аниқ? Жавобингизни Каломдаги жойлар билан тасдиқланг.
19. Қарши тура олиш учун нима зарур? (Эфес 6:10–18)
20. «Қурол–аслаҳалардан» шахсан сизга нима етишмаяпти?
21. Сиз нимани ўзгартиришни хоҳлардингиз?
22. Қандай қилиб биз шайтоннинг устидан ғалаба қилишимиз мумкин? (Ваҳ 12:11)





# Мундарижа

## **Яширин тарзда хизмат қилишга тайёргарлик.**

Ричард Вурмбранд . . . . . 3

## **Азоб чекиш: масиҳий ҳузур—ҳаловатга интилиш.**

Жон Пайпер . . . . . 39

## **Қувғин: асосий ҳолатлар.**

Милтон Мартин . . . . . 81

